

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети

Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М.

Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари

Педагогика олий ўқув юртлари касб таълими
факультетлари учун қўлланма

Тошкент-2003

Мазкур қўлланма Педагогика олий ўқув юртлари касб таълими факультетлари талабалари учун «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари» фани масалаларининг баёнига бағишланган. Ундан талабалар ушбу фан асосларини замон талабларига мувофиқ ўрганишда фойдаланишлари мумкин.

Қўлланмадан ўрта махсус касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари, шунингдек, шу соҳага қизиққан кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

Такризчилар: Низомий номли Тошкент Педагогика университети
доценти, п.ф.н. Искандаров А.С.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
доценти, т.ф.н. Ниғматова Ф.У.

Муҳаррир: Азизова М.

Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2003 йил
“ ____ ” _____ № ____ -сонли мажлисида кўриб чиқилган ва
нашрга тавсия қилинган.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг кўплаб соҳаларида чет эллик мутахассислар билан биргаликда ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Тикувчилик саноати ҳам бундан мустасно эмас. Республикамизда тикувчилик соҳаси бўйича қўшма корхоналардан ташқари узоқ тарихга эга бўлган “Юлдуз”, “Паризод”, “Тонг” тикувчилик корхоналари мавжуд. Бундай корхоналар учун малакали мутахассислар етказиб бериш масаласи “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да ўз ифодасини топган.

“Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан баркамол етук ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади”. (И.А.Каримов).

Республикамиздаги тикувчилик корхоналари, Қўшма корхоналар ва якка буюртма тикиш корхоналари ишлаб чиқарадиган махсулотлар аҳолининг кийимга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шунинг учун олий ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида, умумтаълим мактабларида, мактабдан ташқари муассасаларда ўқувчиларни тикувчилик корхоналарида хизмат қилишга тайёрлаш ишларига эътибор берилмоқда. Меҳнат таълими ўқитувчисининг дарсидаги, тўғаракдаги ишларида олган чуқур билимлари мустақил ишлашларида, изланишларида катта аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув қўлланма аёллар, эркаклар ва болалар кийимларини лойиҳалаш, моделлашга оид масалаларнинг баёни бўлиб, олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқитувчилари, мактабдан ташқари муассасаларнинг, тўғаракларнинг раҳбарларига мўлжалланган. Бундан ташқари, қўлланмада баён этилган материал якка тартибда кийим тикадиган кенг китобхонлар оммасини ҳам қизиқтириши мумкин.

Қўлланмадаги берилган мавзулар шу фанни ўрганаётган кишиларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантириш, уларнинг бадиий дидларини ўстиришда максимал ёрдам беришни кўзда тутган ҳолда тўпланган ва баён этилган.

Қўлланма бир неча бобдан иборат. Бу бобларда кийим ҳақида ва унинг тарихидан маълумот, кийимларга қўйиладиган талаблар, кийимларнинг синфланиши, аёллар, болалар ва эркеклар кийимини лойиҳалаш бўйича асосий маълумотлар батафсил ёритилган. Одам гавдаси тузилиши асослари, турлари, гавданинг асосий антропометрик нуқталари ва чизиқлари, гавдани модул бўйича чизиш, кийимни лойиҳалашда фойдаланиладиган асосий ўлчовлар ва уларни гавдадан олиш, кийимни лойиҳалаш усуллари, унда ишлатиладиган қўшимчалар ҳақида етарли маълумотлар берилган.

Шунингдек, кийимларни лойиҳалаш, яъни асос чизмасини тузиш, тўр қисмидан бошлаб, кейин конструктив нуқталар ва чизиқлар ўрнини аниқлашгача бўлган жараён босқичма-босқич мунтазам ёритиб берилган. Бу қўлланмада ўзбек миллий кийимларига ҳам батафсил тўхтаб ўтилган.

Техник моделлаштириш ҳақида маълумотлар талабаларга тушунарли қилиб баён қилинган. Қўлланманинг охирида эса кийим композициясининг асослари, костюм ҳосил қилишнинг асосий тамойиллари, хусусиятлари ва композиция воситалари ёритиб берилган. Бу бўлимда уй кийимини, кундалик ва башанг кийим моделини ишлаш ва бадиий безаш асослари кўриб чиқилган.

Бу қўлланмани бобларини ёзишда Г.К.Хасанбаева, И.О.Кримова, Г.В.Скачкова, Л.В.Мартопляс, А.П.Рогова, Л.П.Шершнева китобларида баён этилган асосий қоидалардан фойдаланилган.

Ўқув қўлланмада берилган материаллардан амалий ишда ижодий фойдаланиш дидни, тадбиркорликни ривожлантиришга, кийим маданияти тушунчасини кенгайтиришга, касбий билимларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

“Тикув буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари” фанининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон тикувчилик саноатида кенг истеъмолчилар оммаси эҳтиёжи ва дидини қондирадиган хилма-хил кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Оммавий ишлаб чиқариш билан бир қаторда якка буюртма тикиш корхоналари, кичик ва ўрта хусусий корхоналар аҳолининг кийимга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. Бу соҳани ривожлантиришда хизмат қилувчи мутахассисларни олий ўқув юртларида, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида тайёрланади. Уларга махсус фан сифатида “Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари” фани ўргатилади. Кийимнинг асосий андозаларини тайёрлаш, моделлар яратиш, асосий андозалардан модел андозаларини чиқариш ва унга безаклар танлаш шу фаннинг асосий мақсадидир.

Лойиҳалаш – бу мураккаб ижодий жараён бўлиб, унда ҳар қандай буюмнинг, жумладан, кийимнинг ҳам лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Кийимни лойиҳалаш деганда, кийимни ташкил этадиган деталлар ва материаллар комплекси, шунингдек, уларни ўзаро улаб-тикиб, муайян ўлчовдаги ва шаклдаги яхлит буюм ҳолига келтириш усуллари, воситалари тушунилади. Лойиҳалаш жараёнида буюмнинг ҳажмли деталларини текисликдаги тасвирини ҳосил қилишдан иборат бўлади. Деталларнинг размери, сони ва шакли улар йиғилганда худди шу размер ва кўринишини беради.

Кийимларни лойиҳалашда гавдадан ўлчов олиш қоидалари ва ўлчовлар асосида буюм асос чизмасини чизиш, сўнг чизмадан андоза чиқариб тайёрлаш қоидаларини ўргатилади. Кийимни лойиҳалаш билан турли муассасалар шуғулланади. Булар - модалар уйи тикувчилик корхоналарининг экспериментал цехлари, махсус лойиҳалаш идоралари, илмий-текшириш институтлари ва лабораториялардир.

Кийимларни моделлаштиришда кийим моделини ижод қилиш ва асосий андозадан модел андозасини тайёрлаш йўллари ўргатилади. Бунда асос чизмасига эскиз бўйича модел чизиқлари киритилиб, янги модел андозаси ҳосил қилинади.

Кийимларни бадиий безашда эса кийимга турли безакларни кийим турига ва вазифасига қараб бериб, уларни безатиш йўллари

ўргатилади. Бунда кийимнинг ассортиментиға, газламасига, кийимнинг кимға мўлжалланганлиғига қараб, безак элементини танлаш ижодий жараён эканлиғи яққол кўринади.

1. Кийим ҳақида маълумот

1.1. Костюмдаги айрим терминларға тушунча

Кийим инсон танасини атроф муҳитнинг ҳар хил номақбул таъсирларидан, яъни иссиқ, совуқ, нам, чанг ва бошқа таъсирлардан асрайдиган ўсимлик, хайвонот ҳамда сунъий материаллардан тайёрланадиган, шунингдек, безак вазифасини ўтайдиган нарсаға айтилади. Кийим орқали ҳар қандай инсоннинг қайси миллат ёки элатға мансублиғини, қандай географик ва иқлимий шароитда яшашини, турмуш тарзи, яшаб турган жамиятининг фан-техника тараққиётини, маданиятини аниқлашимиз мумкин.

Кийим одам ташқи қиёфасини ўзгартиришда катта роль ўйнайди. У қиёфани 60% гача ўзгартиради. Кийим кишининг бадий дидини ифодалайди, маданий савиясини белгилайди, шахсни характерлайди. Кийим кишиға нисбатан турли ҳис-туйғулар уйғотади. Масалан: жиддийлик, вазминлик, жўшқинлик, совуқлик, оддийлик ва бошқалар.

Ҳозирги замон кийимлари жамиятимиз талабига мос келиши керак, яъни чиройли замонавий модада, гигиеник ва қулай бўлиши лозим.

К о с т ю м – кийимлар йиғиндисидир. Шу билан бирға бош-оёқ кийимлари ва қўшимча буюмлар (сумка, соябон, қўлқоп) ҳам костюм таркибига киради. “Костюм” сўзи французча *costume* – кийиниш маъносини англатиб - кийимнинг мазкур халқ, табақа, давр учун турғун, типик, умумий бўлган шаклини шу термин билан аталади. Костюм турли мамлакатлар халқларининг ўзига хос миллий қиёфасини акс эттиради. Масалан ўзбек миллий костюми – эркаклар учун:

аёллар учун эса:

1. Оқ яхтак.
2. Оқ лозим.
3. Беқасам чопон.
4. Чуст дўппи.
5. Этик.

1. Кокеткали кўйлак.
2. Нимча.
3. Лозим.
4. Каштали дўппи.
5. Кавуш, чувак.

Костюм маълум мақсадга мўлжалланган бўлади. Масалан, уй кийими, кўчалик кийим, спорт кийими, театр ва концерт кийимлари ва ҳоказолар. Костюм бир неча турларга бўлинади:

1. Комплект.
2. Ансамбль.
3. Гарнитур.

К о м п л е к т – бу бир неча кийимлар йиғиндисидир. У бир хил ёки ҳар хил газламадан тайёрланадиган, бирор мақсадга мўлжалланадиган бўлиб, қўшимча кийимлар ҳам унга киради, яъни бош, оёқ кийимлар, сумка, соябон, қўлқоп ва бошқалар. Комплектлар қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб қуйидаги турларга бўлинади: спорт учун, йўл учун, чўмилиш учун ва ҳоказо. Масалан, йўл кийимлари комплекти: устки кийим (пальто ёки куртка), шим, бўйин ўйиндиси ёпиқ жемфердан, тўқилган бош кийимдан, паст пошналар оёқ кийимдан ва йўл сумкасидан иборат.

Комплект очик система ҳисобланади. Унинг таркибидаги бирор кийимни олиш, қўшиш ёки алмаштириш билан комплект вазифасини ўзгартириш мумкин.

А н с а м б л ь – бир неча кийимлар йиғиндиси бўлиб, у юқори бадий дид билан тайёрланади. Таркибидаги кийимлар ҳаммаси бир хил услубда тайёрланган бўлиб, улар бир-бирига ранги, газламаси ва безаклари жиҳатидан чамбарчас боғланган бўлиб бир бутунликни ташкил қилади, бир мазмунни англатади. Кийим сўнгги мода йўналишларида, мураккаб фасонда тайёрланади. Уни қўшимча кийимлар ва зебу зийнатлар тўлдириб мустахкамлайди. Шунинг учун ансамбль ёпиқ система дейилади. Ундаги бирор кийимни олиш, қўшиш, алмаштириш мумкин эмас. Бу ҳолда кийим мазмуни бузилади. Ансамбль энг сўнгги мода элементларини тарғиб қилади. Масалан: никоҳ кийимлари, битирув кечаси ва бошқа тантанали кийимлар киради.

Г а р н и т у р – бу кийим тўплами айнан бир хил газламадан тайёрланади ва маълум бир мақсадга мўлжалланади. Масалан: ич кийим гарнитураси, заргарлик буюмлари гарнитураси ва ҳоказо. Энди кийим ҳақидаги баъзи бир тушунчалар билан танишамиз.

Л и б о с – бу кийим ҳам бир неча кийимлар тўплами бўлиб, улар бир-бирига газламаси, ранги, безаклари жиҳатидан мослашган. Бу кийим маълум вазифага мўлжалланган бўлади. Масалан: уйлик, кўчалик, кийимлари ва ҳоказо.

Г а р д е р о б сўзининг дастлабки маъноси – “кийимхона” бўлиб, ҳозирда ҳам “кийим шкафи”, “кийим турадиган жой” маъносини билдиради. Лекин бир кишининг бутун оила аъзоларининг ҳамма кийимлари йиғиндиси ҳам гардероб дейилади. Бирга кийиладиган буюмларга қараб, гардероб, одатда, баҳорги, кузги, ёзги ва қишки бўлади.

Ф а с о н – бир номли кийим гуруҳидаги шакл, бичиқ ва бошқа хусусиятлар фарқига айтилади. Фасон – кийим моделининг ўзига хос хусусиятлари йиғиндисини билдиради.

М о д е л сўзи – кийимнинг кўриниши, шакли, материали, беағи ёки бошқа сифатлари янғича бўлган намунасини билдиради.

1.2. Кийим тарихидан маълумот

Кийим инсоннинг илк ривожланиш давридан бошлаб доимо инсон билан бирга ривожланиб келди. Кийимнинг дастлабки кўринишлари Ибтидоий давр одамларининг қабила бўлиб яшаган вақтига тўғри келган. Бу даврда дарахт барглари, похоллар, ҳайвон териларини танага белдан боғлаб юришган. Кийим инсоннинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти ва онгининг ривожланиши туфайли у ҳам ривожланиб борди. Кийимнинг кейинги кўриниши турли ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларидан тўқилган оддий газламаларни танага ўраб юришдан иборат эди. Қадимги Грецияда эркаклар кийими икки қисмдан – хитон ва гиматийдан иборат бўлган. Хитон – бу ички кийим бўлиб, жун ёки зиғир толали газламадан тайёрланган.

Газламалар бўй ипи бўйлаб иккига букилиб, елкада иккита тўғноғич – фибула билан маҳкамланган. Хитон билан кўчада юриш уят ҳисобланган. Эркаклар бирор юмуш билан кўчага чиқаётганда устки кийим – гиматийни кийиб олишган. Гиматий тўғри тўртбурчак шаклдаги, 1,7х4 м ўлчамдаги газлама бўлагидан иборат бўлиб, уни елка устида боғлаб ёки елкага ташлаб қуйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемалоллигини кўрсатадиган ҳамда унга ҳалақит бермайдиган нафис тахламалар тушириб драпировка қилиб қўйиларди (1-расм).

Аёллар кийими ҳам эркаклар кийимига ўхшаб икки қисмдан иборат бўлиб, улар кийими ёпикроқ ва узунроқ бўлган. Ички кийими – хитон бурмаланган газлама бўлаги елкада фибулалар (тўғноғичлар) билан маҳкамланган. Хитон оқ, сариқ, қизил рангдаги жун ва зиғир

толали газламалардан тайёрланган. Хитон уй кийими ҳисобланиб, унда кўчага чиқиш одатланилмаган. Аёллар устки кийими пеплос деб аталарди (2-расм). Унинг шакли ва драпировка қилиниши хитонга ўхшаб кетарди, фақат тахламалари сони кўпроқ ва узунроқ эди. Пеплос 1,5х3,5 м ўлчамдаги газлама бўлагидан иборат бўлган.

Қадимги греклар ва римликлар бундай бурмаланган кийимларни усталик ва юқори дид билан бажарганлар. Ҳозирги кунда бундай бурмаланган кийимларни Ҳиндистоннинг миллий кийимларида кўриш мумкин.

Табиатшунослик, само фанларининг келиб чиқиши кийимга ўз таъсирини ўтказди. Кийим газламаси турлари пайдо бўлади (юпқа, қалин, шойи, ип толали газлама). Кейинчалик кийимда тананинг қисмларига алоҳида газламаларни ўраб тайёрлаш, бўйлаб бириктириш меҳнат қилиш учун анча қулайлик туғдиради.

Айниқса, игнанинг келиб чиқиши кийим қисмларини бириктириб тикишда унинг такомиллашишига олиб келди. XIII асрга келиб кийимда ёқалар, енг, манжетлар, чўнтаклар, тақилмалар шаклланди. Кийимнинг ташқи кўринишида, газламасида, бичилишида ўзгаришлар тез ривожланди. Кийимнинг гавдага ёпишган, этаклари ҳажмли, қаватли кўринишлари, газламаларнинг атлас, бархат, мовут каби турлари пайдо бўлди. Европа мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топди. Одамзот гавдасининг гўзаллигидан завқланиш номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланар, шунинг учун гавдани кўполдан-кўпол, оғир, кейинчалик эса чўзиқ шакллarga ўраб ташлар эдилар. Тор, юқори қисми қатор-қатор мураккаб тахламалардан иборат, орқа этаги жуда узун, кўйлак жуда баланд конуссимон бош-кийим ва ниҳоятда чўзиқ пойафзал билан бирга кўшилиб, қадди қомат кўринишини ўзгартириб юборарди (3-расм).

Ўрта асрларда костюм гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида қаттиқ қисиб, табиий шаклдан узоқлаштирадиган “ғилоф” системаси ривож топишини бошлаб берди.

Уйғониш даврида (XVI-XVII асрлар) эстетик дунёқарашни қайта баҳолаш юз берди, яъни гуманистик идеологиялар шаклланди. Бу буюк географик кашфиётлар, илм ва техника ютуқлари даври, санъат даври эди. Бу Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело каби улуғ алломалар даври эди.

Бу даврда аёллар кийими жуда ноқулай – қаттиқ, ҳаракатга ҳалақит берадиган ҳолатда эди. Икки қаватли кийим бир вақтда кийилиб, белдан этак қисмига каркас ёрдамида конуссимон шакл кўринишида бўлган (4-расм). Юбка қисмида ҳеч қандай бурмалар бўлмай, каркасга тортиб қўйилган. Кўйлакнинг юқори қисми жуда тор бўлиб, пастга томон бурчак шаклида тугалланган эди. Бу даврда аёллар белни хипча қилиб кўрсатиш мақсадида корсет кийишган.

Эркаклар кийими эса сипо ва содда кўринишда бўлган. Каштали кўйлак, кенг камзул, трико ва калта шар шаклига ўхшаб кетувчи панталонлар кийилган (5-расм).

XVIII аср (Барокко даври) ларга келиб кийимда хашамат-дорлик жуда авж олди. Бу давр кийим шакллариининг назокатлилиги, мураккаблиги билан ва ғаройиб жимжимадорлиги билан фарқ қилади. Костюмда гавданинг бел қисми, кўкрак, бўкса кўзга ташланиб туради (6-расм). Костюм енгил, нозик бўлиб, бошдан-оёқ гул тикилган, тюлдан, газсимон материалдан, тўқима тўрдан, “кўпчитиб” қўйгандек безатилган.

Аёллар кийими жуда тор бўлиб, унинг остидан корсет кийилган. Кўйлак олд қисми жуда очик, енглари тор, паст қисми тўрлар билан безатилган, кўйлакнинг этак қисми кринолин ҳисобига кенг турган. Кўйлак беағига алоҳида эътибор берилган. Устки кўйлак кўкрак қисмида бантлар билан маҳкамланган. Бантлар кетма-кетликда жойлашган, яъни аввал катталари, бел томон эса майда бантлар маҳкамлаб қўйилган.

Бу давр эркаклар ички кийимлари камиза, устки кийими плаш эса табар деб юритилади. Табарларда ён чок бўлмаган ва бу кийим жуда эъзозланган. Аёллар кийими ҳам икки қаватли камиза ва котта қисмлардан иборат бўлган.

Котта устки кийим бўлиб, юқори қисми жуда тор ва ён ёки орқада шнурли тақилмаси бўлган, енглари ҳам жуда тор ва узун бўлиб, юбка қисми эса бўлакдардан иборат жуда кенг ва узун шлейфлар билан яқунланган.

Эркаклар кийимида ҳам хашаматдорлик сезилиб турарди. XIX асрдаги европача костюм тарихи 1789 йилдаги француз буржуа инқлобининг бўронли воқеаларидан бошланди. Янги даврга капитализмнинг, фан ва техниканинг гуркираб тараққий этиши, янги-янги материаллар, тикув машинаси пайдо бўлиши характерли эди.

Костюмда қатор-қатор шакллар, силуэтлар, каркаслардан (корсет ва кринолиндан) ҳалос бўлиш ва гавдани эркин кўрсатиш секин-аста

сезила бошланди. Эркаклар тик ёқали оқ кўйлак, галстук ёки шарф, фрак кия бошлаганлар (7-расм).

Аёллар кийими оддий ва сипо кўринишга эга эди. Костюмнинг бел қисми юқорида бўлиб, юбка қисми эса шлейф, юмшоқ тахламалардан иборат бўлган. Тантанали кийимлар жуда очик ва узун шлейфли қилиб тикилган (8-расм).

XX аср (Ампир даври) шакл ва материаллар танлашда қатъиян хизматбопликни, соддаликни, бемалолликни ўз принципи деб эълон қилади. Костюм корсет, криолин каби сунъий нарсалардан гавдани халос қилади, аёл гавдасини озод этади, башанглик ҳақидаги эскича тасаввур ўзгаради. Костюмнинг асосий интилиши одам ҳаракатларига максимал даражада мос бўлишдан, одамни эзмаслик, уни ўзига бўйсундирмасликдан, балки унинг ҳаётий манфаатлари изидан боришдан, индивидуалликни рўёбга чиқаришдан иборат бўлади (9, 10-расмлар).

XX аср дунёдаги бўлаётган воқеалар кийимга ўз таъсирини ўтказади. 20-йилларда кийимни ихчамлаштириш, бўйини калталаштириш, этакларини торайтиришни, оддий бичимлигини кийимларда кўриш мумкин. Шу даврнинг тақчиллиги ва синфланиши, тенглашуви асосан оддий матолардан ихчам кўринишдаги кийимлар тайёрланишига сабаб бўлган. 30-40-йиллардан сўнг кийимни кийилиш ўрнига қараб услуб бўйича кийиладиган бўлди, яъни классик, спорт, фантазия услуби ва кейинчалик эркин услуб пайдо бўлди.

Классик услубда – расмий кўринишда кўчалик кийимлар тушунилса, спорт услубида фақат спорт машғулотлари учунгина эмас, балки ҳаракат қилиш учун, турли ишлар учун, актив дам олиш учун қулай кийимлар, фантазия услубда эса байрам, тантанали кийимлар кўзда тутилган. 70-80-йилларда кўпроқ эркин услубдаги кийимлар пайдо бўлиб, уларда классик, фантазия услублари ўз кўринишини беради.

Костюмнинг образли ифодалилиги эндиликда илгаридан бошқа воситалар ёрдамида эришилади, яъни силуэт тез-тез алмашиб туради, чизиқлар инжиқ ва доимий эмас, гавда билан костюмнинг ўзаро боғликлиги динамикада ифода топади. Кийим бир қарасангиз гавдага ёпишиб, гоҳида унга салгина тегиб, баъзан эса гавдадан жуда қочиб турадиган бўлади. Костюмни шакллантиришда хизматбопликни асос қилиб олган дизайн, яъни саноат буюмларини бадиий лойиҳалаш актив роль ўйнайди.

1.3. Кийимга қўйиладиган талаблар

Кийимни лойиҳалаш кийимга қўйиладиган талаблардан бошланади. Ҳар қандай тикувчилик буюмларига аниқ белгиланган талаблар қўйилади. Кийимга 2 хил талаб қўйилади: истеъмолчининг талаби ва ишлаб чиқариш талаби.

Истеъмолчининг талаби ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

1. Гигиеник талаб.
2. Эксплуатацион талаб.
3. Эстетик талаб.

Г и г и е н и к талаблар деганда, шуни тушуниладики, кийимдан фойдаланганда кийим одам соғлиғига зарар етказмаслиги, эркин ҳаракатланиш вақтида ҳалақит бермаслиги керак, яъни ёзда кийиладиган кийимлар енгил, ҳаво ўтказувчан бўлиши, қуёш нурини қайтарувчан бўлиши, намни шимувчан бўлиши керак. Бунда газлама асосий роль ўйнайди. Кийим табиий толали газламалардан тикилиши талаб қилинади. Масалан: пахта, ипак, жун, зиғир толали газламалар жуда яхши, гигиеник ҳисобланади.

Қишки кийимлар одам танасидан чиққан иссиқликни сақловчи, енгил ва қулай бўлиши керак. Шунинг учун қишки кийимлар кўпинча жун толали газламалардан тикилади. Кийимга ишлов беришда иложи борича енгил бўлишига, бичими эса қулай бўлишига эътибор бериш керак. Кузги ва баҳорги кийимлар эса ҳароратнинг пастлиги ва ёғингарчилик кўплигига асосланиб кўпроқ синтетик толали газламалардан тикилади.

Э к с п л у а т а ц и о н талаблар деганда, кийимнинг вазифасига ва фойдаланиш шароитларига мослиги, қулайлиги, чидамлилиги, ишончлилиги, формасининг барқарорлиги тушунилади. Кийилиш даврида кийим турли механикавий ва биологик таъсирларга дуч келади, нам вақтида буралади. Кийим ана шу таъсирларга чидамли бўлиши керак.

Бундай таъсирлардан кийим ситиладиган, чўзиладиган, рангини ўзгартирадиган ёки ғижимланадиган бўлса, у узоққа чидамайди. Шунинг учун газламанинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кийим моделини тўғри танлаш керак, яъни чўзилувчан, ситилувчан газламалардан кенгрок, бурмаланган кийимлар тикилгани маъқул. Ундан ташқари, кийимнинг ёқалари, енглари, бортлари, чўнтак

оғизлари кўп ишқаланади. Бу ерларга пухта техник ишлов бериш керак. Акс ҳолда кийим ўз кўринишини йўқотади.

Эстетик талаблар деганда, кийимнинг мода йўналишига мослиги, янги газламалардан тикилганлиги, янги безаклар ишлатилганлиги, истеъмолчиларнинг эстетик дидларини қондириши тушунилади.

Ишлаб чиқариш талаби деганда буюмни корхонада ишлаб чиқариш жараёнидаги юзага келадиган талаби тушунилади. Тикувчилик буюмини лойиҳалашда қуйидагиларга аҳамият берилади:

1. Бир асос бўйича бир неча моделларни тайёрлаш мумкин бўлсин.
2. Кийимга кетадиган матодан юқори тежамкорликда фойдаланиладиган бўлсин.
3. Кийимни тикишда ишлаб чиқариш корхонаси ўзида бор механизациядан ва шарт-шароитлардан тўлиқ фойдалана олсин.
4. Ишлаб чиқариш корхонаси тайёрланаётган буюм юқори унумли бўлишини эътиборга олиш керак, натижада маҳсулот таннархи арзон, самарадорлиги юқори бўлади.

1.4. Кийимларнинг синфланиши

Тикувчилик саноатида қабул қилинган синфланишга кўра кийимлар 2 синфга:

- маиший кийимлар;
- ишлаб чиқариш кийимларига бўлинади.

Маиший кийим ўз навбатида фойдаланиш шароитига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- уст кийимлар (пальто, калта пальто, плашлар, жакетлар, пиджак, куртка ва ҳоказо);
- енгил кийимлар (кўйлақлар, блузкалар, эркаклар кўйлаги, юбкалар, фартук ва ҳоказо);
- ич кийимлар (пижамалар, эркаклар ва аёллар ич кийимлари, чўмилиш кийимлари ва ҳоказо);
- бош кийимлар (кепка, фуражка, беретка, шапка, шляпа, панама ва ҳоказо).

Ишлаб чиқариш кийимлари эса қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Махсус кийимлар – одамни зарарли муҳитдан муҳофаза қилади ва кишининг иш қобилиятини сақлашга ёрдам беради. Уларга куртка, комбенизон, шим, плашлар киради.

- Форма кийимлари – темир йўл ишчилари, ҳарбийлар, авиация, дарё ва денгиз ходимлари ва бошқалар учун тикилади. Уларга шинель, пальто, китель, шим, костюм, куйлак, ич кийим ва бошқалар киради.

Жинс ва ёш аломатларига кўра кийимларни қуйидаги кичик гуруҳларга: эркалар, аёллар ва болалар кийимларига ажратилади. Болалар кийими ёшига кўра ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

- чақалоқлар кийими;
- ясли ёшидаги ўғил ва қиз болалар кийими;
- мактабгача ёшдаги болалар кийими;
- мактаб ёшидаги болалар кийими;
- ўсмирлар кийими.

Кийимлар йилнинг қайси фаслида кийилишига қараб: ёзги, қишки, баҳорги, кузги кийим турларига бўлинади. Бу кийимлар қаерга кийилишига қараб қуйидагиларга:

- кундалик кийим,
- уй кийими,
- тантанали кийим,
- спорт кийимларига ажратилади.

Кийимлар тикиладиган газламасининг толасига қараб: жун, шойи, ип газлама, зиғир толали газламалардан, шунингдек, сунъий, синтетик ва аралаш толали газламалардан тикилган кийимларга бўлинади.

2. Одам гавдаси ҳақида маълумот

2.1. Одам гавдасининг тузилиши ва турлари

Тикувчилик мутахассислигида кийим моделини ишлаб чиқариш учун одам гавдасининг тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлиши зарур.

А н а т о м и я – киши организми: айрим органлар ва системаларнинг тузилиши ҳамда формалари ҳақидаги фан. Анатомия морфологиянинг бир қисми ҳисобланади.

М о р ф о л о г и я – киши организмнинг шахсий ўзгарувчанлиги, гавда ўлчамлари ва мутаносибликларининг ёшга қараб ўзгариши ҳамда организм айрим қисмларининг ўзгарувчанлиги

қонуниятлари ҳақидаги фан бўлиб, инсон танасининг тузилиши ҳақидаги таълимотдир.

А н т р о п о л о г и я фани эса юқоридагиларнинг ҳаммасини ўз ичига олиб, одам гавдаси тузилиши ҳақида тўлиқ маълумот беради. Гавда одатда тана, бўйин, бош, қўллар ва оёқлар деган бўлимларга бўлиб ўрганилади. Гавда тузилишида одамнинг суяк қисмлари асосий роль уйнаб, у таянч бўлиб ҳисобланади ва одам гавдасининг шаклига таъсир қилади. Одам скелети бош, тана, қўл ва оёқ суяк қисмларидан ташкил топган. Скелетнинг таянчи бўлиб умуртқа поғонаси ҳисобланади. У беш қисмга бўлинади (11-расм):

1. Бўйин умуртқаси 0-1.
2. Кўкрак умуртқаси 1-2.
3. Бел умуртқаси 2-3.
4. Думғаза суяги 3-4.
5. Дум суяги 4-5.

Бўйин умуртқасининг 7-суяги туртиб чиқиб туради. Бу суяк одам гавдасидан ўлчовлар олишда хизмат қилади.

Умуртқа поғонасининг эгрилик даражаси одамнинг қадди-қоматини белгилайди. Эгрилик шакли одамнинг бутун умри давомида ўзгариб туради. Янги туғилган чақалоқларда умуртқа поғонаси деярли тўғри шаклга эга. Боланинг ўсиш даврида умуртқа поғонасининг эгрилиги маълум бир шаклга киради. Умуртқа поғонасининг эгрилигига қараб гавдани қуйидаги турларга ажратиш мумкин (12-расм):

- озгина эгилган (12-расм, а);
- ўрта эгилган (12-расм, б);
- кучли бир текисда ифодаланган эгрилик (12-расм, в);
- кучли нотекис ифодаланган эгрилик (12-расм, г).

Одамнинг бўйин асосидан то елка бўғимларигача бўлган қисми елка деб аталади. Елканинг қиялик даражасига қараб паст ($E_k=7,7\pm0,75$ см – 13-расм, а), нормал ($E_k=6,2\pm0,75$ см – 13-расм, б) ва баланд ($E_k=4,7\pm0,7$ см – 13-расм, в), шунингдек, елка кенг (13-расм, г), нормал (13-расм, д) ва тор (13-расм, е) бўлиши мумкин.

Аёлларда тананинг кўкрак қафаси қисмининг шакли кўпроқ кўкрак безларининг тузилишига боғлиқ бўлади. Кўкрак безларининг ривожланишига қараб кам ривожланган (14-расм, а), ўрта ривожланган (14-расм, б) ва кучли ривожланган (14-расм, в) турларига бўлинади. Кўкрак безларининг жойлашишига қараб юқори

жойлашган (15-расм, а), нормал жойлашган (15-расм, б) ва паст жойлашган (15-расм, в) турлари ҳам учрайди.

Қорин қисмининг ўлчамларига қараб, текис қорин (16-расм, а), бир оз туртиб чиққан қорин (16-расм, б) ва юқори ёки паст жойлашган думалоқ-дўппайган шаклли (16-расм, в) қорин турларига бўлинади. Қориннинг формаси жинсга, ёшга ва ориқ-семизлигига боғлиқ бўлади.

Оёқлар скелети тос камари ва оёқларнинг эркин суякларидан ташкил топган. Оёқларнинг эркин суяклари жумласига ёнбош (сон) суяги, катта ва кичик болдир суяклари ҳамда товон суяклари киради.

Оёқларнинг формаси ёнбош ўқи билан болдир ўқининг бирига нисбатан қандай жойлашганлигига қараб, нормал (17-расм, а), О-симон (17-расм, б) ва Х-симон бўлиши мумкин.

Одам гавдасини белгилаб берувчи асосий морфологик белгилар: умумий белгиларни, мутаносибликни, тана тузилишларини ўз ичига олади.

У м у м и й б е л г и л а р деганда тананинг узунлиги (одамнинг бўйи), кўкрак айланаси ҳамда вазн каби энг йирик белгилар тушунилади. Гавданинг ўртача узунлиги чақалоқларда 49-51 см бўлади. Одамнинг бўйи аёлларда 15-17 ёшда, эркакларда 20-22 ёшда маррага етади. Одамнинг бўйи 35-50 ёшгача ўзгармайди, шу ёшдан ўтгач ҳар беш йилда 0,5 см қисқара боради, 55 ёшгача шу тарзда давом этади, кейинчалик ҳар беш йилда 0,7 смдан қисқара бошлайди.

Кўкракнинг айланаси антропологияда жуда яхши ўрганилган. Ёш улғайган сари кўкрак айланасининг ўлчами орта боради, қаригандан кейингина бир оз камаяди.

Бир яшар гўдакнинг кўкрак айланаси 48-49 см га тенг. 20-25 ёшлардаги одамларда кўкрак айланаси ўлчами «марра»сига етади ва ўзгармайди. Аёллар 35 ёшларда, эркаклар 40 ёшларда жадал семира бошлайдилар, шу сабабли кўкрак айланаси ўлчами ортади. Фақат 60 ёшлардагина кўкрак айланаси ўлчами камаяди, бунга организмнинг қариши билан боғлиқ физиологик ўзгаришлар сабаб бўлади.

Ўсиш даврида тананинг вазни ортаверади, 25-40 ёшларда вазн барқарорлашади. 40 ёшдан 55 ёшгача тана вазни ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 1,0-1,5 кг ортади, 60 ёшдан ўтгач, бирмунча камаяди.

Кийимни лойиҳалаш учун мутаносибликнинг катта аҳамияти бор. М у т а н о с и б л и к деганда, тананинг турли қисмлари ўлчамининг бўй (рост) га нисбати тушунилади, бу нисбат фоизлар билан

ифодаланади. В.В.Бунак катта ёшдаги эркеклар ва аёллар ўртасида кўп учрайдиган тана мутаносибликларини учта асосий турга бўлади: **д о л и х о м о р ф** тур – бу типга мансуб кишиларнинг оёқлари узун, танаси қисқа ва ихчам бўлади, **б р а х и м о р ф** тур – бу типга мансуб кишиларнинг оёқлари нисбатан қисқа, танаси узун ва сербар бўлади, **м е з о м о р ф** тур – оралик тур ҳисобланади.

Тана мутаносиблиги ёшга ва жинсга қараб ўзгаради. **Т а н а** т у з и л и ш и муайян белгилар мажмуига боғлиқ бўлиб, кишининг қадди-қоматини ифодалайди.

В.В.Бунак одамнинг гавда тузилишини бир неча турларга бўлиб кўрсатади. Лекин 3 та тур асосий ҳисобланади, яъни кўкракдор тур (унчалик семиз эмас, мускуллари озгина қорин тортишган, букчайган), мускуллари ривожланган тур (теридаги ёғ қатлами ўртача, мускуллари ўртача ёки жуда ривожланган, орқаси текис) ва қориндор тур (семиз, мускуллари ўртача ёки кам ривожланган, қорни дум-думалоқ бўлиб чиқиб туради, букчайган ёки оддийгина).

2.2. Болалар гавдасининг тузилиши

Болалар танасининг шакли ва ўлчамлари ўсиш даврида доимо ўзгариб туради. Айниқса, гавда мутаносиблигида кескин фарқлар сезиларли бўлади (18-расм).

Янги туғилган чақалоқнинг бош узунлиги тана узунлигининг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил қилса, қиз болаларда эса $\frac{1}{8}$ қисмига тенг. Чақалоқларда бўйин калта, қорин чиққан ва узун, оёқ қўлга нисбатан калта бўлади. Болаларни ўсиш даврида гавда қисмлари бир текисда ривожланмайди. Қўл ва оёқлар тез ўсади, ўсмирлик даврига келиб оёқ 5 марта, қўл 4 марта узайган бўлади. Тана қисми эса секинроқ ўсади. Ўсмир ёшига келиб тана 3 марта, бош қисм эса 2 марта катталашган бўлади. Болаларда бўйнинг ўсиши 5-7, 10-11, 13-16 ёшларда жуда сезиларли бўлади.

Ёш болаларда мускуллар кам ривожланган, юз терилари юмшоқ, тери силлиқ, ёноқлари думалоқ шаклда бўлади.

2.3. Гавданинг антропометрик нуқталари ва чизиқлари

Кўплаб ишлаб чиқариладиган кийимларни лойиҳалаш ва асосий базаларни ишлаб чиқиш учун маиший хизмат тизимидаги лойиҳачига стандарт жуссалар, яъни мамлакатнинг жами аҳолисига хос жуссалар ўлчамининг мукамал характеристикаси керак бўлади. Бу маълумотларни антропометрик текшириш, яъни кишининг гавдасини ва унинг қисмларини ўлчаш йўли билан ҳосил қилиш мумкин. Бу иш а н т р о п о м е т р и я деб аталади. Антропометрик текширишлар вақтида гавданинг муайян нукталари – антропометрик нукталар оралиғи ёки юмшоқ газламада аниқ билиниб, кўриниб турадиган чегаралар, теридаги ўзига хос нукталар бўйича ўлчанади. Ўлчов белгиларини ҳосил қилиш учун қуйидаги антропометрик нукталардан фойдаланилади (19-расм):

- а – бошнинг энг юқори баланд нуктаси;
- б – бўйиндаги 7-бўйин умуртқасининг ҳолати;
- в – бўйин асосидаги нукта;
- г – ўмров нуктаси (бўйин асосидан ўтган чизикда олд қисмда бўйин чуқурчаси нуктаси);
- д – елка нуктаси;
- е – қўлтиқ чуқурлигининг орт бурчаги нуктаси;
- ж – қўлтиқ чуқурлигининг олд бурчаги нуктаси;
- з – кўкракнинг юқори нуктаси (кўкрак безларининг учи);
- и – курак нуктаси;
- к – бел нуктаси (белнинг энг ингичка еридан горизонтал ўтганда умуртқа поғонасининг кесишган нуктаси);
- м – қориннинг туртиб чиққан нуктаси;
- л – думбанинг туртиб чиққан нуктаси;
- н – тизза нуктаси (тиззанинг энг юқorigа кўтарилган марказ нуктаси);
- о – тўпиқ нуктаси;
- п – тирсак нуктаси (тирсак букилганда чиқиб турган нуктаси);
- р – билак нуктаси (билакнинг энг ингичка еридан ўтган чизикда кўтарилиб турган нуктаси).

Гавдадан олинадиган барча ўлчовлар вертикал ва горизонтал текисликда ўлчанади. Шунинг учун гавдада горизонтал ва вертикал конструктив чизиклар мавжуд.

Горизонтал конструктив чизикларга қуйидагилар киради (20-расм):

Б_н – бўйин конструктив чизиғи – бўйин ўйиндиси ва ёқани шакллантиришда иштирок этади.

- Е** – елка конструктив чизиғи – елкали кийимларни лойиҳалашда иштирок этади.
- К** – кўкрак конструктив чизиғи – кийим кенглиги ва размерни аниқлашда иштирок этади.
- Б_л** – бел конструктив чизиғи – бел кийимларини лойиҳалаш, ҳамда кийимларни бел қисмида лиф ва этак қисмига бўлинадиган чизиғи ҳисобланади.
- Бк** – бўкса конструктив чизиғи – кийимнинг бўксадаги кенглиги ва размерини аниқлашда иштирок этади.

3. Кийимларни лойиҳалаш асослари

3.1. Кийимни лойиҳалашда ишлатиладиган ўлчов турлари ва уларни гавдадан олиш йўллари

Кийимни тикишдан олдин уни лойиҳалаш керак. Кийимни лойиҳалашда эса гавдадан аниқ олинган ўлчовлар ишлатилади. Бунинг учун сантиметрли лента олиб, кийим тикмоқчи бўлган киши гавдасини ўлчаш керак.

Бу ишни бажараётганда одам товонларини жуфтлаб, иккала оёғида, гавдани табиий ҳолатда бўш қўйиб, қўлларини тушириб тинч туриши керак. Ўлчаётганда тор футболка устидан эмас, балки гавдага ёпишиб турмайдиган ич кийим, масалан, комбинация устидан ўлчанади. Ўлчашни бошлашдан олдин гавдада асосий ҳисоблаш нуқталари – бел чизиғи ва бошқалар белгилаб олинади. Бунинг учун белга 70-90 см узунликдаги резинка белга горизонтал қилиб илгак ёрдамида бириктирилади. Ўлчаётганда сантиметрли лентани тортмай ва бушаштирмай, олд томондан туташтирилади. Елка, қўл, юбка узунлиги ва бошқа ўлчамларни гавданинг ўнг томонидан олиш керак. Елка, бўкса ва ҳоказолар симметрик бўлмаса, иккала томон ҳам ўлчаниб, натижалар алоҳида ёзилади.

Айлана ўлчамлари тўла ўлчанади, лекин бу ўлчамнинг ярми (елка, билак, елка қиямасининг кенглигидан ташқари) ёзилади. Узунлик ўлчамлари тўла ёзилади.

Размер белгилари қисқартириб: айлана – А, ярим айлана – ЯА, узунлик – У, кенглик – К, баландлик – Б деб ёзилади.

Гавдани ўлчашдан олдин ҳеч нарсани эсдан чиқармай тўғри ўлчаш учун ўлчаш белгилари рўйхати ёзилган қоғоз тайёрлаб олишни маслаҳат берамиз.

Гавдани тўғри ўлчаш усуллари 22-расмда кўрсатилган. Уларни размер белгиларини шартли белгиланиши эса қуйида ёзилган:

1. Бўйин айланаси (БнА). Сантиметрли лента бўйин нуқтаси ва бўйин асосидаги нуқта орқали ўмров нуқтасигача айланиб ўтади.

2. Кўкракнинг биринчи айланаси (КА₁). Сантиметрли лента гавда орт қисми бўйлаб, горизонтал қўлтиқ чуқурлигининг олдинги ва ортки бурчакларига тегиб, олдинда кукрак безлари асосининг устидан ўтади.

3. Кўкракнинг иккинчи айланаси (КА₂). Сантиметрли лента куракларнинг туртиб чиққан нуқталари бўйлаб, қўлтиқ чуқурлигининг олдинги ва ортки бурчакларига тегиб, олдинда кўкракнинг туртиб чиққан нуқталари бўйлаб ўтади.

3а. Кўкракнинг учинчи айланаси (КА₃). Сантиметрли лента куракнинг туртиб чиққан нуқталари орқали тана атрофидан қатъиян горизонтал ўтади.

4. Бел айланаси (БлА). Сантиметрли лента бел чизиғи даражасида энг ингичка жойдан танани айланиб ўтади.

5. Бўкса айланаси (БкА). Сантиметрли лента тана атрофидан горизонтал айланиб, лекин қориннинг туртиб чиққанини ҳисобга олиб, думбанинг туртиб чиққан нуқталари орқали ўтади.

6. Билак айланаси (БА). Панжа билакка уланадиган жойидан айлантириб ўлчанади.

7. Сон айланаси (СА). Соннинг энг юқори қисмидан думба чизиқларидан горизонтал равишда айлантириб ўлчанади.

8. Тизза айланаси (ТА). Оёқни 90⁰ букилган ҳолатда тизза атрофидан айлантириб ўлчанади.

9. Гавданинг орт қисмининг кенглиги (ОрК). Гавда орт қисми бўйлаб қўлтиқ чуқурлигининг ортки бурчаклари ораси горизонтал ўлчанади.

10. Кўкрак кенглиги 1 (КК1). Кўкрак безларининг асосида устидан қўлтиқ чуқурлигининг олдинги бурчаклари ораси горизонтал ўлчанади. Бу назорат қилиш ўлчовидир.

11. Кўкрак кенглиги 2 (КК2). Сантиметрли лента кўкрак безларининг учларидан қўлтиқ чуқурлигининг олдинги бурчакларидан ҳаёлан пастга томон ўтказилган вертикал чизиқлар орасидан ўтади.

12. Кўкрак маркази (КМ). Кўкракни туртиб чиққан нуқталарининг ораси ўлчанади.

13. Елка кенглиги (ЕлК). Бўйин асосининг нуқтасидан елка нуқтасигача ўлчанади.

14. Елка айланаси (ЕлА). Кўлнинг юқори қисмидан айлантириб, кўлтиқ чуқурликларининг бурчакларига тақаб горизонтал ўлчанади.

15. Енг узунлиги (ЕУ). Сантиметрли лента ёрдамида елка нуқтасидан сал букилган тирсак нуқтаси орқали билакгача ўлчанади. Бир вақтда енгнинг тирсаккача узунлигини ҳам белгилаб олиш керак.

16. Гавда орт қисмининг белгача узунлиги (ОрбУ). Сантиметрли лента бўйин асосидан курак нуқтаси орқали белгача умуртқа поғонасигача параллел равишда ўтади.

17. Елка қиямаси узунлиги (ЕКУ). Бел чизиғи умуртқа чизиғи билан кесишган нуқтасидан елка нуқтасигача ўлчанади.

18. Гавданинг олд қисми белгача узунлиги (ОлбУ). Сантиметрли лента бўйин асоси нуқтасидан кўкрак безларининг учлари орқали белгача вертикал равишда ўтади.

19. Кўкрак баландлиги (КБ). Сантиметрли лента бўйин асоси нуқтасидан кўкрак безларининг учларигача ўтади.

20. Енг ўмизи узунлиги (ЕУУ). Бўйин асоси ёнида лойиҳаланадиган елка чокининг энг юқори нуқтасидан, кўлтиқ чуқурлигининг орт томон бурчаклари даражасида ўтадиган горизонталгача вертикал ўлчанади.

21. Кийим узунлиги (КУ). Еттинчи бўйин умуртқасидан исталган узунлик даражасигача умуртқа бўйлаб, белга ёпишиб турадиган кийимларда бел букилишини ҳисобга олиб ўлчанади (кийим узунлиги иккита ўлчамдан ҳам иборат бўлиши мумкин $KY=OpbY+IUY$).

22. Юбка узунлиги (ЮУ). Белдан ён томондан исталган узунлик даражасигача вертикал равишда ўлчанади.

23. Шим узунлиги (ШУ). Белдан ён томондан исталган узунлик даражасигача вертикал равишда ўлчанади.

24. Бўкса баландлиги (БкБ). Ўтирган ҳолатда бел даражасидан стулгача ён томон бўйлаб вертикал ўлчанади.

Ўлчам КЯА_{II} га биноан кийим размери (ўлчами) аниқланади, размерлар орасидаги фарқ – 2 см бўлади (42, 44, 46 ва ҳоказо). Рост (бўй) лар орасидаги фарқ – 6 см бўлади (146, 152, 158, 164, 170).

Гавдадан олинган ўлчовлар асосида чизма чизишдан олдин бу ўлчовларнинг тўғри олинганлигини текшириб олиш керак. Кўкрак ярим айланаси – 2 орқа бўлак кенглигининг ярми, енг ўмизи кенглиги ва олд бўлак кенглигининг ярмиси йиғиндиларига тенг бўлиши керак, яъни:

$$КЯА_{\Pi} = OpK + E_{\text{ў}K} + OlK$$

Орқа бўлак кенглигининг ярми гавдадан олинган ўлчовдан олинади.

Енг ўмизи кенглиги елка айланасини $1/3$ қисмига тенг:

$$E_{\text{ў}K} = E_{\text{л}A} : 3$$

Олд бўлак кенглигининг ярми гавдадан олинган ўлчовдан олинади.

Агар тенглик 1 см ва ундан кўпга фарқ қилиб чиқса, ўлчовларни қайтадан олиш керак.

3.2. Кийимларни лойиҳалаш усуллари

Лойиҳачи фаолиятининг энг қийин ва маъсулиятли босқичлари кийим деталларининг чизмаси ёйилмасини чизишдан иборат. Бу босқичдан кўзланган асосий мақсад – деталларнинг шакли ва ўлчамини мумкин қадар аниқроқ белгилаш; шундай қилинса, кийимнинг деталлари йиғилгандан кейин ҳосил бўлган шакли расом шаклига мос келади.

Бу ишнинг қийинлиги, мураккаблиги шундаки, фақат таърифи, эскизи ёки намунасигина берилган, лекин ўзи йўқ кийимнинг чизмасини – деталлари ёйилмасини чизишга тўғри келади. Бунинг устига, кийимнинг сирти мураккаб, ёйиб бўлмайдиган сирт ҳисобланади; шунга кўра унинг ёйилмаси ва ҳисоби, яъни уни чизиш учун керак бўладиган маълумотларни ҳисоблаб чиқариш ва чизмани чизиш анча қийин. Кийим деталларини ҳисоблаш ва чизма тайёрлашнинг қуйидаги мавжуд усулларида фойдаланиш мумкин:

1. Муляж усули.
2. Ҳисоблаб лойиҳалаш усули.
3. Ўлчаб-ҳисоблаб лойиҳалаш усули.
4. Ягона лойиҳалаш усули.

Муляж усулининг моҳияти шундан иборатки, манекен ёки киши гавдасига макет материал (газлама, енгил-юмшоқ қоғоз ёки

тўрканва) моделнинг формасига мослаб, тўғнағичлар билан қадаб чиқилади. Тўғнағичлар одам гавдасининг конструктив чизиқлари бўйлаб (бўйин, елка, енг ўйиндиси, ён бел, ўрта чизиқлар) тўғнағичланади. Сўнгра рангли ипда тўғналган жойлардан тикиб чиқилади. Шунда кўкрак дўнглигини аниқловчи кўкрак виточки икки томонлама тикилади. Сўнгра тўғнағичлар бўшатилиб, газлама ёки коғозни стол устига ёйилади. Бу ҳосил бўлган чизма гавданинг асос чизмаси ҳисобланади. Бу усулдан мураккаб бичимли кийимларни лойиҳалашда ва кўпгина сахна кийимларини, тарихий кийимларни лойиҳалашда қўлланилади.

Ҳ и с о б л а б л о й и ҳ а л а ш усули. XIX асрнинг бошларида Франция, Россия ва бошқа мамлакатларда лойиҳалашнинг ҳисоблаш (бичиш тизими) усули тарқала бошланди. Бу усулни кўп йиллик тажрибага эга бўлган бичувчилар ихтиро қилганлар. Улар гавдадан айрим ўлчовларни олиб, содда ҳисоблаш формулалари ёрдамида буюм деталлари чизмасини газламанинг ўзида бажарадилар, яъни алоҳида андоза тайёрлаб ўтирмайдилар. Бу усул якка тартибда буюм ишлаб чиқаришда қўлланилган.

Ў л ч а б – ҳ и с о б л а б л о й и ҳ а л а ш усули. Кийимни якка буюртма йўли билан тикишда ўлчаб-ҳисоблаб лойиҳалаш усули жуда мос келади, чунки бу усулда гавдани аниқ ўлчангани туфайли гавданинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда ўлчаб-ҳисоблаб лойиҳалаш усуллари бўйича кийим деталлари чизмасини тузиш кенг тарқалгандир. Бу усулда гавдадан керакли ўлчовлар олинади, ҳисоблаш жадвали тузилади. Жадвал асосида буюмнинг асос чизмаси чизилади. Бу усулдан мактабларда, ўқув муассасаларида, тўғаракларда қўлланилади. Бу усулнинг бир неча ўнлаб турлари мавжуд. Чизма чизишни, андоза тайёрлашни ўрганаётган кишилар учун бу усул қулай ҳисобланади.

Я г о н а л о й и ҳ а л а ш усули. Мамлакатимиз ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (УИЁК) аъзолари бўлган мамлакатлар тикувчилик саноатларида кийимни лойиҳалаш усуллари такомиллаштириш устида ишлаб, лойиҳалашнинг ягона усулини ишлаб чиққанлар. Бу усул бошқа усуллардан универсаллиги билан ҳам фарқ қилади, чунки ҳар қандай бичимдаги ва кўринишдаги кийимлар лойиҳасини тузишда база лойиҳалар асос қилиб олинади. Бу усулни яратиш жараёнида аҳолининг антропометрик ўлчовлари асосида стандартлар ишлаб чиқилган. Бу стандартлар аёллар,

эркаклар ва болалар ассортиментлари учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган. Бу усулдан тикувчилик корхоналари фойдаланади. Корхонадаги лойиҳачилар стандартларда берилган лойиҳалаш усули ўлчовлардан фойдаланиб, буюм ассортиментига қараб, буюмнинг асос чизмасини лойиҳалайдилар, моделлаштириб, буюм андозасини ҳосил қиладилар. Бу андозалардан фойдаланиб, тикилган буюмлар аҳолининг буюмга бўлган эҳтиёжини 80-85% га қондиради. Бу усулда лойиҳалаш жараёнида турли размер (ўлчам) ларга, рост (бўй) ларга, тўлаликка мослаб андозалар тайёрланади.

Кўкрак ярим айланаси II га биноан кийим размери аниқланади. Размерлар орасидаги фарқ – 2 см бўлади. Масалан, 40, 42, 44, 46 ва ҳоказо. Аёллар ва эркаклар учун 6 тадан рост мавжуд бўлиб, ростлар орасидаги фарқ – 6 см бўлади.

Аёллар учун: I	146	Эркаклар учун: I	152
II	152	II	158
III	158	III	164
IV	164	IV	170
V	170	V	176
VI	176	VI	182

Иккинчи кўкрак айланаси (КЯА_{II}) билан бўкса айланаси (БкЯА) ўлчамлари орасидаги фарқ бўйича тўлалик гуруҳи аниқланади. Бу фарқ биринчи тўлалик гуруҳида 4 см, иккинчисида 8 см, учинчисида 12 см га тенг.

Тайёр кийим сотиб олаётганда албатта ўз бўйингизни ва ўлчам белгилардан КЯА_{II} билан БкЯА ларни билишингиз керак.

3.3. Кийимни лойиҳалашда ишлатиладиган қўшимчалар

Кийим гавда юзасининг шаклини тўла такрорламайди ва гавданинг у ёки бу жойларига турлича ёпишиб туради. Маълумки, кўкрак қисмида, белда, бўксада кийимнинг гавдага қай даражада ёпишиб туриши, кийим бичимини (силуэтни) белгилайди. Кийим бичими елка кенглиги ва баландлиги, моделнинг этак кенглиги билан ҳам характерланади. Кийим қай даражада гавдага ёпишиб туришига қарамай, унинг ички ўлчамлари одам гавдасининг ўлчамларидан

катта бўлади. Шунинг учун кийим лойиҳаси асосининг чизмасини тузиш учун гавда ўлчамларининг ўзи етарли бўлмайди. Кийим ички ўлчамларининг гавда ўлчамларидан фарқининг миқдори кўшимча дейилади ва «Қ» ҳарфи билан белгиланади.

Кўшимчалар нимага мўлжалланганига қараб зарур бўлган минимал (техник) «Қтех» ва конструктив-декоратив – «Қкд» кўшимчаларга бўлинадилар.

Қтех – кўшимча бемалол ҳаракат қилишни, бемалол нафас олишни таъминлайди, газлама тана юзаси билан кийимнинг ички юзаси орасида ҳаво қатлами ҳосил қилиши имконини беради. Бундай ҳаво қатламининг иссиқлик алмашувини тартибга солишда катта аҳамияти бор.

Техник кўшимча ўз навбатида 4 га бўлинади:

1. Минимал кўшимча.
2. Кийим қавати учун.
3. Эркин ҳаракатланиш учун.
4. Технологик.

Минимал кўшимчада одамнинг қон айланиши, нафас олиши, овқат ҳазм бўлиши ҳисобга олинади.

Кийим қавати учун кўшимчада асосан устки кийимлар учун ичидан неча қават кийилишини ҳисобга олган ҳолда бўшлиқ берилади.

Эркин ҳаракатланиш учун кўшимчада асосан кийимни қаерда кийилишини ҳисобга олган ҳолда олинади, яъни кийимнинг вазифасига, ассортиментига қаралади. Масалан, сахнада ашула айтадиган хонанданинг кийимига нисбатан, қурилишда кийиладиган иш кийимида бир неча марта кўп кўшимча бўлади, чунки у ерда одам кўп ҳаракатланади.

Технологик кўшимчада кийимни тайёрлаш жараёнида унинг газламаси турига, қалинлигига қараб ишлов берилишига, яъни қотирмалар, иссиқ қатламлар билан ишлов бериш ҳисобга олинади.

Конструктив-декоратив кўшимчалар ўз навбатида иккига бўлинади:

- конструктив кўшимча;
- декоратив кўшимча.

Конструктив кўшимчаларда кийимнинг бичими ҳисобга олинади. Масалан, кийимнинг бичими тўғри, гавдага сал ёпишган, гавдага

ёпишган ва ҳоказо бўлади. Бу ерда тўғри бичимли кийимларга энг кўп қўшимча берилади.

Декоратив қўшимчаларда кийим безаклари учун бериладиган қўшимчалар ҳисобга олинади. Масалан, бурмалар, тахламалар, буффлар, вафли ва ҳоказолар учун қўшимча берилади.

Конструктив-декоратив қўшимчалар кийимда доимий бўлмайди. Уларнинг қиймати кийим турига, унинг бичимига, шакли ва бошқаларга қараб, яъни мода талабига биноан ўзгаради.

Кийим лойиҳаси асосининг чизмасини ҳисоблаш қулай бўлиши учун:

$$Q_{\text{мумий}} = Q_{\text{тех}} + Q_{\text{кд}}$$

Қумумий – бу умумий қўшимча кийимни гавдада бемалол туриш қўшимчаси деб аталади ва у қуйидагиларга бўлинади:

Қк – кўкрак чизиғи бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси;

БлҚ – бел чизиғи бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси;

БкҚ – бўкса чизиғи бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси.

Юқорида санаб ўтилган қўшимчаларнинг қиймати кийим бичимига боғлиқ бўлади. Масалан, гавдага ёпишиб турадиган бичимли кийимлар учун гавдада бемалол туриш қўшимчасининг қиймати минимал бўлиши характерлидир

1-жадвалда кийимни гавдага турли даражада ёпишиб туришига қараб мўлжалланган қўшимча қийматларнинг йиғиндиси берилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, бир хил бичим учун қўшимча минимал ва максимал бўлар экан. Бу ҳолда қўшимчанинг қиймати газлама қалинлиги ва таркибига қараб олинади. Масалан, қўшимча миқдори юпқа газламадан (ипак, шифон ва ҳоказолар) тикиладиган кўйлақларда минимал; нисбатан ўрта қалинликдаги (кўйлакли жун газламалар, трикотаж ва бошқалар) газламалардан тикиладиган кўйлақлар учун ўртача; қалин ва зич тўқилган (мовут, трико ва ҳоказо) газламалардан тикиладиган кўйлақлар учун максимал даражада олинади.

Олд ва орт бўлақлар билан яхлит бичиладиган ва реглан кўйлақларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда Қк – қўшимча 1-2 см кўпайтирилади. Қандай бичим бўлмасин юбканинг (шимнинг) бел чизиғи бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси 1 см га, бўкса чизиғи учун 2 см га тенг олинади.

Кийим гавдада яхши туриши ва кийганда қулай бўлиши учун қўшимчалар фақат кўкрак, бел, бўкса қисмларидагина эмас, балки бошқа конструктив жойларда ҳам бўлиши керак.

Кийим гавдада бемалол туришига мўлжалланган елка айланасига қўшимча – ЕаҚ нинг қиймати 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Енг тури	Қўшимча миқдори, см		Изоҳ
	Кўйлак	Жакет	
Қўлга ёпишиб турадиган	3-4	4-5,5	Гавдага
Тор	4-6	5,5-7,5	Ёпишиб турадиган бичим
Ўртача	6-7	7,5-9,5	Гавдага сал ёпишиб
Кенгайтирилган	8-10	9,5-11,5	турадиган бичим
Кенг	10-12	11,5-13,5	Тўғри бичим
Жуда кенг	12-14	13,5-15,5	Тўғри бичим

Кўкрак чизиғи бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси – Қк қуйидагича ҳисобланади.

Масалан, 1-жадвалдан $Қк = 5$ см

2-жадвалдан $ЕаҚ = 6$ см.

$$Қк = ОркҚ + ЕўкҚ + ОлкҚ$$

ОркҚ – орқа бўлак кенглиги бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси;

ЕўкҚ – енг ўмизи кенглиги бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси;

ОлкҚ – олд бўлак кенглиги бўйлаб гавдада бемалол туриш қўшимчаси.

$$ЕўкҚ = 0,5ЕаҚ = 0,5 \times 6 = 3 \text{ см}$$

$$Қк - ЕўкҚ = 5 - 3 = 2 \text{ см}$$

У ҳолда $ОркҚ = 1$ см, $ОлкҚ = 1$ см келиб чиқади.

4. Аёлларнинг кийимларини лойиҳалаш асослари

4.1. Аёллар кийимларининг тавсифи

Аёллар кийимлари ассортиментида: кўйлаklar, кўйлак-халат, кўйлак-пальто, кўйлак-костюм, сарафан, туника, блузка, блузка-жемпер, блузка-батник, жилет, жакет, кўйлак-комбинезон, комбинезон, шимли костюм, шим, юбка, юбка-шимлар ва ҳоказолар киради.

Кўйлаklar кийилишига қараб елкали кийимлар турига киради. Улар яхлит, бел қисмидан, бўкса ва кўкрак қисмларидан қирқма бўлиши, енгли ёки енгсиз, ёқали ёки ёқасиз ҳолатда учраши мумкин. Кўйлаklar кашталар, бурмалар, тўрлар, тугмалар, тасмалар, тахламалар ва бошқа хил безаклар билан безатилиши мумкин. Уларни турли хил: ип толали, шойи, жун, зиғир толали ҳамда сунъий ва синтетик толали газламалардан тикиш мумкин. Кўйлаklarга газлама танлашда кийимнинг нимага мўлжалланганлигига ҳамда фаслига қараб эътибор бериш керак, яъни кийимни уйлик, кундалик, башанг кийим эканлигини унутмаслик лозим.

Уйлик кийимлар арзон, ип толали газламалардан тикилгани маъқул бўлиб, улар кенг, қулай бўлиши, безаклари меъёрида ишлатилиши керак.

Кундалик кийимлар ёз ойларида енгил, юпка газламалардан, ёрқин рангда, енгли ёки енгсиз қилиб тикилса мақсадга мувофиқ бўлади. Қиш ойларида эса юмшоқ, зич тўқилган жун толали, сидирға ёки катак, йўлли, майда гулли газламалардан турли хил фасонларда узун енгли, ёқали ёки бўйин ўйиндисини ёпиқ қилиб ёқасиз тикиш мумкин.

Башанг кийимлар чиройли, зарли, гулли ёки сидирға газламалардан тайёрланиши мумкин. Бундай кийимлар жуда мураккаб фасонларда бўлиши, ҳамда уларга чиройли безаклар: кашталар, бурмалар, майда тахламалар, сунъий гуллар, белбоғлар ишлатиб тикиш мумкин. Кўйлак фасонларини танлашда газламанинг хусусиятларига, одам гавдасининг тузилишига ҳамда кийимнинг вазифасига қаралади.

Юбка, шим, юбка-шим белли кийимлар турига кириб, улар фасони бўйича турлича бўлади. Улар қандай мақсадда кийилдишига қараб, уларни костюм билан ва костюмсиз кийилдиган турига ажратиш мумкин. Юбкалар тўғри, этаги кенгайган - бўлакли, клёшли қилиб тикилиши мумкин. Улар зич тўқилган, қалин, жун

газламалардан, энгли табиий ва сунъий толали, сидирға ёки гулли газламалардан тайёрлаш мумкин. Юбка, шим фасонларини танлашда газламаларнинг хусусиятига, кийимнинг вазифасига, мавсумига ва албатта одам гавдасига эътибор бериш керак.

4.2. Аёллар тунги кўйлагини лойиҳалаш

Тунги кўйлак лойиҳасининг асоси гавданинг ўлчам белгилари аниқланиб, конструктив жойларининг қўшимчалари танлаб олингандан кейингина ҳисоблаб тузилади.

Тунги кўйлак чизмасини лойиҳалаш учун қуйидаги ўлчовлар керак бўлади.

БНЯА – 18 см ЕУ – 8-10 см

КЯА_{II} - 48 см БУ – 100 см

ОрБУ – 42 см ЕЛА = 30 см

Қўшимчалар ҳамма размерлар учун:

Қк = 3-4 см Қел = 5-7 см

Тўғри бурчак чизиб, унга Бн нуқта қўйилади.

1. $БнЭ = КУ = 100$ см (кийим узунлиги).
2. $БнБн_1 = КЯА_{II} : 2 + Қк = 48 : 2 + 4 = 28$ см (кийим кенглиги).
3. $БнБн_1 ЭЭ_1 =$ тўғри тўртбурчак чизилади.
4. $БнБл = ОрБУ = 42$ см (бел узунлиги).
5. $БнБн_2 = БНЯА : 3 + 2 = 18 : 3 + 2 = 8$ см (ёқа ўмиз кенглиги).
6. $БнБн_3 = 3$ см (орт бўлак ёқа ўмиз чуқурлиги, ҳамма размер учун доимий қиймат).
7. $БнБн_4 = БНЯА : 3 + (4 - 10) = 18 : 3 + 8 = 14$ см (олд бўлак ёқа ўмиз чуқурлиги).
8. Равон эгри чизиклар билан ёқа ўмизининг шакли чизиб олинади: орт бўлак учун $Бн_2Бн_3$, олд бўлак учун $Бн_2Бн_4$.
9. $Бн_1К = ЕЛА : 2 + Қел = 30 : 2 + 7 = 22$ см (енг ўмизи чуқурлиги).
10. $Бн_1Бн_5 = КК_1 = ЕУ = 8 - 10$ (енг узунлиги).
1. $КК_2 = КК_1$ (ёрдамчи нуқта).
2. $К_1К_3 = 1,5 - 2$ см (доимий қиймат).
3. $К_3К_4 = К_3К_2 : 2$ (чизмадан ўлчаланади).
4. $К_4К_5 = 1,5$ см (доимий қиймат).
5. $Э_1Э_2 = 10 - 12$ см (кийимнинг этак томонга кенгая бориши).
6. $Э_2Э_3 = 1,5 - 2$ см (ён чокнинг паст томондаги ҳолати).

7. K_3, K_5, K_2 нукталар орқали ён қирқим шаклини чизилади.
8. Кийим этаги равон чизик билан чизилади.
9. Бл нуктадан унга горизонтал чизик ўтказиб, чизиклар кесишган жойга $Бл_1$ нукта қўйилади.
10. $Бл_1Бл_2=0,5-1$ см.
11. Этак чизигига параллел қилиб бел чизиги чизилади.

4.3. Аёллар овропача кўйлагини лойиҳалаш

Кўйлак асосини ҳисоблаш ва уни тузиш уч босқичдан иборат бўлади.

1. Асоснинг тўр қисми ҳисобланади ва тузилади.
2. Конструктив нукталар ва чизикларнинг жойлари ҳисобланади, яъни орт ва олд бўлақлар чизилади.
3. Асоснинг виточка ва ён қирқимларининг типовой ҳолатлари белгиланади.

Чизма асосини чизиш учун қуйидаги ўлчовлар керак бўлади:

$БНЯА = 18$ см	$ОрбУ = 42$ см
$КЯА_1 = 44,5$ см	$ЕўУ = 21$ см
$КЯА_{II} = 48$ см	$ЕҚУ = 41,5$ см
$БЛЯА = 38$ см	$КМ = 9,5$ см
$БкЯА = 52$ см	$КБ = 27$ см
$ЕлК = 13$ см	$ОлбУ = 44$ см
$ЕУ = 35--58$ см	$ЮУ = 70$ см
$ЕлА = 30--25--17$ см	
$ОрК = 17,5$ см	
$ОлК = 20$ см	

Ҳамма размерлар учун керакли қўшимчалар:

$Қк = 4$ см: шундан $Қорқа = 1,5$ см;
 $Қолди = 1$ см;
 $Қенг ўмиз = 1,5$ см.
 $ҚБл = 4$ см, $ҚБк = 2$ см, $Қел = 5$ см.

Энди олинган ўлчовларни тўғрилигини текшириб чиқамиз:

$$КЯА_{II} = ОрК + ЕўК + ОлК$$

$$48 = 17,5 + 30:3 + 20 = 47,5$$

Демак, тенгликдаги фарқ 1 смдан кичик, яъни 0,5 га тенг, жадвал тузишни давом эттириш мумкин.

4.3.1. Кўйлак асосининг тўр қисми

Тўр қисми кўйлак лойиҳасининг бўйи ва эни бўйлаб асосий ўлчамларини белгилаб беради.

Тўғри бурчак чизиб, унга Бн нуқта қўйилади (24-расм).
БнЭ – орт бўлак симметрик чизиғи.

1. $БнЭ = КУ = ОрбУ + ЮУ = 42 + 70 = 112$ см (кўйлак узунлиги).
2. $БнБн_1 = КЯА_{II} + ҚК = 48 + 4 = 52$ см (кўйлак кенглиги).
3. $БнБн_1ЭЭ_1$ = тўғри тўртбурчак чизилади.
4. $БнБл = ОрбУ + 1 = 42 + 1 = 43$ см (бел узунлиги).
5. $БлБк = ОрбУ : 2 - 1 = 42 : 2 - 1 = 20$ см (бўкса чизиғи).
6. $БнК = ЕўУ + Қеўу = 21 + 2 = 23$ см (кўкрак чизиғи).
7. Кўкрак, бел, бўкса чизиғидан горизонтал ўтказилади, кесишган жойларига $К_1$, $Бл_1$, $Бк_1$ нуқталар белгилаб қўйилади.
8. $Бл_1Бн_2 = ОлбУ + 1 = 44 + 1 = 45$ см (бел узунлиги).
9. $Бн_2$ нуқтадан чап томонга узун бўлмаган горизонтал чизиғи ўтказилади.
10. $КК_2 = ОрК + Қорқа = 17,5 + 1,5 = 19$ см (орт бўлак кенглиги).
11. $К_1К_3 = ОлК + Қолди = 20 + 1 = 21$ см (олд бўлак кенглиги).
12. $К_2К_3 = ЕлА : 3 + Қеў + 0,5 = 30 : 3 + 1,5 + 0,5 = 12$ см (енг ўмизи кенглиги), 0,5 ҳамма размерлар учун.
13. $К_2К_4 = К_2К_3 : 2 = 12 : 2 = 6$ см (ён чизиқ).
14. $К_2$, $К_3$ нуқталардан юқорига бўйин чизиғи билан кесишгунча, $К_4$ нуқтадан эса пастга этак қисм билан кесишгунча вертикал чизиқлар ўтказилади, кесишган жойларига мос равишда $Бн_3$, $Бн_4$, $Э_2$ нуқталар белгилаб қўйилади.

4.3.2. Орт бўлак чизмаси (25-расм)

15. $БнБн_4 = БнЯА : 3 + 1$ (ҳамма размер учун) $= 18 : 3 + 1 = 7$ см (бўйин ўмизи кенглиги).
16. $БнБн_5 = БнБн_4 : 3 = 7 : 3 = 2,5$ см (бўйин ўмизи чуқурлиги).
17. $Бн_4$, $Бн_5$ нуқталар равон эгри чизиқ билан туташтирилади.
18. $Блт = 1,5 - 2,5$ см (орт бўлак ўрта чизиғи, кўйлак орқаси икки бўлакдан иборат бўлганда).

19. $K_c = B_n K : 2 + 2 = 23 : 2 + 2 = 13,5$ см (курак нуқтасининг туртиб чиқишини эътиборга олиниши, кўйлак орт бўлаги икки қисмдан иборат бўлса).
20. С ва m нуқталар туташтирилади ва m нуқтадан пастга томон бўкса ва этак қисми билан кесишгунча чизик ўтказилади, мос равишда B_{k2} , E_3 нуқталар билан белгиланади.
21. K_m чизикқа бел чизиғи перпендикуляр тарзда ўтказилади ва ён чизик билан кесишган нуқталар T_2 билан белгиланади.
22. $mE = E_{k\check{y}} + 1 = 41,5 + 1 = 42,5$ см (елка нуқтасининг ҳолатини аниқлаш)
23. B_{n4} , E нуқталар туташтирилади.
24. $B_{n4}E_1 = E_{лK} + \text{виточка кенглиги} = 13 + (1,5 - 3) = 15$ см (елка узунлиги).
25. $B_{n4}B = B_{n4}E_1 : 3 = 15 : 3 = 5$ см (виточканинг бошланиш нуқтаси).
26. в нуқтадан пастга бўкса чизиғи билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади.
27. $BB_1 = 8 - 10$ см (виточка узунлиги).
28. $BB_1^1 = 0,5$ см (елка чизиғини тўғрилигини белгилаш).
29. $BB_2 = 1,5 - 3$ (виточка кенглиги).
30. $B_1B_2 = B_1B_1^1 = 8,5 - 10,5$ см (виточка томонлари).
31. $B_{n4}B_1^1$ ва B_2E_1 нуқталар бирлаштирилади.
32. $K_2L = K_2E : 3 + 2$ (ёрдамчи нуқта).
33. $K_2O = 0,2 \times K_2K_3 + 0,5 = 0,2 \times 12 + 0,5 = 3$ см (биссектрисса).
34. E_1 , L, O, K_4 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
35. Виточка миқдори = $mB_{л1} - (B_{лYA} + K_{Бл}) = 50,5 - (38 + 4) = 8,5$ см.
36. $T_2m_1 = 1/5$ виточка миқдори = $1/5 \times 8,5 = 1,7$ см (ён томон виточкаси).
37. $bb_1 = (B_{кYA} + K_{Бк} - B_{к2}B_{к1}) : 2 = (52 + 2 - 50) : 2 = 2$ см (бўксадаги кенгайиш). $B_{к2}B_{к1}$ – чизмадан ўлчаб олинади.
38. $E_2E_4 = bb_1 = 2$ см (этак қисмидаги кенгайиш, тўғри бичимли кўйлак учун. Агар этагига кенгайган бўлса, бу қиймат 2-5 смга тенг бўлади).
39. K_4 , m_1 нуқталар чизғич билан, m_1 , b_1 нуқталар эса туртиб чиққан эгри чизик билан, b_1 , E_4 нуқталар чизғич билан бирлаштирилади.
40. Этак чизиғи ўрта чизикқа тўғри бурчак шаклида чизилади.
41. $(1/5 \text{ виточка миқдори} + 1) : 2 = (1/5 \times 8,5 + 1) : 2 = 1,4$ (бел қисмидаги виточка).

4.3.3. Олд бўлак чизмаси (25-расм)

42. $B_2B_6 = B_1B_4 = 7$ см (бўйин ўмизи кенглиги).
43. $B_2B_7 = B_1A:2-1 = 18:2-1 = 8$ см (бўйин ўмизи чуқурлиги).
44. B_6, B_7 нуқталар туташтирилиб, уларнинг ўрта қисми топилади, перпендикуляр ўтказилиб, 1,5 см қиймати қўйилади.
45. $B_6, 1,5$ см, B_7 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
46. $K_1K_5 = KM+0,5 = 9,5+0,5 = 10$ см (кўкрак маркази).
47. B_6, K_5 нуқталар чизғич билан туташтирилади.
48. $B_6K_{51} = 27$ см (кўкрак баландлиги K_{51} нуқта кўкрак чизигида ётиши, ундан пастда ёки юқорида бўлиши мумкин).
49. $B_6B_8 = (K_{A_{II}} - K_{A_I}) \times 2 + 2 = (48-44,5) \times 2 + 2 = 9$ см (кўкрак виточки микдори)
50. B_8 нуқта K_{51} нуқта билан чизғич ёрдамида туташтирилади.
51. $B_8K_{51} = B_6K_{51}$ (виточка томонлари).
52. $Bl_1 E_2 = OlBY+1 = 44+1 = 45$ см (елка нуқтаси).
53. $B_8E_2 = ElK = 13$ см (елка нуқтаси).
54. E_2 ва B_8 нуқталар чизғич билан туташтирилади.
55. Елка чизиги билан олд бўлак кенглиги чизиги кесишган нуқталарни E_3 билан белгиланади
56. $K_3L_1 = K_3E_3:4$ (чизмадан олинади).
57. E_2, L_1 нуқталар чизғич билан туташтирилади ва 2 га бўлиниб, ичкарига перпендикуляр ўтказилади, унга 0,5 – 1 см қиймат қўйилади.
58. $K_3O_1 = 0,2 \times K_2K_3 = 0,2 \times 12 = 2,4$ см (биссектрисса).
59. $E_2, 0,5-1$ см, L_1, O_1, K_4 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
60. $T_2m_2 = T_2m_1 = 1,7$ см (ён томон виточки).
61. $b_2 = b_1 = 2$ см (бўксадаги кенгайиш).
62. $\Delta_2\Delta_5 = b_2 = 2$ см (этак қисми кенгайиши).
63. m_2, b_2, Δ_5 нуқталар худди орт бўлак ён томонига ўхшаб туташтирилади ва узунликлари тенглаштирилади, ҳосил бўлган нуқта Δ_1 нуқта билан чизғич ёрдамида бирлаштирилади.
64. K_5 нуқтадан бўкса чизигигача вертикал чизик ўтказилади.
65. $(2/5 \text{ виточка микдори}-1):2 = (2/5 \times 8,5-1):2 = 1,2$ см (бел қисмидаги виточка).

4.4. Ўтказма енгни лойиҳалаш (26-расм)

Тўғри бурчак чизиб унга А нукта қўйилади.

1. $АЭ = ЕУ = 58$ см (енг узунлиги).
2. $АА_1 = ЕА + Кел = 30 + 5 = 35$ см (енг кенглиги).
3. $АА_1ЭЭ_1$ = тўғри тўртбурчак чизилади.
4. Енг боши баландлигининг ўртача узунлигини топиш учун асос чизмасидан (25-расм) $Е_1$ ва $Е_2$ нукталар туташтирилиб, уни 2 га бўлинади, ҳосил бўлган х нукта ва $К_4$ нукта билан бирлаштирилади.
5. $АО = К_4х - (1,5 - 2,5) = 17 - (1,5 - 2,5) = 15$ см (енг боши баландлиги).
5. $АТ = ТУ = 35$ см (тирсаккача бўлган узунлик).
6. $Аа = АА_1 : 2 = 35 : 2 = 17,5$ см (енг ўрта чизиғи).
7. $аа_1 = аА_1 : 2$ (ёрдамчи нукта).
8. $аа_2 = Аа : 2$ (ёрдамчи нукта).
9. а, $а_1$, $а_2$ нукталардан пастга вертикал чизик ўтказилади.
10. О, $О_1$ нукталар а нукта билан туташтирилади, $О_2$, $О_3$ нукталар ҳосил бўлади.
11. $О_2О_1$ чизикнинг ўртасидан пастга перпендикуляр тушириб 2,5 см қўйилади.
12. $аО_2$ чизикнинг ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказиб, 1,5 см қиймат қўйилади.
13. $аО_3$ чизикнинг ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказиб, 2 см қиймат қўйилади.
14. $О_3$ нуктадан юқорига 1,5 см қиймат қўйилади.
15. $О_3О$ чизик 3 га бўлиниб, пастки бир қисмида перпендикуляр ўтказилади ва 0,7-1 см қиймат қўйилади.
16. О, 0,7-1 см, 1,5 см, 2 см, а, 1,5 см, $О_2$, 2,5 см ва О нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади, яъни енг боши эгри чизиғи ҳосил бўлади.
17. $Э_4Э_5 = 1$ см (олд этак қисмининг кўтарилиши).
18. $Э_3Э_6 = 1$ см (орқа этак қисмининг тушиши).
19. Э, $Э_6$, $Э_2$, $Э_5$, $Э_1$ нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади..

4.4.1. Узун тор енгнинг чизмаси (26-расм)

20. $Э_7Э_8 = БА + (4 - 6) = 17 + (4 - 6) = 22$ см (этак қисми кенглиги).

21. $\mathcal{E}_2\mathcal{E}_7 = \mathcal{E}_2\mathcal{E}_8 = \mathcal{E}_7\mathcal{E}_8:2 = 22:2 = 11$ см (этак қисми кенглигининг ярми).
22. $O\mathcal{E}_8$ чизик билан TT_1 чизик кесишган нуқтани v билан белгилаймиз.
23. $v_1v_2 = O\mathcal{E}_8 - O_1\mathcal{E}_7'$ (виточка миқдори, чизмадан олинади).
24. $vv_1 = vv_2:2$ (виточкани тақсимлаш).
25. $v_1v_3 = v_2v_3$ (виточка томонлари).

4.5. Аёллар блузкеси

Аёллар блузкеси елкали кийимлар турига кириб, блузкани лойиҳалаш худди кўйлақни лойиҳалаш усулидек бажарилади, лекин буюм узунлигида фарқи бўлади. Агар блузкани юбка устидан чиқариб кийилса, унинг белдан узунлиги 10-15 см ёки бўксадан бир оз узунроқ бўлиши, блузкани юбканинг ичига киргизиб кийиладиган бўлса, бўкса чизиғидан 5-7 см узоқликда блузка узунлиги олинади.

Блузка юқоригача тақиладиган ёки бортлари қайтарилган бўлиши мумкин (27-расм).

Блузкани бел виточкаларисиз тўғри, яъни кўкрак чизиғи билан бўкса чизиғини бирлаштириб тўғри ва виточкали қилиб лойиҳалаш мумкин. Блузкани лойиҳалашда унинг тақилмасига эътибор бериш керак. Блузка тақилмасида адипи яхлит бўлса, аввал унинг ўтим ҳақи 2-3 см, сўнгра адип ҳақи $2,5 \times 2 + 1,5 = 6,5$ см қўйилади (28-расм, а).

Блузка тақилмасида адип алоҳида бўлса, ўтим ҳақи 2-3 см, сўнгра борт адипини тикиш учун чок ҳақи 0,5 см қўшилади, яъни $2,5 + 0,5 = 3$ см (28-расм, б). Блузка тақилмасида яхлит планкали ишлатилса, у ҳолда ўтим ҳақи 2 баробар кўп олинади, яъни $2,5 \times 2 + 2 = 7$ см (28-расм, в).

4.6. Яхлит енгли кўйлақларни лойиҳалаш асослари

Яхлит енгли кўйлақларни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, асос чизмасида енгни енг ўмизига ўтказиладиган чизиклар бўлмайди, кўкрак чизиклари енг ўмизига бир оз тушган ва орт бўлак елка чизиғи бир оз кўтарилган бўлади. Бундай кийимларга: яхлит калта енгли, яхлит узун енгли олд ва орт бўлақлар билан бичилган лиф(кийимнинг белдан юқори енгсиз қисми)лар, енглари бўйин

ўмизидан бошланадиган лифлар , яъни реглан енгли кийимлар киради.

4.6.1. Яхлит калта енгли лифни лойиҳалаш (29-расм)

Бу кўйлакни лойиҳалаш учун бизга ўтказма енгли кўйлакнинг асос чизмаси керак бўлади.

Орт бўлак чизмаси (30-расм, а):

1. Асосий чизманинг орт бўлагини қоғозга тушириб чизилади.
2. Кўкрак чизиғи, орт кенглиги чизиғи, бел чизиғи, ён чизиқлар туширилиб $B_{H4}, E1, K_4, E, K_2$ нуқталар белгиланади.
3. B_{H4} нуқтадан юқорига (B_{H41}) ва виточка томонлари учларидан 0,5 см, $E1$ нуқта эса 1 см юқорига кўтарилади.
4. B_{H41} , 0,5 см, E_{11} нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва давом эттирилади.
5. $E_{11}E_{12} = 4-6$ см (енг узунлиги).
6. $K_4K_{41} = 1-1,5$ см (ён чизиқнинг кўтарилиши).
7. $E K_2:3$ (ёрдамчи нуқталар).
8. $K_{21}K_{22} = 3-3,5$ см (енг ўмизининг кенгайиши).
9. E_{12}, K_{22}, K_{41} нуқталар эгри равон эгри чизиқ билан туташтирилади.
10. Елка чизиғи яхши туриши учун айрим ҳолларда E_{12} нуқтадан пастга 1-1,5 см тушириш мумкин.

4.6.2. Олд бўлак чизмаси (30 расм, б)

1. Асосий чизманинг олд бўлагини қоғозга тушириб олинади.
2. Кўкрак чизиғи, олд кенглиги чизиғи, бел, ён чизиқлар туширилиб E_3, K_3, E_2, K_4 нуқталар белгиланади ва E_2 нуқтадан чап томонга давом эттирилади.
3. $E_2E_{21} = 4-6$ см (енг узунлиги).
4. $K_4K_{41} = 1-1,5$ см (ён чизиқнинг кўтарилиши).
5. $E_3K_3:4$ (ёрдамчи нуқта).
6. $K_{31}K_{32} = 1,5-2$ см.
7. E_{21}, K_{32}, K_{41} нуқталар равон эгри чизиқ билан туташтирилади.
8. Елка чизиғи яхши туриши учун айрим ҳолларда E_{21} нуқтадан пастга 1-1,5 см тушириш мумкин.

4.6.3. Узун енглари олд ва орт бўлаклари билан яхлит бичиладиган кўйлакларни лойиҳалаш

Енглари олд ва орт бўлаклари билан яхлит бичиладиган кўйлакни лойиҳалаш учун ўтказма енгли худди шундай бичимли кўйлак лойиҳаси асосини ўзгартириб чизилади. Кўйлакнинг кўкрак қисми бўшроқ туриши бундай турдаги кўйлакларга характерлидир (31-расм, а).

4.6.4. Орт бўлак чизмаси (31-расм, а)

1. Асосий чизманинг орт бўлагини қоғозга тушириб олинади.
2. Кўкрак чизиғи, орт кенглиги чизиғи, бел чизиғи, ён чизиғи тушурилиб, $Бн_4$, E , K_4 , T_2 , $Бл$ нуқталар белгилаб чиқилади.
3. $T_2T_3 = 2-3$ см (ён томондан тушиши).
4. $Бл\ Бл_1 = 1$ см (орт ўрта чизиғидан тушиши).
5. $Бл_1$, T_3 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
6. $EE_1 = 2-3$ см (елка нуқтасининг кўтарилиши).
7. $Бн_4$, E_1 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва давом эттирилади.
8. $Бн_4Э = ЕлК + ЕУ + 2 = 13 + 58 + 2 = 73$ см (елка ва енг узунликлари).
9. Э нуқтадан перпендикуляр туширилади.
10. $ЭЭ_1 = (БА + КБ) : 2 = (17 + 5) : 2 = 11$ см (этак қисми кенглиги).
11. $Э_1$, T_3 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва ўрта нуқтаси аниқланиб, юқорига перпендикуляр чиқарилади.
12. $ОО_1 = 5-10$ см (енг ости эгрилиги).
13. $Э_1$, O_1 , T_3 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
14. Енгнинг этак қисми бир оз туртиб чиққан эгри чизик билан чизилади.

4.6.5. Олд бўлак чизмаси (31-расм, б)

15. Асосий чизманинг олд бўлагини қоғозга тушириб олинади.
16. Кўкрак чизиғи, олд кенглиги чизиғи, бел, ён чизиклари тушурилиб, $Бн_6$, E_3 , K_4 , T_2 , $Бл_1$ нуқталар белгилаб чиқилади.
17. $T_2T_3 = 2-3$ см (ён томоннинг тушиши).
18. $Бл_1Бл_2 = 1$ см (олд бўлак ўртасининг тушиши).
19. T_3 , $Бл_2$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
20. $E_3E_4 = 2-4$ см (елка нуқтасининг кўтарилиши).

21. B_{H6} , E_4 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва давом эттирилади.
22. $B_{H6}E_2 = EY + ElK = 58 + 13 = 71$ см (елка ва енг узунликлари).
23. E_2 нуқтадан перпендикуляр туширилади.
24. $E_2E_3 = E\Delta_1 = 11$ см (этак қисми кенглиги).
25. Енгнинг қолган қисмлари ҳудди орт бўлакдагидай якунланади.
26. Енгнинг этак қисми ичкари киритилган эгри чизик билан чизилади.

4.7. Реглан енгли кийимларни лойиҳалаш

Реглан енгли кийимлар XIX асрнинг охирига келиб европа кийимларида кўрина бошлади. Англиянинг генерали Лорд Реглан ўз армияси аскарларининг кийимларида шу егни қўллагани учун енг унинг номи билан аталадиган бўлди. Аввал эркаклар кийимида кўп учрайдиган енг кейинчалик аёллар кийимида ҳам тез кириб келди.

Реглан бичимнинг ўзига хос жиҳати шуки, унинг енг ўмизи ва енг бошининг кўриниши (шакли) бошқа кийимларникига ўхшамайди: енг боши ва енг ўмизининг юқори учининг олди ва орқаси ёқа ўмизига тақалган бўлади. Реглан бичимнинг ҳамма вариантларида ўмиз чизиғининг шакли ўзгариб туради.

Реглан бичимининг қуйидаги вариантлари мавжуд:

1. **Т и п и к** реглан – енг ўмизи олд ва орқа ёқа ўмизининг энг юқorigи нуқтасидан 1,5-4 см пастрок бошланади. Реглан чизиғи ўмиз бошланган нуқтасидан кўлтиқ чуқурлиги бурчакларигача равон эгри чизик тарзида давом этади (32-расм, а).

2. **Н о л ь** реглан – олди ва орт енг ўмизлари ёқа ўмизининг энг баланд B_{H4} , B_{H6} нуқталаридан бошланади (32-расм, б).

3. **П о г о н** реглан – одатдаги регландан фарқи шуки, енг ўмизи чизиғи елка чизиғидан 4-8 см масофада унга нисбатан параллел йўналган бўлади ва кўлнинг гавдага туташган (елка) бўғинида равон (овал) эгри чизик кўринишида бўлади ва кўлтиқ чуқурлиги бурчакларига бориб тақалади (32-расм, в).

4. **Я р и м** реглан – енг ўмизи чизиғи елка чизиғининг қоқ ўртасида тўхтайди (32-расм, г).

Реглан бичимли кийимларнинг чизмаларини тайёрлашда егни ўтказиб тикиладиган кийим деталларининг чизмаларига асосланади.

4.7.1. Орт бўлак чизмаси (33-расм, а)

1. Ўтказма энгли кўйлак асос чизмасининг орқа бўлагини қоғозга тушириб олинади.
2. Кўкрак чизиғи, орт кенглиги чизиғи, бел, ён чизиқлари туширилиб, B_{H4} , B_{H5} , E_1 , K_4 , K_2 нуқталар белгилаб чиқилади.
3. B_{H4} нуқтадан юқорига (B_{H41}) ва виточка томонлари учларидан 0,5-0,7 см юқорига кўтарилади.
4. $E_1E_{11} = 1-1,5$ см (елка нуқтасининг кўтарилиши).
5. B_{H41} , 0,5-0,7 см, E_{11} нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
6. $K_2K_{21} = K_4K_{41} = 1-3$ см (енг ўмизининг тушиши).
7. $B_{H5}P = B_{H5}B_{41}:2$ (Реглан енг ўмизи чизиғининг бошланиш нуқтаси).
8. P ва K_{41} нуқталар туташтирилади ва бу чизиқ билан орт кенглиги чизиғининг кесишган нуқтасига K_5 қўйилади.
9. PK_5 чизиқ иккига бўлинади ва ўртасидан юқорига перпендикулярда 1-1,5 см қўйилади.
10. K_5K_{41} чизиқ ҳам иккига бўлиниб, пастга перпендикулярда 2-2,5 см қўйилади.
11. P , 1-1,5см, K_5 , 2-2,5см, K_{41} нуқталар равон эгри чизиқ билан туташтирилади.

4.7.2. Олд бўлак чизмаси (33-расм, б)

12. Асосий чизманинг олд бўлагини қоғозга тушириб олинади.
13. Кўкрак чизиғи олд кенглиги чизиғи, бел, ён чизиқлар туширилиб, B_{H6} , B_{H7} , E_2 , K_3 , L_1 , K_4 , K_{51} , B_{H8} нуқталар белгилаб чиқилади.
14. $K_3K_{31} = K_4K_{41} = 1-3$ см (енг ўмизининг тушиши).
15. $B_{H6}B_{H61} = B_{H6}B_{H7}:3$ (Реглан енг ўмизи чизиғининг бошланиш нуқтаси).
16. B_{H61} нуқтани K_{41} нуқта билан чизғичда туташтирилади.
17. Ўнг томон виточка чизиғи билан $B_{H6}B_{H61}$ чизиғининг кесишган нуқтаси v билан белгиланади.
18. $K_{51}v = K_{51}v_1$ (виточка томонлари тенглаштирилади).
19. v_1 нуқта L_1 нуқта билан, L_1 ни K_{41} нуқта билан чизғич ёрдамида туташтирилади.

20. v_1 L_1 чизик иккига бўлинади ва юқорига перпендикулярда 0,5 см қўйилади.
21. L_1K_{41} чизик иккига бўлинади ва пастга перпендикулярда 2-2,5 см қўйилади.
22. Енг ўмизини равон эгри чизик билан v_1 , 0,5 см, L_1 , 2-2,5 см, K_{41} нуқталардан ўтиб бирлаштирилади.

4.7.3. Орт енг чизмаси (33-расм, а)

1. 25-расм асосий чизмада $K_4x = 19$ см, енг боши баландлиги $-19 - (2-2,5) = 17$ см.
2. $R = 17$ см (E_{11} нуқтадан паст томонга ёй чизилади).
3. $K_{21}O = 1$ см (ёрдамчи нуқта).
4. O нуқтани ёй билан туташтирилади ва чап томонга давом эттирилади.
5. PK_5 радиусда чап томонга ёй чизилади.
6. $K_5K_6 = 1-2$ см.
7. K_5K_{41} эгри чизиги калка қоғозга кўчирилади, уни ағдариб K_5 нуқта K_6 нуқтага, K_{41} нуқта ёйнинг давомига тушириб чизилади ва K_{42} нуқта билан белгиланади, ҳосил бўлган K_6K_{42} эгри чизик енгнинг пасти қисми эгрилиги ҳисобланади.
8. Енг эгрилиги P , 1-1,5 см, K_6 , K_{42} нуқталар орқали равон эгри чизик билан туташтирилади.
9. $K_{42}K_{43} = (EлA+Қел):2+1 = [30+(5-12)]:2+1 = 36:2+1 = 19$ см (енг кенглиги).
10. K_{43} нуқта E_{11} нуқта билан бирлаштирилади ва давом эттирилади.
11. $K_{43}E_{11}$ чизик 2 га бўлинади, юқорига перпендикуляр чиқариб 0,3-1 см қўйилади.
12. $E_{11}Э = EY = 58$ см (енг узунлиги).
13. $Э$ нуқтадан $E_1Э$ чизикка перпендикуляр ўтказилади.
14. $ЭЭ_1 = K_{42}K_{43} = 19$ см (этак қисми кенглиги).
15. $ЭЭ_1$ чизик ўртасидан пастга ўтказилган перпендикулярда 1 см қўйилиб, $Э$ ва $Э_1$ нуқталар туртиб чиққан эгри чизик билан туташтирилади.
16. $Э_1$ ва K_{42} нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

4.7.4. Олд енг чизмаси (33-расм, б)

1. $R = 17$ см (E_2 нуқтадан паст томонга ёй чизилади).

2. $K_{31}O_1 = 1$ см (ёрдамчи нуқта).
3. O_1 нуқтани ёй билан туташтирилади ва ўнг томонга давом эттирилади.
4. v , L_1 ёй чизилади.
5. $L_1 L_2 = 0,7-1,5$ см.
6. $L_1 K_{41}$ эгри чизик калка қоғозга кўчирилади, уни ағдариб L_1 нуқта L_2 нуқтага, K_{41} нуқта ёйнинг давомига тушириб чизилади ва K_{42} нуқта билан белгиланади, ҳосил бўлган $L_2 K_{42}$ эгри чизик енгнинг пастки қисми эгрилиги ҳисобланади.
7. Енг эгрилиги v_1 , 0,5 см, $L_2 K_{42}$ нуқталар орқали равон эгри чизик билан туташтирилади.
8. $K_{42} K_{43} = (E_{\text{А}} + K_{\text{ел}}) : 2 - 1 = [30 + (5 - 12)] : 2 - 1 = 36 : 2 - 1 = 17$ см (енг кенглиги).
9. K_{43} нуқта E_2 нуқта билан бирлаштирилади ва давом эттирилади.
10. $K_{43} E_2$ чизик ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказилиб, унда 0,3-1 см қиймат қўйилади.
11. $E_2 \Theta = EY = 58$ см (енг узунлиги).
12. Θ нуқтадан $E_2 \Theta$ чизикқа перпендикуляр ўтказилади.
13. $\Theta \Theta_1 = K_{42} K_{43} = 17$ см (этак қисми кенглиги).
14. $\Theta \Theta_1$ чизик ўртасидан юқорига ўтказилган перпендикулярда 0,5 см қўйиб, Θ ва Θ_1 нуқталар туртиб чиққан эгри чизик билан туташтирилади.
15. Θ_1 ва K_{42} нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
16. Олд ва орт бўлак енгларидаги $\Theta_1 K_{42}$ чизиклар тенг бўлиши керак. (Айрим ҳолларда орт бўлакда $\Theta_1 K_{42}$ чизик 1-1,5 см ортиқча бўлиши мумкин, бу қиймат тикиш даврида тирсак учун едирилиб юборилади).

4.8. Ёқаларни лойиҳалаш

Кийимнинг ташқи кўринишида ёқалар муҳим рол ўйнайди ва кўпинча мода йўналишини ўзида акс эттиради. Ёқаларнинг турли хил шакллари бўлади. Булардан энг характерлилари: тик ёқа, кўтармали-қайтарма ёқа, ясси ёқалар. Бўйин ўмизига ўтказилишига ва лойиҳаланишига кўра ёқаларнинг ўтказма ва олд бўлак билан яхлит ёқа турлари кўп учрайди. Ёқаларни бўйинга ёпишиб туриш даражасига қараб: бўйинга ёпишиб турадиган ва бўйиндан анча узоқда ётувчи ёқалар турига бўлинади.

Тақилмаси юқоригача бўлган кийим ёқалари ёки қайтарма бортли ёқа турлари ҳам учрайди.

Ёқани лойиҳалашда шуни эътиборга олиш керакки, ёқани бўйин ўмизига ўтказиладиган чизик қанча тўғри бўлса, ёқанинг тиклиги шунча бўлади.

4.8.1. Ўтказма ёқалар чизмаси

Тақилмаси юқоригача бўлган кўтармали қайтарма ёқа чизмаси (34-расм, а)

$$\text{БнЯА} = 18 \text{ см}$$

1. Тўғри бурчак чизиб унга А нукта қўйилади.
2. $\text{АА}_1 = \text{БнЯА} + 0,5 = 18 + 0,5 = 18,5 \text{ см}$ (ёқа узунлиги).
3. $\text{Аа} = 2\text{-}4 \text{ см}$ (ёқани бўйин ўмизига ўтказиладиган нукта).
4. $\text{аА}_1:3$ (ёрдамчи нукталар, уларни I ва II билан белгиланади).
5. I нуктадан юқорига перпендикулярда $0,5 \text{ см}$ қўйилади.
6. IIА_1 чизик ўртасидан пастга перпендикулярда $0,2 \text{ см}$ қўйилади.
7. А_1 , $0,2 \text{ см}$, II, $0,5 \text{ см}$, а нукталар раvon эгри чизик билан туташтирилади (бўйин ўмизига ўтказиладиган чизик).
8. $\text{А}_1\text{а}$ чизикқа $\text{А}_1\text{В}_1$ перпендикуляр ўтказилади.
9. $\text{AB} = \text{А}_1\text{В}_1 = 8\text{-}10 \text{ см}$ (ёқа кенглиги)
10. В, В_1 нукталар бирлаштирилади ва $3\text{-}6 \text{ см}$ га давом эттирилади. В_2 нукта билан белгиланади.
11. ВВ_1 чизик ўртасидан юқорига ўтказилган перпендикулярда $1\text{-}1,5 \text{ см}$ қўйилади.
12. В, $1\text{-}1,5 \text{ см}$, В_2 раvon эгри чизик билан туташтирилади.
13. В_2 , А_1 нукталар чизғич ёрдамида бирлаштирилади.

4.8.2. Ярим қайтарма ёқа чизмаси (34-расм, б)

1. Тўғри бурчак чизилиб, А нукта билан белгиланади.
2. $\text{АА}_1 = \text{БнЯА} + 0,5 = 18 \text{ см}$ (ёқа узунлиги).
3. $\text{Аа} = 5\text{-}7 \text{ см}$ (ёқани бўйин ўмизига уланадиган нукта).
4. $\text{аА}_1:3$ (ёрдамчи нукталар, уларни I ва II билан белгиланади).
5. I нуктадан юқорига перпендикулярда $0,7 \text{ см}$ қўйилади.
6. IIА_1 чизик ўртасидан пастга перпендикулярда $0,4 \text{ см}$ қўйилади.
7. А_1 , $0,4 \text{ см}$, II, $0,7 \text{ см}$, а нукталар раvon эгри чизик билан туташтирилади (бўйин ўмизига ўтказиладиган чизик).

8. A_1a чизикқа A нуқтадан юқорига перпендикуляр ўтказилади.
9. $aB = A_1B_1 = 8-10$ см (ёқа кенглиги)
10. B, B_1 нуқталар бирлаштирилади ва 2-4 см га давом эттирилади.
 B_2 нуқта билан белгиланади.
11. BB_1 чизик ўртасидан юқорига ўтказилган перпендикулярда 2-2,5 см кўйилади.
12. $B, 2-2,5$ см, B_2 равон эгри чизик билан туташтирилади.
13. B_2, A_1 нуқталар чизғич ёрдамида бирлаштирилади.

4.8.3. Тик ёқа (34-расм, в)

1. Тўғри бурчак чизилиб, A нуқта билан белгиланади.
2. $AA_1 = BнЯА + 0,5 = 18,5$ см (ёқа узунлиги).
3. $Aa =$ модел бўйича $= 4$ см (ёқа кенглиги).
4. $AA_1 aa_1 =$ тўрт бурчак қилиб бирлаштирилади.
5. $A_1O = AA_1 : 3 = 18,5 : 3 = 6,1$ см (ёрдамчи нуқта).
6. $A_1 A_2 = 1,5$ см (бўйин чуқурчаси нуқтаси).
7. $OA_2A_3 = 90^\circ$ бурчак ясалади.
8. $A_2A_3 = 4$ см (ёқа кенглиги).
9. A, O, A_2 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
10. aA_3 чизик AOA_2 чизикқа параллел чизилади.
11. $A_1A_2 = 5$ см гача бўлиши мумкин, у ҳолда ёқа бўйинга яхшигина ёпишиб туради.

4.8.4. Тик қайтарма ёқа (34-расм, г)

1. Тўғри бурчак чизилиб, A нуқта билан белгиланади.
2. $AA_1 = BнЯА + 0,5 = 18$ см (ёқа узунлиги).
3. A_1 нуқтадан AA_1 чизикқа ўтказилган перпендикулярда 2-4 см кўйилади, $A_1A_2 = 2-4$ см.
4. A нуқта A_2 нуқта билан чизғич ёрдамида бирлаштирилади ва 2-2,5 см га давом эттирилади.
5. $A_2A_3 = 2-2,5$ см (ўтим ҳақи).
6. AA_2 чизик ўртасидан пастга ўтказилган перпендикулярда 1 см кўйилади.
7. $A_3A_4 = 0,5$ см (ёрдамчи нуқта).
8. $A, 1$ см, A_2, A_4 нуқталар равон эгри чизик билан бирлаштирилади.
9. $Aa = 3-4$ см (тик ёқа кенглиги).

10. AA_2 чизикқа A_2a_1 перпендикуляр ўтказилиб, унга 2,5-3 см қиймат қўйилади.
11. a , a_1 нуқталар чизғич ёрдамида бирлаштирилади, ўртасини аниқланиб, пастга ўтказилган перпендикулярда 1 см қўйилади.
12. a , 1 см, a_1 нуқталар равон эгри чизик билан, a_1 , 0,5 см эса равон айлана чизик билан бирлаштирилади.
13. a_1 нуқтадан Aa ёқанинг ўрта чизигига перпендикуляр чизик ўтказилади ва уларнинг кесишган нуқтасига v қўйилади.
14. $av = vv_1$ (ёрдамчи нуқта).
15. v_1 , a_1 нуқталар чизғич ёрдамида бирлаштирилади, ўртасидан юқорига ўтказилган перпендикулярда 1 см қўйилади.
16. v_1 , 1 см, a_1 нуқталар равон эгри чизик билан бирлаштирилади.
17. $v_1v_2 = 4-5$ см (ёқа кенглиги).
18. a_1 нуқтадан перпендикуляр билан, v_2 нуқтадан чиққан горизонтал чизикларнинг кесишган нуқтасига v_3 қўйилади.
19. $v_3v_4 = 1-5$ см (ёқа учи).
20. $a_1v_5 = 9-14$ см (ёқа учи).
21. $v_2v_3 =$ чизик 3 га бўлиниб, бир қисми v_5 билан равон эгри чизикда бирлаштирилади.

4.8.5. Ясси ётадиган ёқа чизмаси (34-расм, д)

Ясси ётадиган ёқа чизмасини чизиш учун олд ва орт бўлақлар бўйин ўйиндиси аниқ белгиланган бўлиши керак. Бунинг учун олд ва орт бўлақларни шундай жойлаштириш керакки, бунда олд ва орт бўлақларнинг бўйин асоси нуқталари ($B_{н4}$, $B_{н6}$) устма-уст тушсин, елка нуқталари (E_1 , E_2) эса бир-бирига 0,5-0,7 см кириб турсин.

1. $B_{н5}V = 6-7$ см (ёқа кенглиги).
2. Агар ёқада озгина тиклик керак бўлса, у ҳолда ёқа ўйиндисини бўйин ўмизидан бир оз узоклаштириш керак, яъни $B_{н5} V_1 = 1-1,5$ см, V , $V_1' = 6-7$ см.
3. Ёқанинг бошқа қисмидаги кенгликлари шу қийматда олинади.
4. Ёқанинг олд қисмидаги чизикларига ихтиёрий шакллар берилади.

4.9. Яхлит ёқалар чизмаси

Яхлит ёқаларнинг остки қисми олд бўлақ билан биргаликда, устки ёқа эса борт адипи билан биргаликда бичилади. Яхлит ёқалар ҳам ўтказма ёқаларга ўхшаб: тик ёқа, ярим қайтарма ва қайтармали ёқа

бўлиши мумкин. Яхлит ёқалар олд бўлак асос чизмасида, яхлит тик ёқа эса олд ва орт бўлак асос чизмаларида лойиҳаланади.

4.9.1. Орт бўлакдаги ёқа чизмаси (35-расм, а)

1. Орт бўлак андозаси қоғозга тушириб чизиб олинади ва унда B_{H4} , B_{H5} нуқталар белгилаб олинади.
2. Орт бўлакнинг ўрта чизиги юқорига давом эттирилади. $B_{H5}B_{H51} = 3-4$ см (ёқа тиклиги).
3. B_{H4} нуқтадан юқорига вертикал чизик ўтказилади. $B_{H4}B_{H41} = B_{H5}B_{H51} - 1 = (3-4) - 1 = 2-3$ см.
4. B_{H41} нуқтадан чап томонга 1 см қўйилади ва B_{H42} нуқта билан белгиланади.
5. $B_{H4}B_{H43} = 1$ см (ёрдамчи нуқта).
6. B_{H42} нуқта ва B_{H43} нуқталар эгри чизик билан туташтирилиб, елка виточкисига давом эттирилади.

4.9.2. Олд бўлакдаги ёқа чизмаси (35-расм, б)

7. Елка виточкиси кўчирилган олд бўлак андозасини қоғозга тушириб чизиб олинади ва унда B_{H6} , B_{H7} нуқталар белгилаб олинади.
8. $B_{H6}B_{H61} = 2-3$ см (горизонтал чизикда ёрдамчи нуқта белиланади). B_{H61} нуқтадан юқорига перпендикуляр ўтказилади.
9. $B_{H61}B_{H62} = (B_{H6}B_{H61}:2) = (2-3):2 = 1-1,5$ см.
10. B_{H62} нуқта билан B_{H6} нуқталар эгри чизик билан туташтирилади.
11. B_{H62} нуқта билан B_{H7} нуқта ҳам эгри чизик билан туташтирилади (агар тақилма ўтимсиз бўлса).
12. $B_{H7}B_{H71} = 2-3$ см (ўтим ҳақи, агар тақилма ўтимли бўлса).

4.9.3. Яхлит кўтармали қайтарма ёқа (36-расм)

1. Елка виточкиси енг ўмизига кўчирилган олд бўлак андозаси қоғозга тушириб чизиб олинади ва унда B_{H6} , B_{H7} нуқталар белгиланади.
2. $B_{H7}B_{H8} = 15-20$ см (1-чи петля ўрни).
3. $B_{H8}B_{H6}$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва юқорига давом эттирилади.
4. $B_{H7}B_{H9} = 2,5$ см (ўтим ҳақи).
5. $B_{H9}B_{H91} = 2-5$ см (ёқанинг учи).

6. Ўтим чизиғи 4-8 см, 2,5 см нукталар орқали равон эгри чизик билан туташтирилади ва 1-чи петля ўрнидан паст томонга текис чизилади.
7. $B_n B_{n61} = B_n ЯА : 3 + 1 = 18 : 3 + 1 = 7$ см.
8. $B_n B_{n61}$ чизикқа B_{n61} нуктадан перпендикуляр ўтказилиб, чап томонига 1,5 см (айрим ҳолларда кўтармаси кўп бўлиши учун 2-3 см) қўйилади.
9. 1,5 см билан B_n нукта бир оз эгри чизик билан туташтирилади.
10. $B_{n61} B_{n62} = 8$ см (ёқа кенглиги).
11. B_{n62} нуктадан $B_{n61} B_{n8}$ чизикқа перпендикуляр ўтказилиб, юқорига давом эттирилади ва унда 2 см қўйилади.
12. B_{n61} ва 2 см нукталар туташтирилади ва юқорига давом эттирилади.
13. $B_{n61} B_{n63} = 6-12$ см (ёқа кенглиги).
14. Ёқанинг учи 36-расмдагидек чизилади.

4.10. Юбкаларни лойиҳалаш асослари

Белли кийимларга юбкалар, шимлар, шортик, лозим, юбка-шимлар киради. Юбкалар бичимиға кўра: тўғри бичимли, этагига кенгайган бўлиши мумкин. Тўғри бичимли юбкалар ўз навбатида: тўғри бичим, этагига торайган, этагига бир оз кенгайган шакллариға эға бўлади. Бундай юбкалар шаклини белдаги бурмалар, гир айланган тахламалар, кокеткали юбкалар ҳисобиға ҳосил килиш мумкин. Этагига кенгайган юбкаларға: бўлакли ва қуёш, ярим қуёш юбкалар киради. Юбкаларни безак баҳяқатор, тасма, тугмача, кашталар ва ҳоказолар билан безаш мумкин. Юбка тақилмасиға «молния» тасма, илгак, тугмалар билан ишлов бериш мумкин.

4.11.1. Тўғри бичимли юбка чизмаси

Турли фасондаги юбкаларнинг лойиҳасини яратиш учун икки чокли тўғри бичимли юбка лойиҳасининг асоси ишлатилади. Бу юбкани лойиҳалаш учун гавдадан олинган қуйидаги ўлчовлар керак бўлади.

$B_n ЯА = 38$ см	$ҚБл = 1$ см
$B_n КЯА = 53$ см	$ҚБк = 2$ см

$$\begin{aligned} \text{ЮУ} &= 72 \text{ см} \\ \text{ОрБУ} &= 42 \text{ см} \end{aligned}$$

4.11.2. Юбканинг тўр қисми (37-расм)

1. Қоғознинг чап томон бурчагига Бл нуқта қўйилиб, ундан пастга вертикал чизиқ ўтказилади.
2. $\text{БлЭ} = \text{ЮУ} = 72 \text{ см}$ (юбка узунлиги).
3. $\text{БлБк} = \text{ОрБУ} : 2 - 1 = 42 : 2 - 1 = 20 \text{ см}$ (бўксагача бўлган оралик).
4. Бл, Бк, Э нуқталаридан горизонталлар ўтказилади.
5. $\text{БкБк}_1 = \text{БкЯА} + \text{ҚБк} = 53 + 2 = 55 \text{ см}$ (юбканинг бўкса чизиғидаги кенглиги)
6. Бк_1 -нуқтасидан вертикал ўтказилади; Бл_1 , Э_1 , Бк_1 нуқталар белгиланади.
7. $\text{БкБк}_2 = (\text{БкЯА} + \text{ҚБк}) : 2 - 1 = (53 + 2) : 2 - 1 = 26,5 \text{ см}$ (ён чокининг ўрни).
8. Бк_2 нуқтадан юқorigа ва пастга вертикал ўтказилади, вертикалнинг бел ва этак чизиқлари билан кесишган нуқталари Бл_2 , Э_2 билан белгиланади.

4.11.3. Юбканинг олд ва орт бўлаклари

9. $\text{БкБк}_3 = 0,4 \text{ БкБк}_1 = 0,4 \times 26,5 = 10,6 \text{ см}$ (Орқа бўлак виточкасининг ўрни).
10. Бк_3 нуқтадан юқorigа вертикал ўтказилади ва бел чизиғи билан кесишган жойга Бл_3 нуқта қўйилади.
11. $\text{Бк}_1\text{Бк}_4 = 0,4 \text{ Бк}_1\text{Бк}_2 = 0,4 \times 28,5 = 11,4 \text{ см}$ (Олд виточканинг ўрни).
12. Бк_4 нуқтадан вертикал ўтказилади ва бел чизиғи билан кесишган жойга Бл_4 нуқта қўйилади.
13. Сумма В = $(\text{БкЯА} + \text{ҚБк}) - (\text{БлЯА} + \text{ҚБл}) = (53 + 2) - (38 + 1) = 16 \text{ см}$ (виточкаларнинг умумий қиймати).
14. Виточкаларнинг тақсимланиши:
 - а) $\text{Бл}_5\text{Бл}_6 = 0,5 \times \text{сумма В} = 8 \text{ см}$ (ён томон виточкаси);
 - б) $\text{Бл}_7\text{Бл}_8 = 0,3 \times \text{сумма В} = 4,8 \text{ см}$ (орқа бўлак виточкаси);
 - в) $\text{Бл}_9\text{Бл}_{10} = 0,2 \times \text{сумма В} = 3,2 \text{ см}$ (олд бўлак виточкаси).
 Бу қийматлар ярмини виточкаларнинг ўрта чизиғидан бир томонга, қолган ярмини иккинчи томонга ўлчаб қўйилади.
15. Белдаги нуқталар орт бўлак ва олд бўлак виточкаларининг пастки учлари билан тўғри чизиқлар орқали бирлаштирилади.
16. $\text{Бл}_5\text{Бл}_{51} = \text{Бл}_6\text{Бл}_{61} = 0,5 - 1 \text{ см}$ (бел чизиғи).

17. Бл₅₁ нуқта Бл нуқта билан, Бл₆₁ нуқта Бл₁ нуқталар билан бирлаштирилади, бел виточкалари шу чизикқача давом эттирилади.

4.12. Юбка-шимни лойиҳалаш

Юбка-шимни олд ва орт бўлаклари ўртасида рўпара тахлама билан ёки этагига кенгайтириб тикилса, ҳаракат учун қулай бўлади ва чиройли кўринади. Юбка-шим узунлигини асосан тиззадан ёки тиззадан 2 см пастрокдан олинади.

Юбка-шим чизмасини чизиш учун тўғри бичимли юбка чизмасидан фойдаланилади. Шунинг учун чизма чизишда юбка ўлчовлари ишлатилади, ҳамда қўшимча ўлчов бўкса баландлиги олинади.

$$\text{БкБ} = 27 \text{ см}$$

Тўғри бичимли юбканинг олд ва орт бўлакларини қоғозга тушириб чизиб олинади. Юбка бел, бўкса қисмидаги нуқталар худди шундай белгиланади.

4.12.1. Орт бўлак чизмаси (38-расм)

1. БлБл₅ = 12-16 см (тахлама миқдори).
2. Бл₂К = БкБ-1 см = 26 см (қадам чизиғи оралиғи).
К нуқтадан ўнг ва чап томонга горизонтал чизик ўтказилиб, орт ва олд бўлак ўрта чизиклари билан кесишган нуқталар К₁, К₃, тахламалар миқдори билан кесишган нуқталар К₂, К₄ билан белгиланади.
3. К₂К₅ = 0,2(БкЯА+КБк)+1 = 0,2(53+2)+1 = 12 см (қадам чизиғининг кенгайиши).
4. Орт ўрта чизиғи юқорига давом эттирилади ва унга Бл₅Бл₇ қиймат қўйилади.

$$\text{Бл}_5\text{Бл}_7 = 0,1\text{БкЯА}-2 = 0,1 \times 53 - 2 = 3,3 \text{ см.}$$

5. К₂К₆ = К₂Бл₇:3 (ёрдамчи нуқталар).
6. К₂К₇ = БкЯА:10 = 53:10 = 5,3 см (К₄К₁К₃ бурчак биссектриссаси).
7. К₅, К₇, К₆ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
8. К₅ нуқтадан қадам чизиғига перпендикуляр ўтказилади ва этак қисми билан кесишган нуқта Э₅ билан белгиланади.

9. $\mathcal{E}_5\mathcal{E}_6 = 1,5$ см (этак қисмининг кенгайиши).
10. $\mathcal{E}_2\mathcal{E}_7 = 2$ см (ён томоннинг кенгайиши).
11. $\mathcal{K}_5$, $\mathcal{E}_6$ ва $\mathcal{B}\mathcal{K}_2$, $\mathcal{E}_7$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

4.12.2. Олд бўлак чизмаси (38-расм)

12. $\mathcal{B}\mathcal{L}_1\mathcal{B}\mathcal{L}_6 = 12-16$ см (тахлама миқдори).
13. $\mathcal{K}_4\mathcal{K}_8 = 0,2 (\mathcal{B}\mathcal{K}\mathcal{Y}\mathcal{A} + \mathcal{Q}\mathcal{B}\mathcal{K}) - 1 = 0,2(53+2) - 1 = 10$ см (қадам чизигининг кенгайиши).
14. $\mathcal{K}_4\mathcal{K}_9 = \mathcal{K}_4\mathcal{B}\mathcal{L}_6 : 3$ (ёрдамчи нуқта).
15. $\mathcal{K}_4\mathcal{K}_{10} = \mathcal{B}\mathcal{K}\mathcal{Y}\mathcal{A} : 10 - 1 = 53 : 10 - 1 = 4,3$ ($\mathcal{K}_9\mathcal{K}_4\mathcal{K}_8$ бурчак биссектриссаси).
16. $\mathcal{K}_9$, $\mathcal{K}_{10}$, $\mathcal{K}_8$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
17. $\mathcal{B}\mathcal{L}_6\mathcal{B}\mathcal{L}_8 = 1$ см (ўрта чизикнинг қисқариши).
18. $\mathcal{K}_8$ нуқтадан қадам чизигига перпендикуляр ўтказилади ва этак қисми билан кесишган нуқта $\mathcal{E}_8$ билан белгиланади.
19. $\mathcal{E}_8\mathcal{E}_9 = 1,5$ см (этак қисмининг кенгайиши).
20. $\mathcal{E}_2\mathcal{E}_{10} = 2$ см (ён томонининг кенгайиши).
21. $\mathcal{K}_8$, $\mathcal{E}_9$ ва $\mathcal{B}\mathcal{K}_2$, $\mathcal{E}_{10}$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

4.13. Бўлакли юбкаларни лойиҳалаш

Юбка бўлаклари сони ҳар хил булиши мумкин, лекин жуфт сон (4, 6, 8, 12) бўлгани маъқул; тақилмаси чап ёнда ёки олд ва орт бўлаклар ўртасида бўлиши мумкин. Тақилма тикиш учун эни 3-4 см, бўйи 25 см қўшимча тақилма ҳақи чиқарилади. Мисол тариқасида олти бўлакли юбкани лойиҳалашни кўриб чиқамиз. Қолган бўлакли юбкаларни лойиҳалаш ҳудди шу тарзда бўлади, фақат бел ва бўксадаги қийматлар бўлак сонига қараб бўлинади.

4.13.1. Олти бўлакли юбкани лойиҳалаш (39-расм)

Бу юбкани лойиҳалаш учун гавдадан олинган қуйидаги ўлчовлар керак бўлади:

$$\begin{array}{ll} \mathcal{B}\mathcal{L}\mathcal{A} = 76 \text{ см} & \mathcal{Q}\mathcal{B}\mathcal{L} = 2 \text{ см} \\ \mathcal{B}\mathcal{K}\mathcal{A} = 106 \text{ см} & \mathcal{Q}\mathcal{B}\mathcal{K} = 4 \text{ см} \\ \mathcal{Y}\mathcal{O}\mathcal{Y} = 70 \text{ см.} & \end{array}$$

1. Қоғознинг юқори ўрта қисмида $\mathcal{B}\mathcal{L}$ нуқтани белгилаб, ундан пастга вертикал чизик ўтказилади.

2. $БлЭ = ЮУ = 70$ см (юбка узунлиги).
3. $БлБк = 18-20$ см (бўкса чизиги).
4. Бл, Бк, Э нуқталардан горизонтал чизик ўтказилади.
5. $Бл_1Бл_2 = (БлА + ҚБл):6 = (76+2):6 = 13$ см (белдаги кенглик).
6. $БлБл_1 = БлБл_2 = Бл_1Бл_2:2 = 13:2 = 6,5$ см (белдаги кенгликнинг ярми).
7. $БлБл_3 = 0,5 - 1$ см (бел чизигининг тушиши).
8. $Бл_1, Бл_3, Бл_2$ нуқталар равион эгри чизик билан туташтирилади.
9. $Бк_1Бк_2 = (БкА + ҚБк):6 = (106+4):6 = 18$ см (бўксадаги кенглик).
10. $БкБк_1 = БкБк_2 = Бк_1Бк_2:2 = 18:2 = 9$ см (бўксадаги кенгликнинг ярми).
11. $Бл_1, Бк_1$ нуқталар ва $Бл_2, Бк_2$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва этак горизонтал чизиги билан кесишгунча давом эттирилади. Мос равишда $Э_1, Э_2$ нуқталар билан белгиланади.
12. $Бл_1Э_3 = Бл_2Э_4 = Бл_3Э$ (ўрта чизикни чизмадан ўлчаб, ён томон узунликлари белгилаб олинади).
13. $Э_3, Э, Э_4$ равион эгри чизик билан туташтирилади.
14. Этак қисмини моделга қараб кенгайтириш мумкин.

4.14. Қуёш юбкаларни лойиҳалаш

Бундай юбкалар этак қисмидаги кенгайиши бўйича энг катта миқдорни эгаллаган ва бўкса чизигида эса бўкса кенглиги чегараланмаган бўлади. Бундай юбкаларни лойиҳалаш учун қуйидаги ўлчовлар керак бўлади.

$$БЛЯА = 38 \text{ см}$$

$$ЮУ = 70 \text{ см}$$

$$ҚБл = 1 \text{ см}$$

4.14.1. «Ярим қуёш» юбкани лойиҳалаш (40-расм, а)

1. Тўғри бурчак чизилиб, унинг бурчагига О нуқта қўйилади.
2. $R_1 = (БЛЯА + ҚБл):3 \times 2 - 2 = 24$ см (бел чизигигача бўлган оралик).
3. $R_2 = R_1 + ЮУ = 24 + 70 = 94$ см (этак чизигигача бўлган оралик)
4. Бичиш жараёнида юбканинг бўй ипи газламанинг бўй ипига нисбатан 45° бўлишини эътиборга олган ҳолда, бунинг натижасида газламанинг чўзилиши юзага келиб, юбка этак қисмининг узайиши

содир бўлади. Шунинг учун $\mathcal{E}_2\mathcal{E}_3 = 1,5-3$ см (этак қисмининг кўтарилиши, бу қиймат газламанинг ҳоссасига боғлиқ).

5. $\mathcal{E}_1$, $\mathcal{E}_3$, $\mathcal{E}$ нукталар равон эгри чизиқ билан туташтирилади.

4.14.2. «Қуёш» юбкани лойиҳалаш (40-расм, б)

1. Тўғри чизиқда $\mathcal{O}$ нукта белгиланиб, $\mathcal{O}$ нуктадан пастга перпендикуляр ўтказилади.
2. $R_1 = \text{БЛ}:\mathcal{A}:\mathcal{B}-1 = 38:\mathcal{B}-1 = 12$ см (бел чизиғигача бўлган оралик).
3. $R_2 = R_1 + \text{ЮУ} = 12+70 = 82$ см (этак қисмигача бўлган оралик).
Юбканинг этак қисми ҳудди «ярим қуёш» юбканикига ўхшаб чизилади.

4.15. Шим асосини лойиҳалаш

Ёшларни севиб киядиган кийимларидан бири шим ҳисобланади. Шимлар костюмнинг бир қисми ёки алоҳида кийим бўлиб хизмат қилади.

Шим – иш, спорт билан шуғулланиш ва дам олиш учун қулай кийимдир. Шимнинг моделлари жуда хилма-хилдир. Вазифасига кўра шимлар кундалик – ишда ва уйда кийиладиган, кўчалик, спорт ва махсус ишларга мўлжалланган бўлади. Шимнинг узунлиги, кенглиги модага асосан ўзгариб туради. Шимлар бутун узунаси бўйлаб кенг ёки маълум жойлари (бўкса, тизза почаси) кенгайган бўлиши мумкин. Масалан: сон қисми кенгайиб, поча торайган шимлар банан шимлар дейилади. Аксинча, яъни сон қисми тор, поча қисми кенг бўлса, кенгайган шимлар, баравар кенгайса шарварлар дейилади. Болдиргача узунликдаги шим голф, тиззагача бўлса бермуди, сонгача узунликда бўлса шортик дейилади. (41-расм).

Шимлар белбоғсиз, энли, энсиз белбоғли, камар тақиш учун турли шаклдаги камар туткичлар, ён чокли ёки ён чоксиз, почаси манжетли ёки манжетсиз қилиб тикилган бўлиши мумкин. Шимда чокдаги ёки қоплама чўнтаклар кўп учрайди.

Шимнинг асосий деталлари олд ва орт бўлаклари виточкали ёки майда тахламали, тизза атрофида кесмали, турли шаклдаги кокеткали бўлиши мумкин.

Шим асосан жун ва лавсан аралаш жун толали газламалардан, зич тўкилган вилвет, селон, жинси газламалардан тикилади.

Аёллар шими эркакларникидан тақилмаси, газламанинг ранги ва безаклари билан ажралиб туради.

Шим асосини лойиҳалаш учун қуйидаги гавдадан олинган ўлчовлар керак бўлади.

$$\text{БлЯА} = 38 \text{ см}$$

$$\text{БкЯА} = 52 \text{ см}$$

$$\text{ШУ} = 100 \text{ см}$$

$$\text{ШТУ} = 51 \text{ см}$$

$$\text{БкБ} = 27 \text{ см}$$

$$\text{СА} = 54 \text{ см}$$

$$\text{Пк} = 22\text{-}26 \text{ см (модага қараб ўзгариб туради).}$$

$$\text{ҚБл} = 1 \text{ см}$$

$$\text{ҚБк} = 1 \text{ см (кенгрок туриши учун ҚБк} = 2 \text{ см бўлади).}$$

4.15.1. Олд бўлаклар чизмаси (42-расм)

1. Тўғри бурчак чизиб, бурчакни Бл нуқта билан белгиланади.
2. $\text{БлП} = \text{ШУ} + 1 = 100 + 1 = 101 \text{ см}$ (шим узунлиги).
3. $\text{БлҚ} = \text{БкБ} - 1 = 27 - 1 = 26 \text{ см}$ ёки $\text{БлҚ} = \text{БкЯА} : 2 = 52 : 2 = 26 \text{ см}$ (қадам чизиғи оралиғи).
4. $\text{ҚБк} = \text{БлҚ} : 3 = 26 : 3 = 8,6 \text{ см}$ (бўкса чизиғи оралиғи).
5. $\text{БлТ} = \text{ШТУ} = 51 \text{ см}$ (тизза чизиғи оралиғи) ёки БкП чизиқнинг ўртасидан юқорига 4-5 см кўтарилиб Т нуқтани топиш мумкин.
6. Бл, Бк, Қ, Т, П нуқталаридан ўнг томонга горизонтал чизиқлар ўтказилади.
7. $\text{ҚҚ}_1 = (\text{БкЯА} + \text{ҚБк}) : 2 = (52 + 1) : 2 = 26,5 \text{ см}$ (олд бўлак кенглиги).
8. $\text{Қ}_1\text{Қ}_2 = (\text{БкЯА} + \text{ҚБк}) : 10 = (52 + 1) : 10 = 5,3 \text{ см}$ (қадам чизиғининг кенгайиши).
9. Қ_1 нуқтадан юқорига бел чизиғи билан кесишгунча вертикал чизиқ ўтказилади ва кесишган нуқталарни Бл_1 , Бк_1 билан белгиланади.
10. $\text{Қ}_1\text{Қ}_3 = \text{Қ}_1\text{Қ}_2 : 2 = 5,3 : 2 = 2,6 \text{ см}$ ($\text{Бк}_1\text{Қ}_1\text{Қ}_2$ бурчак биссектриссаси).
11. $\text{Бл}_1\text{Бл}_2 = 0\text{-}2 \text{ см}$ (қориннинг туртиб чиқишига қараб олинади).
12. Бл_2 , Бк_1 , Қ_3 , Қ_2 нуқталар равои эгри чизиқ билан туташтирилади).
13. $\text{ҚҚ}_4 = \text{ҚҚ}_2 : 2 =$ (шимнинг ўрта чизиғи).
14. Қ_4 нуқтадан юқорига ва пастга вертикал чизиқ ўтказилиб, бел, бўкса, тизза ва почка чизиқлари билан кесишган нуқталарга мос равишда Бл_3 , Бк_2 , Т_1 , П_1 ҳарфлар қўйилади.
15. $\text{П}_2\text{П}_3 = \text{Пк} - 2 = (22\text{-}26) - 2 = 20\text{-}24 \text{ см}$ (почка кенглиги).

16. $P_1P_2 = P_1P_3 = P_2P_3:2 = (20-24):2 = 10-12$ см (поча кенглигининг ярми).
17. $Бл_2Бл_4 = Бл_4А:2+(3-5) = 38:2+(3-5) = 22$ см (белдаги кенглик). 3-5 см – виточка ёки тахлама миқдори, агар тахлама кўп бўлса, бу қиймат ўзгариши мумкин.
18. $Бл_4Бл_5 = 1,5-2$ см (бел нуқтаси, вертикал чизикда қўйилади).
19. $Бл_5, Бл_2$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
20. Ўрта чизикқа виточканинг миқдори иккала томонга бир хил қийматда қўйилади.
21. $Бл_3в = 8-10$ см (виточка узунлиги).
22. Виточка томонлари тенглаштирилади.
23. $Бк, Бл_5$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
24. Тиззадаги кенглик кўп ҳолларда поча кенглигига тенг, ёки ундан торроқ бўлиши мумкин.
 $T_1T_2 = P_1P_2 = 10-12$ см ёки
 $T_1T_2 = P_1P_2 - (1-2) = (10-12)-(1-2) = 9-11$ см.
25. T_2 нуқтани $Қ$ нуқта билан, T_3 нуқтани $Қ_2$ нуқта билан чизғич ёрдамида бирлаштирилади ва $T_2 Қ$ чизикни 3 та тенг бўлакка бўлинади, перпендикулярда 0,6 ва 1 см қўйилади. $T_3Қ_2$ чизик иккига бўлиниб перпендикулярда 0,8 см қўйилади. $Қ, 0,6$ см, 1см, T_2 ва $Қ_2, 0,8$ см, T_3 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
26. T_2, P_2 ва T_3, P_3 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

4.15.2. Орт бўлак чизмаси (42-расм)

1. Олд бўлак чизмасини қоғозга тушириб чизиб олинади ва унда бел, бўкса, қадам, тизза, поча чизикларидаги нуқталар белгилаб олинади.
2. $Қ_1Қ_5 = 1$ см (ёрдамчи нуқта).
3. $Бл_1б = Бл_1Бл_3:2$ (чизмадан олинади).
4. $б, Қ_5$ нуқталар чизғич билан туташтирилади ва юқорига давом эттирилади.
5. $бБл_6 = Бк_4А:10-(1-1,5) = 52:10-(1-1,5) = 4,2$ см (бел нуқтаси).
6. $Бл_6Қ_5$ чизикнинг бўкса чизик билан кесишган нуқтасини $Бк_3$ билан белгилаймиз.
7. $Бк_3Бк_4 = бБл_6 = 4,2$ см (бўкса нуқтаси).
8. $Қ_5Қ_6 = 0,2х(Бк_4А+ҚБк) = 0,2х(52+1) = 10,6$ см (қадам чизигининг кенгайиши).

9. $K_5K_7 = K_1K_3 = 2,6$ см (Бк₃К₅К₆ бурчак биссектриссаси).
10. $T_2T_4 = T_3T_5 = 2-2,5$ см (тизза чизигининг кенгайиши).
11. Т₅ нуқтани К₆ нуқта билан чизғичда туташтирилади.
12. $K_8T_5 = T_3K_2-(0,5-0,8)$ (олд бўлак чизмасидан ўлчаб олинади).
13. Бк₄, К₇, К₈ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
14. $Бк_4Бк_5 = (БкЯА+ҚБк)-ҚК_1 = (52+1)-26,6 = 26,5$ см (бўкса чизигидаги кенглик).
15. Белнинг ён юқори нуқтаси иккита радиуснинг кесишишидан топилади:
 $R_1 = Бл_6Бл_7 = (БкЯА+ҚБк):2+3 = (38+1):2+3 = 22,5$ см (бел чизигидаги кенглик)
 $R_2 = Бк_5Бл_7 = БкБл_5$ (чизмадан олинади).
16. Бл₇Бл₆ нуқталар чизғич билан туташтирилади.
17. $Бл_7в_1 = Бл_7Бл_6:2$ (виточка ўрни, чизмадан ўлчанади).
18. в₁ нуқтадан Бл₇Бл₆ чизикқа перпендикуляр ўтказилади.
19. $в_1в_2 = 9-10$ см (виточка узунлиги).
20. 3 см виточка миқдори в₁в₂ чизикдан ўнг ва чап томонга иккига бўлиб қўйилади.
21. Белдаги виточка узунликлари 0,5 смга яна узайтирилади.
22. $П_2П_4 = П_3П_5 = 2$ см (поча чизигидаги кенглик).
23. П₄, Т₄ нуқта билан, П₅, Т₅ нуқта билан чизғич ёрдамида туташтирилади.
24. Ён чизикнинг қолган қисми олд бўлакка параллел қилиб, равон эгри чизик билан туташтирилади.

5. Техник моделлаш жараёни ҳақида маълумот

Моделлаш – бу турли шакл ва бичимдаги кийим моделининг конструкциясини ишлаб чиқарадиган мураккаб ижодий жараёндир. Турли шакл ва бичимдаги модалар конструкциясини тузмоқчи бўлган асосий конструкция базасидан олиш мумкин. Бу жараён амалий моделлаш ёки, одатда айтилишига биноан, техник моделлаш деб аталади.

Техник моделлаш конструкция асосини янги модел конструкциясига айлантиришдан иборат.

Моделнинг фасони моделлар журналичан олинади ёки ижрочининг расм чизиб кўрсатган таклифига кўра танланади.

Кийимнинг моделга хос хусусиятлари, яъни виточкалар, кокеткалар, бўртма чокларнинг ҳолати; бўкса, бел, этак, борт, тақилма чизиклари; чўнтаклар, ёқа, бурма чизиклари тегишли деталлар конструкцияси асосининг чизмасига кўчирилади.

Модел чизикларининг ҳаммасини конструкция асосининг чизмасида худди модел расмидагидек жойлаштириш керак. Бунда аёлнинг гавда тузилишининг хусусияти, унинг мутаносиблиги албатта ҳисобга олиниши керак. Бу конструкция асосининг чизмасига туширилган фасон чизиклари гавданинг ҳақиқий мутаносиблигини бузиб қўймаслиги учун керак.

Фасон чизикларини бичими мос келадиган конструкция асосининг чизмасига туширилади. Масалан, моделнинг енглари олд ва орт бўлаклар билан яхлит бичиладиган бўлса, бунда техник моделлаш енглари олд ва орт бўлаклар билан яхлит бичиладиган конструкция асосининг чизмасида бўлиши керак ва ҳоказо.

Ишлаш учун ҳамма асосий деталлар конструкциясининг база бўладиган асосини қоғоз ёки картон андоза – шаблон тарзида тайёрлаб олинади. Бу андозаларга зарур бўлган симметрия чизиклари – кўкрак чизиғи, бел чизиғи, бўкса чизиғи туширилади.

Фасонга биноан деталнинг янги шаклини детал андозани шартли бўлакларга бўлиб, кейин у бўлакларни суриб асосий виточкаларни беркитиш ва уларни янги ҳолатга кўчириш йўли билан ҳосил қилинади.

Аёллар кўйлагининг янги моделини ишлаб чиқишда асосий эътибор кўкрак виточкасини кўчиришга, олд бўлак, орт бўлак, юбка, енг деталларини кенгайтиришга ёки торайтиришга, шу деталларнинг узунлигини ва мутаносиблигини ўзгартиришга қаратилади.

5.1. Аёллар кўйлагини техник моделлаш

Кўкрак виточкасини кўчириш қондаси. Кўйлак фасонига биноан кўкрак виточкаси деталнинг исталган қирқимида бўлиши мумкин. Бу виточкани кўкрак чизиғи бўйлаб олд бўлак ўртаси, енг ўмизи қирқими, ёқа ўмизи қирқими, ён қирқими томон ва ҳоказо йўналтириш мумкин.

Виточкани фасонга мувофиқ, янги ҳолатга кўчириш учун виточканинг кўчирилиш чизиғи ўтказилиши керак. Бу чизик доим кўкрак виточканинг учидан, яъни кўкрак маркази билан виточка кўчириладиган қирқимдаги нуқтадан ўтиши керак.

Олд бўлак андозасининг шаблони белги чизик бўйлаб қиркилади-да, кўкрак виточки ёпиладиган қилиб сурилади. Виточка томонларини бир-бирига тўғрилаб тўғнағич билан тўғналади. Қирқилган чизик бўйлаб худди асосий виточка кенглигига тенг янги виточка ҳосил булади. Бу виточка бирмунча калта ёки узун бўлиши мумкин, лекин бу виточка худди асосий виточка ҳосил қилганидек, ҳажм ҳосил қилади.

5.1.1. Кўкрак виточкини ён қирқим чизигига кўчириш

Ён қирқим чизигида нукта белгалаб олинади. Нуктанинг ўрни ён чизикнинг белгача бўлган узунлигининг тахминан $1/3$ қисмида белгиланади. Бу нуктани кўкрак виточка учи билан бирлаштириб, янги виточка чизиги ўтказилади (43-расм). Шу белгиланган чизик бўйлаб қирқма ҳосил қилинади. Кўкрак виточкини, унинг томонларини бир-бирига тўғри келтириб беркитилади ва елим суртилади ёки тўғнағич билан тўғнаб қўйилади. Янги виточканинг учи марказдан 3-5 см ён томон сурилади. Бу янги виточканинг учи бўлади. Бу учини виточканинг қирқимлари билан текис қилиб туташтирилади (43-расм, а).

5.1.2. Кўкрак виточкини бел чизигига кўчириш

Асос чизмасидаги бел виточки қирқиб олинади. Бел виточканинг учи кўкрак виточкининг учи билан туташтирилади. Шу туташтирилган чизик бўйлаб қирқма ҳосил қилинади. Кўкрак виточкини, унинг томонларини бир-бирига тўғрилаб беркитилади. Модел бўйича бел виточки тикиладиган бўлса, у ҳолда, виточканинг учи 3-5 смга қисқартирилади (43-расм, б).

5.1.3. Кўкрак виточкини олд бўлак бўйин ўмизи чизигига кўчириш

Виточка бўйин ўмизи чизигининг исталган жойига кўчирилиши мумкин. Бунинг учун олд бўлак бўйин ўмизи чизигида нукта

белгилаб оламиз. Шу нуқта билан кўкрак виточки учу туташтирилади. Шу чизик бўйлаб қирқма ҳосил қилинади (43-расм, в). Кўкрак виточки беркитилади ва янги виточка ҳолати очилади. Кўкрак виточкини олд бўлак ёқа ўмизига икки қисмга бўлиб кўчирса ҳам бўлади. Бунда виточкини кўчириш учун иккита чизик ўтказилади. Виточкини учигача, олд бўлак бўйин ўмизи бўйлаб очик майда тахлама ҳосил қилиш ҳам мумкин.

5.1.4. Кўкрак виточкини енг ўмизи чизигига кўчириш

Виточкини бошланиш нуқтаси (43-расм, г) чизмада кўрсатилгандек топилади. Енг ўмизи чизигида белгиланган нуқта кўкрак виточки учу билан бирлаштирилади. Шу чизик бўйлаб қирқма ҳосил қилинади. Кўкрак виточкини беркитилади ва янги виточка ҳолати очилади.

5.1.5. Кўкрак виточкини олд бўлак ўрта чизигига кўчириш

Кўчириладиган виточка чизиги белгиланади (43-расм, д). Биринчи чизик кўкрак виточка учидан, иккинчиси белдаги виточка учидан ўтади. Иккала чизик ҳам симметрия чизигига перпендикуляр ўтказилади. Белгиланган чизиклар бўйлаб қирқма ҳосил қилиб, кўкрак ва белдаги виточкалар беркитилади, янги виточка очилади. Ҳосил қилинган виточкалар одатда тикилмайди. Янги виточкаларнинг кенглиги ўрта чизик бўйлаб бурма ҳосил қилишга ёки майда тахламалар ҳосил қилишга кетади.

Кўкрак виточкини исталган чизикларга кўчириб моделлар ҳосил қилинади. Лекин кийим деталларини параллел ва конуссимон шаклларда кенгайтириш ҳисобига ҳам янги модел ҳосил қилиниши мумкин.

5.1.6. Деталларни параллел ва конуссимон кенгайтириш

Деталларни параллел кенгайтириш буюмнинг бутун узунаси бўйлаб тахламалар бўлган вақтда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун асос чизмасига тахлама ўтадиган чизиклар белгиланади. Бу чизиклар қирқилиб, тахлама сарфига сурилади. Агар тахлама бир томонлама

бўлса, иккита тахлама миқдорига, рўпара тахлама бўлса, тўртта тахлама миқдорига сурилади (44-расм, а).

Деталларни конуссимон кенгайтириш кийим размерларини ўзгартиришда ишлатилиши мумкин. Ёки бурмалар бўлса, бундай кенгайтириш усулидан фойдаланиш мумкин (44-расм, б).

Деталларни мураккаб усулда ҳам кенгайтириш мумкин. Бунда деталлар узунасига ҳамда кўндалангига кенгайтирилиши мумкин (44-расм, в).

5.2. Енглари техник моделлаш

Турли шаклдаги енглари лойиҳаси худди шундай бичимдаги енг лойиҳаси асосини техник моделлаш усули билан ҳосил қилинади. Юқорига ва этагига кенгайган (фонарик) енгни моделлаш қуйидагича бажарилади. Асос енг чизмаси қоғозга тушириб олинади. Унда ўрта чизик ўтказилади. Шу ўрта чизик бўйлаб 20-35 см енг узунлиги ўлчаб қўйилади. Шу ўрта чизик бўйлаб қирқма ҳосил қилинади. Енг икки бўлакка ажратилиб, модел бўйича 10-12 смга кенгайтирилади. Енгнинг бош қисми эгрилиги ўртасидан 1, 5-2, 5 см кўтарилиб тўғриланади. Енгнинг этак қисми ҳам худди шундай миқдорга туширилади ва енг этак эгри чизиғи яхшилаб ўтказилади (45-расм, а).

Этагига кенгайган енгни техник моделлаштиришда енг асосини қоғозга тушириб олинади. Енг ўрта чизиғи ўтказилади. Бу ўрта чизикда енг узунлиги 20-45 см қўйилади (45-расм, б) ва ўрта чизикқа параллел қилиб 3-7 та қирқим чизиклари ўтказилади. Ўтказилган чизиклардан қирқма ҳосил қилинади, бу қирқма енг боши эгрилигига 0, 3-0, 5 см етмасдан тўхтатилади. Ҳосил бўлган бўлаклар 3-6 смга очилади. Енгнинг этак қисми эгрилиги текис равон эгри чизик қилиб туташтирилади. Бундай енгнинг бўй ипи ўрта чизикда ёки унга нисбатан 45° бурчак остида тушиши керак. Юқорига кенгайган енгни моделлаш учун енг асосини ва ўрта чизикни қоғозга тушириб олинади. Ўрта чизикқа енг узунлиги 20-45 см қўйилади. Шу ўрта чизикқа параллел қилиб 2-6 та чизик ўтказилади ва енг боши эгри чизиғидан бошлаб енг этагига 0, 3-0, 5 см еткунча қирқиб борилади. Енг бўлаклари 3-6 смга очилади. Енгнинг юқори эгрилиги равон эгри чизик билан туташтирилади (45-расм, в). Бунда енг боши чизиғи 0,5-2,5 смга кўтарилади.

Енглари шакли, кўриниши, безаклари кийим фасонига, газламанинг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

5.3. Юбкани техник моделлаш

Замонавий юбкаларнинг шакли жуда турли-туман. Уларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булардан энг характерлиси: тўғри юбкалар, этак томони кенгайтирилган юбкалар, этак томони торайган юбкалар. Шу юбка турларининг ҳар қайсиси бирмунча фасон вариантларидан иборат бўлиши мумкин.

Тўғри юбкаларнинг бичими тўғри бурчакни эслатиши билан характерланади. Бундай юбкалар кесмали, тахламали симметрик ва ассиметрик, кокеткали, бурмали бўлиши, яъни юбканинг ҳам олд, ҳам орт бўлакларида вертикал ва горизонтал бўйлаб турли бўлакларга бўлиниши мумкин.

Одатда тўғри юбка ва унинг турли вариантлари гавда тузилиши келишган баланд бўйли аёлларга ёки қадди-қомати келишган бўксаси тор аёлларга тавсия этилади.

Этак томони кенгайтирилган юбкалар турли вертикал бўлакларга бўлиниши билан (тўрт бўлакли, олти бўлакли ва саккиз бўлакли, где, қуёш ва бошқалар) характерланади. Бундай юбкалар горизонтал бўлакларга бўлиниши ҳам мумкин. Этак томони кенгайтирилган юбкалар бели ингичка гавдада жуда яхши туради.

Этак томони торайтирилган «бочкасимон» юбкаларнинг бел чизиғи бўйлаб виточка ўрнига бурма қилинган бўлади.

Юбкаларнинг бундай гуруҳларга бўлиниши шартли бўлиб, улар ҳамма турларни қамраб ололмайди. Юбкаларнинг деярли ҳамма шакли тахламалар, чоклар жойланиши, қўйма бўлаклар, бейкалар, қўйма айлана бурмалар, бурмалар ва бошқалар қандайлигига қараб ўзгариши мумкин.

Ҳамма бичимдаги юбкаларнинг, уларнинг турлари ва вариантларининг лойиҳаси тўғри юбка лойиҳаси асосининг базасида техник моделлаш усули билан ишлаб чиқилади.

Юбка кўйлакнинг бир қисми бўлса, унинг лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги шартларни бажариш керак: юбка билан кўйлак кўкрак қисмининг бел чизиғи бўйлаб узунлиги бир хил бўлиши керак, виточкалар юбкада ва кўйлак кўкрак қисмида бир хил жойда бўлиши керак: юбканинг ён қирқимларини кўйлак кўкрак қисмининг ён қирқимларига тўғри келтирилади.

5.3.1. Этак томони кенгайтирилган юбка

Юбканинг этак томони белдаги виточкаларни этак чизигига кўчириш, тахламалар ҳосил қилиш, годе сингари жуда кўп усуллар билан кенгайтирилади. Виточкани белдан этак чизигига кўчириш йўли билан юбканинг этак томонини кенгайтириш энг кўп тарқалган усуллардан ҳисобланади (46-расм, а).

Тўғри юбканинг лойиҳа асосининг чизмасига олд ва орт бўлакларига виточкаларнинг охирги учидан, ҳамда ён чизик билан виточка оралиғида юбка этагигача қирқиладиган чизик ўтказилади, кейин шу чизик бўйлаб бел чизигига 0,3-0,5 см қолгунча қирқиб, белдаги виточка бекитилади, шу билан бир вақтда юбканинг этак чизиги бўйлаб суриб кенгайтирилади.

Бундай лойиҳадаги юбка бўкса қисмида гавдага ёпишиб, чиройли драпировкаланади. Бичишда юбканинг олд ва орт бўлак симметрия чизикларини газлама асос ипи бўйлаб ёки асос ипига 45° бурчак остида жойлаштирилади.

Этак томони кенгайтирилган юбканинг шундай йўл билан олинган лойиҳаси куёш юбка, «ёйсимон» юбка, бели бурма юбка ва этак томони бўйлаб кенгайтирилган юбкалар лойиҳасини тузишга асос бўлади.

Бу юбкаларнинг лойиҳасини ҳосил қилиш учун, юқорида айтиб ўтилган лойиҳа асосига қўшимча қирқиш чизиклари ўтказилади. Шу белги чизик бўйлаб қирқиб, ҳар қайси бўлакни унинг ён қирқими симметрия чизигига нисбатан тўғри бурчак остида бўлиб қолгунча соат мили йўналишида сурилади. (46-расм, а да пунктир чизик билан кўрсатилган.) Бел бўйлаб қўшимча бурма ҳосил қилиш учун бел чизигининг шаклини сақлаб туриб, лойиҳада белгиланган бўлакларни исталган миқдорда сурилади.

5.3.2. «Фантази» юбка

«Фантази» юбкаларда турли симметрик, асимметрик драпировкалар, қирқмалар, бурмалар бўлади; шунингдек, улар кўп қаватли ва бошқача ҳам бўлиши мумкин. Бундай юбкаларнинг лойиҳаси тегишли бичимли (тўғри, этак томони кенгайтирилган, годе, этак томони торайтирилган ва ҳоказо) юбка лойиҳаси асосида ишлаб чиқилади.

«Фантази» юбканинг кўпгина вариантларидан бирининг техник моделлаш тартиби 46-расм, б да кўрсатилган.

Асос чизмасида мураккаб шаклдаги қирқмалар чизиқлари, яъни фасон чизиқларининг жойланиши белгилаб олинади. Кейин бурма-драпировкалар ўрнининг белги чизиқлари ўтказилади.

Белдаги виточкаларни бекитиб, уларни қирқма ёки драпировка чизигига кўчирилади. Белгиланган драпировка чизиқлари бўйлаб ён чизиқда 0,3-0,5 см қолгунча қирқилади-да, ён қирқим чизигининг узунлигини сақлаб қолиб, суриб драпировка очилади. Ҳосил бўлган деталларни қоғозга тўғнағич билан тўғнаб бўрланади, драпировка ўрни белгиланади, янги андоза қирқиб олинади. Драпировка, тахламаларнинг йўналиши ҳамда чуқурлиги ва бошқалар ихтиёрий аниқланади.

Тайёр моделдаги драпировка ташқи кўриниши ва унинг эскизининг бир-бирига мослиги лойиҳасини тайёрлаган ишчининг тажрибасига боғлиқ. Шунинг учун олинган андозани олдин макет газламада текшириб кўриб, кейин моделни асосий газламадан бичишга ўтган маъқул.

6. Ўзбек миллий кийимлар тавсифи

6.1. Миллий кийимлар тарихидан маълумот

Ўзбекча кийимнинг кўп асрли бой тарихи бор. Унда халқимизнинг ўтмиши, иқлим шароитимиз, турмуш тарзимиз кўзгуда акс этгандек ифода топган. А. Македонский юришлари, мўғуллар босқинчилиги, Темурийлар юришлари ва хукмронлиги, ниҳоят, мустабидлик даври – буларнинг ҳаммаси кийимда ўз аксини топди.

Антик дунё даврида (милоддан аввалги IV асрдан милоднинг IV асригача) аёллар кўйлаги юнонча хитонга ўхшаш, лекин ўзига хос хусусиятлари бўлар эди: олд ва орт бўлаклар этагининг ён бурчаклари ўзаро бириктирилиб, бу фақат антик шарқ учунгина хос бўлган муайян драпировка кўриниши ҳосил бўлиб турарди. Аёлларга у пайтларда лозим кийиш одат эди. Бош кийим, сочни турмаклаш шакллари ҳар хил бўларди. Тиллақошлар, шокилалар, жеваклар, билакузуклар тақиларди.

Илк ўрта асрлар даврида (V-VIII асрлар) аёллар гавдага жуда ёпишиб турадиган тунукасимон бичимли кўйлак ва фақат чап томон қайтармали, кўндаланг тахламалар ичига киритиб кўйиладиган узун

енглари бор тунукасимон уст кийимда юришарди. Кийимни ёрқин гулли ва сернақш шойи газламалардан тикишар эди. Сочларини силлиқ тараб, чекка қисмини қулоқлар устидан уларга ёпиштириб ўтказиб, соч ўримиға қўшиб қўйишар, заргарлик буюмларидан жуда хилма-хил тақинчоқлар тақишар эди.

Кўйлак енглари кенг ва узун бўлиб, улар бармоқларни ҳам беркитиб турган.

Марказий Осиёни Россияга қўшилиши натижасида аёллар кўйлакларида тик ёқалар урф бўла бошлади.

XIX аср охириларида кўйлакда кокеткалар пайдо бўлди, яъни кўкрак бурма кўйлаklar кийиш одат тусига кирди ва ҳозирги кунгача бундай кўйлаklar кийилади.

1920 йилда ўзбек аёллар кийими янги замонга, янгича турмуш тарзига, замонавий модага мувофиқ ривожланишида давом этди.

Узуна яхлит, кокеткали анъанавий кўйлак миллий мансублик симболи бўлгани учунгина эмас, балки асосан халқ кийимида иқлим хусусиятларига, теvarак-атрофдаги табиатга ва турмуш тарзига тўғри келадиган рационал шакллар, бичимлар бир неча асрлардан бери сараланиб келгани учун сақланиб қолди. Аёллар кўйлагидаги ёрқин ранглар мутаносиблиги ўлкамиз табиатига монанд тушган бўлиб, шаклнинг бемалол тушиб туриши жазирама қуруқ иқлим шароитига мос келади (бунда кийим таги қатламидаги ҳавонинг вентилияцияси яхши).

Мода «шабадаси» аёлларнинг анъанавий кўйлагига ҳеч аямай замона ўзгаришларини киритиб боради.

Кокеткаларнинг узунлиги ва шакли (овал, тўғри тўртбурчак, бурчак), кўйлакдаги узунлик, шакл (тўғи тўртбурчак, трапециясимон) ва шакл ҳосил қилиш принциплари (бурмалар, тахламалар, плиссе, гофрэ, қия бичиқ, қуёш, қийиқ бўлаklar), енг узунлиги, шакли ва бичими (ўтқазма, реглан, яхлит бичилган) ўзгариб бормоқда; ёқа турларининг (инглизча классик, шолсимон, тик, қайтарма, яхлит бичилган ва ҳоказо) ва ёқа ўмизининг («у» - симон, овал, каре, «қайиқча» ва бошқалар) ниҳоятда кўп хилма хиллиги кўзга ташланади. Ишлатиладиган декоратив безак турлари ҳам турли-туман: кашта, қўйма бурма, кант ва бошқалар. Қизиқарли янгиликлардан бири – тахлама бурма сифатида кўйлак пастки томонининг юқори қирқимини озроқ-озроқ териб қўйилиши (47-расм).

Ишлатиладиган материаллар тури, улардаги ранг бойлиги ва нақшлар ечими бутунлай мода йўналишига қараб ҳал қилинади. Лекин анъанавий хонатлас ҳамиша бир хилда машҳур бўлиб келади. Унинг нақш мотиви ҳам замон, воқелик, давр таъсирида ўзгариб туради.

Хонатласдан тикилган кўйлақлар устида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ундаги раппортнинг катталиги, расмларининг аниқ-равшанлиги ва қатъийлиги бу кийимни кўп бўлақлардан тикишга имкон бермайди, унинг шакли аниқ, тўғри тўртбурчакка яқин бўлиши керак. Ранг тусларининг турлари ва нақшгул ечимлари бой бўлгани сабабли кўйлақ композициясига безак тарикасида бошқа материаллар, кашта гуллар (хатто люрекс-ялтироқ қопламали ингичка иплар) аралаштириш тавсия этилмайди. Хонатлас кўйлақларни моделлашга материал расмидан қизиқарли қилиб фойдаланиш, деталларнинг шакли аниқлиги мутаносиблиги ва ёқанинг хилма-хиллиги ҳисобига эришилади.

Лозим аёллар кийимининг ажралмас қисми бўлиб келган. Аёллар кийимининг бу тури милод бошларидаги хотин-қизлар тасвирида учрайди. Лозимнинг ҳам ўз тарихи бор. У шакл, ишлатиладиган материал, декори жиҳатидан ўзгариб турган бўлса ҳам, тескари трапециясимон бичимини сақлаб қолган. XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, кенглигини камайтириш мақсадида, лозим бичимини аёллар шими лойиҳасига яқинлаштириш бошланган. Лозимни кўйлақ билан бир хилда моделлаш керак, чунки улар гавданинг идрок этилишида бир бутунни ташкил этади. Бунда шакл жиҳатидан ҳам, мутаносиблик, ранг, ишлатиладиган материаллар ва декор жиҳатидан ҳам бир хиллилик бўлиши керак. Шунинг билан бирга газлама танлашда гигиеник талабларни ҳам ҳисобга олиш муҳим бўлади.

6.2. Аёллар ўзбекча кўйлагини техник моделлаш

Анъанавий миллий кўйлақ гавда қисми тўғри бичимли, кокетка чизиғи бўйлаб бурмали бўлади. Кокетка асосан кўйлақнинг гавда қисмига уланадиган чизиғи бўйлаб думалоқ бўлади. Олд томонда

кокетка бўлаклари бир-бирининг устига ўтиб туради. Ёқаси қирқма, ёқа ўмизи бўйлаб ўтқазма, қайтарма қисмининг шакли ҳар хил бўлади. Бундай кўйлакнинг лойиҳасини тузиш методларининг бой тарихи бўлиб, унда халқ анъаналари ҳисобга олинади. Мазкур қўлланмада миллий кўйлак лойиҳасини бели қирқма бўлмаган европача кўйлак лойиҳаси асосининг чизмасида тузиш варианты (48-рasm) таклиф этилган.

Олд ва орт бўлаklar чизмасида олдин виточкани бекитиб, типик кокетка чизиғи ўтказилади. Кокетка чизиғи орт бўлакда L нуқтасидан, олд булакда эса L_1 нуқтасида ўтказилгани маъқул.

Олд бўлакда кокетка чизиғи кўкракнинг юқори нуқтасидан 2,5-3 см юқорирокдан ўтиши керак, бу чизиқ аста-секин симметрия чизиғига тушиб, ундан 2,5-3 см га ўтади (кокетканинг бир-бири устига ўтиш кенглиги). Типик виточкани тўғнағич билан тўғнаб, белгиланган чизиқлар бўйлаб қирқилади. L_1 нуқта сурилиб янги ҳолат L_1' га ўтади. Шундай қилиб, кўкрак виточкаси кокетка чизиғига кўчирилади.

Орт бўлак елка виточкасини ўз ўрнида қолдириш мумкин. Лекин, баъзан газлама гули бузилмаслиги учун орт бўлак кокетка деталининг елка виточкасини ҳам кокетка чизиғига кўчириш мумкин. Бунинг учун елка виточка учидан кокетка чизиғигача вертикал чизиқ ўтказилади. Шу белги чизиқ бўйлаб кокетка қирқилади. Елкадаги виточка тўғнағич билан тўғналади-да, бу виточка кокетка чизиғига ва вертикал қирқилган жойга кўчирилади. Ҳосил қилган андоза контурлари бўйлаб, орт бўлак кокеткасининг шакли олинади.

Шундай қилиб, олд бўлакдаги кокетка чизиғи - L_1' 1, олд бўлакнинг гавда қисмини кокеткага улаш чизиғи - L_1 1; орт бўлакнинг кокетка чизиғи - L' 2, орт бўлакнинг гавда қисмини кокеткага улаш қисми L_2 бўлади. Кокеткага улаш чизиғи бўйлаб газламадан бурма ҳосил қилишга мўлжаллаб, кўйлакнинг ҳам олд, ҳам орт бўлак гавда қисми кенгайтириш кўйими исталганча, ихтиёрий олинади. Бунинг учун олд ва орт бўлаklar симметрия чизиқларини гавда қисмини кенгайтирмоқчи бўлган микдорга сурилади:

$$22' = KK' = БлБл' = ЭЭ' = Бл_1Бл' = Бк_1Бк_1' = Э_1Э_1' = 10 \text{ см}$$

Кўйлак гавда қисмининг минимал кенгайтирилиши 10 см га тенг бўлади.

Агар бу кенгайтириш етарли бўлмаса, олд ва орт бўлаklar

қўшимча сурилади. Бунинг учун суриш чизиғи белгилаб олинади. Бу чизиқлар орт бўлакда белдаги виточка марказидан, олд бўлакда эса белдаги иккала виточка марказидан вертикал ўтказилади. Олд ва орт бўлаклари белги чизиқлар бўйлаб қирқиб, ҳамма бўлакларни горизонтал бўйлаб орт бўлакни ўнг томонга, олд бўлакни чап томонга сурилади. Ён қирқимлар – $K_4Э_2$ вертикал йўналишда белгиланади. Олд ва орт бўлакларнинг қўшимча сурилиш кенглиги ихтиёрий бўлади. Олд ва орт бўлаклар узил-кесил сурилиб бўлгандан кейин уларнинг юқори қирқимлари шакли чизилади.

Аёлларнинг анъанавий ўзбекча кўйлагига, ҳозирги пайтда маълум ўзгаришлар бўлмоқда, яъни кўйлак гавда қисмининг бичими, ҳажми ва узунлиги қисқармоқда. Кокетка, ёқа, енгларнинг катта-кичиклигига ва шаклига кўпгина омиллар, шу жумладан мода ҳам таъсир этмоқда.

Ҳозирги ўзбекча кўйлакда турли безаклар, кўйма бурмалар, айлана бурмалар, плиссе ва ҳоказолар ишлатилади. Бу эса кўйлакларнинг гавда қисми билан кокетканинг лойиҳаси бир хил бўлса ҳам уларнинг ташқи кўринишини ўзгартиради.

6.3. Аёллар нимчасини техник моделлаш

Аёллар нимчасини пахта, шойи, жун ва сунъий толали газламалардан тикилиши мумкин. Улар узун – бўкса чизиғидан пастга тушган ёки калта – бел чизиғигача бўлиши, бўйин ўйиндиси V – шаклда ёки овал шаклда, ёқали ёки ёқасиз, бир ёки икки ёқламали тақилмали, қирқма ёки ёпиштира чўнтакли ҳолларда учраши мумкин. Нимчалар астарли ёки астарсиз қилиб тикилади. Астарли нимчаларнинг астари нимча андазасининг устки бўлакларига мос ҳолда бичилади.

49-расмда аёллар нимчасини моделлаш усули кўрсатиб берилган. Бунинг учун овропача кўйлак асоси чизмасининг олд ва орт бўлакларини бўкса чизиғигача, ҳамда ҳамма вертикал ва горизонтал чизиқларигача тушириб олинади.

Бел чизиғидан 5-8 см тушириб нимчанинг узунлиги аниқлаб олинади. Орт бўлакда қуйидагича ўзгаришлар бўлади: бўйин ўйиндиси 2-3 см кенгайтирилади, 1-2 см эса чуқурлаштирилади. Бу нуқталар, яъни 2-3см ва 1-2см нуқталар равон эгри чизиқ билан туташтирилади. Бўйин ўйиндиси чуқурлиги нуқтасидан 6-10 см кокетка узунлиги ўрта чизиқ бўйлаб қўйилади. Шу нуқтадан ўрта

чизикқа перпендикуляр ўтказилиб, энг ўмизи билан кесишгунча давом эттирилади. Шу чизикнинг ҳолати сақланганича елка виточкиси ёпилади. Унинг ёпилиш қийматини 1,5-2 см ни эса энг ўмизи бўйлаб пастга қўйилади. 1, 5-2 см нуқтани кокетка чизиғининг ўрта билан равон эгри чизик қилиб туташтирилади. Орт бўлак бел виточкиси учи кокетка чизиғи билан кесишгунча давом эттирилиб, орт бўлакни деталларга ажратилади. Энг ўмизини 2-4 см га чуқурлаштирилади ва 1,5-2см нуқта билан равон эгри чизикда туташтирилади.

Сўнгра орт бўлак деталларига сонлар қўйиб чиқилади:

I – орт бўлак кокеткаси;

II – орт бўлакнинг ўрта қисми;

III – орт бўлакнинг ён қисми.

Олд бўлак қуйидагича моделлаштирилади. Бўйин ўйиндиси 2-3 см кенгайтирилади, 12-16 см га чуқурлаштирилади. Ўрта чизик бўйича 2-3 см қийматда ўтим ҳақи қўйилади. Елка чизиғидаги 2-3 см нуқта 12-16 см нуқта билан туташтирилиб, ўтим ҳақи билан кесишгунча давом эттирилади. Бу чизикнинг ўртасидан перпендикулярда 1-3 см қўйилади. 2-3 см; 1-3 см; 2-3 см нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.

Энг ўмизи чизиғининг елка нуқтадан, бўйин нуқтадан елка чизиғига параллел қилиб 6-8 см пастда кокетка чизиғи белгиланади. Ён чокда энг ўмизини 2-4 см га чуқурлаштирилади ва 6-8см нуқта билан равон эгри чизикда туташтирилади.

Олд бўлакда рельеф чизиғи ўтказилади. Бунинг учун кўкрак виточкиси учини 1-2 см га чап томонга сурилади, ҳосил бўлган нуқтани бел виточкисининг учи билан туташтирилади ва кокетканинг ўртаси топилган нуқта билан кесишгунча давом эттирилади.

Бел чизиғдан 5-8 см га тушиб, виточка томонлари бўйлаб эса 10-12 см тушиб, нимчанинг этак қисми эгри чизиғи чизилади.

Сўнгра олд бўлак деталларига сонлар қўйиб чиқилади.

IV – олд бўлак кокеткаси;

V – олд бўлакнинг ўрта қисми;

VI – олд бўлакнинг ён қисми.

6. 4. Ўзбекча миллий лозимни лойиҳалаш

Лозим аёллар кийимининг ажралмас қисми бўлиб келган. Аёллар кийимининг бу тури милод бошларидаги хотин-қизлар тасвирида

учрайди. Лозимни ҳам ўз тарихи бор. У шакл, ишлатиладиган материали, декори жиҳатидан ўзгариб турган бўлса ҳам, асл халқ бичимини сақлаб қолган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кенглигини камайтириш мақсадида лозим бичимини аёллар шими лойиҳасига яқинлаштириш бошланган. Лозимни кўйлак билан бир хилда моделлаш керак, чунки улар гавданинг идрок этилишида бир бутунни ташкил этади. Бунда шакл жиҳатидан ҳам, ранг, ишлатиладиган газламалар ва беаги жиҳатидан ҳам хиллилик бўлиши керак. Шунинг билан бирга газлама танлашда гигиеник талабларни ҳам ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Лозим чизмасини тайёрлаш учун қуйидаги ўлчовлар керак бўлади.

$$\text{БЛ} \cdot \text{А} = 38 \text{ см}$$

$$\text{Бк} \cdot \text{А} = 52 \text{ см}$$

$$\text{ЛУ} = 90 \text{ см}$$

$$\text{ПК} = 20 \text{ см.}$$

$$\text{ҚБк} = 4-6 \text{ см.}$$

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчакка Бл нукта қўйилади. (50-расм).
2. $\text{БлП} = \text{ЛУ} = 90 \text{ см}$ (лозим узунлиги).
3. $\text{БлК} = \text{БкА} : 2 + (10-11) = 52 : 2 + (10-11) = 36 \text{ см}$ (қадам чизиги оралиғи).
4. Бл, К, П нукталардан ўнг томонга горизонтал чизиклар ўтказилади.
5. $\text{БлБ}_1 = \text{БкА} : 2 + \text{ҚБк} = 52 : 2 + (4-6) = 30 \text{ см}$ (лозим кенглиги).
6. $\text{ҚК}_1 = \text{ББ}_1 = 30 \text{ см}$ (қадам чизигидаги кенглик).
7. $\text{К}_1\text{К}_2 = \text{БкА} : 4 - 2 = 52 : 4 - 2 = 11 \text{ см}$ (оғ қисми кенглиги).
8. $\text{К}_1\text{К}_3 = \text{К}_1\text{К}_2 = 11 \text{ см}$ (ёрдамчи нукта).
9. $\text{К}_1\text{К}_4$ 4-8 см ($\text{К}_3\text{К}_1\text{К}_2$ бурчак биссектриссаси).
10. $\text{К}_3, \text{К}_4, \text{К}_2$ нукталар равон эгри чизик билан $\text{Бл}_1, \text{К}_3$ нукталар тўғри чизик билан туташтирилади ва юқорига давом эттирилади.
11. $\text{ПП}_1 = \text{ПК} = 20 \text{ см.}$
12. П_1 нукта К_2 нукта билан чизғич ёрдамида туташтирилади, ўртасидан ўтказилган перпендикулярда 1,5 см қўйилади.
13. $\text{ПП}_2 = 1,5 \text{ см}$ (поча қисмининг кўтарилиши).
14. $\text{К}_2, 1,5-2 \text{ см}, \text{П}_1$ нукталар ва $\text{П}_2, \text{П}_1$ нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
15. $\text{Бл}_1, \text{Бл}_2 = \text{БкА} : 10 - 1 = 52 : 10 - 1 = 4,2 \text{ см}$ (орқа бўлак чизигининг кўтарилиш нуктаси).
16. $\text{Бл}_1, \text{Бл}_2$ нуктани чизғич ёрдамида туташтирилади, ўртасини топиб

перпендикулярда 1,5 см қўйилади.
17.Бл₁, 1,5 см, Бл₂ нукталар равон туташтирилади.

7. Болалар кийими

Болалар кийимининг асосий талаблари: оддийлик ва гўзаллик ҳисобланади. Кийимни лойиҳалаш жараёнида боланинг ёши, кийимни кийиш шарт-шароитлари, газламанинг хусусиятларини эътиборга олиш керак. Болалар гавдасининг мутаносиблиги катталар гавдаси мутаносиблигидан фарқ қилади, шунинг учун болалар кийимининг фасонлари катталарникини такрорламаслиги керак. Ясли ва боғча ёшдаги қиз болалар кўйлаклари асосан елкадан бошланадиган оддийроқ кўйлак, сарафанлар ҳисобланади. Уларда бурмалар, кокеткалар, кокетка остидан майда тахлама ёки бурмалар бўлиши мумкин. Мактаб ёшидаги қизлар кўйлаклари эса кўп ҳолларда бел қисмидан ажралган, этак қисмига кенгайган бўлади.

Боланинг ёшига қараб газлама танланади. Ясли ва боғча ёшидаги қизлар учун, яъни кўпроқ турли ўйинлар билан машғул бўладиган қизлар учун, енгил, қиммат бўлмаган, ёрқин рангли газламалар ишлатиб, уларнинг гуллари ҳар хил, яъни майда гулли, майда катаklar, ҳайвончалар расмлари бўлган газламалар бўлиши мумкин. Уларда кант, сутаж выюнчик, тесмалардан безак сифатида фойдаланилади.

Мактаб ёшдаги қизларнинг кийимларида йирик катак, йўл-йўлли, йирик ва майда гулли, ноаниқ гулли газламалар ишлатилади. Кийимнинг беаги газлама рангига, кийим вазифасига қараб танланади. Тўр, волан, рюш, бурмалар, кашта тахлама, майда чимдиб олиш, ёқалар, чўнтаklar, тугма, камар, манжетлардан фойдаланиб кийимни беаш мумкин.

Ўғил болалар кийимлари ҳам қулай ва чиройли бўлиши керак. Ясли ва боғча ёшидаги болаларга кўпинча оддий бичимдаги костюмчиклар, шимлар, шортиklar, комбинизонлар тикиш мумкин.

Пахта, шойи толали, пахмоқ, чий духоба, арзон жун толали газламалар тавсия қилинади.

Мактаб ёшидаги болалар учун шим, турли фасондаги кўйлаklar: кокеткали, кокеткасиз, ёқали, планкали кийимлар кийиш тавсия қилинади. Болалар гавдасининг тузилиши ва ёшига қараб 5 гуруҳга бўлиниши мумкин. (жадвал 3).

Болалар кийимларининг синфланиши

К/к	Гуруҳ	Боланинг ёши	Буюм размери
1.	Ясли ёшидагилар	0.5-2.5	22, 24, 26
2.	Боғча ёшидагилар	2.5-5.5	28-30
3.	Кичик мактаб ёшидагилар	5.5-11.5	32-36
4.	Катта мактаб ёшидагилар	11.5-14	38-42
5.	Ўсмирлар	14-17.5	44-46

7.1. Чақалоқлар кийими

Чақалоқлар кийими (кундузи ва кечаси киядиган кўйлак – распашонка, пайпоқ-иштон – ползунки, қалпоқча – чепчик ва бошқалар) енгил, қулай, ҳавони яхши ўтказадиган, иссиқ тутадиган, гигроскопик бўлиши керак. Ички кийим боланинг эркин нафас олишига, баданда қоннинг ҳаракатланишига ҳалақит бермайдиган бўлиши лозим. Чақалоқлар кийимларини мумкин қадар камроқ чок солиб тикиш керак. Улар кундузги распашонкасининг ё олди, ё орқаси очик бўлади. Бу распашонкаларга мутлақо тугма қадалмайди, унинг олд бўлаклари бир-бири билан тасма ёки ленталар билан боғланади.

Болалар кийими кундузги ёки кечаси кийилишига, мавсумга ҳамда боланинг ёшига қараб турли газламалардан (батист, пахмоқ газлама, бумазея, сурп ва шу каби майин газламалардан) тикилади. Бундай газламалар асосан очик рангларда (кўп ҳолларда оқ рангда), гуллари майда бўлгани маъқул.

7.1.1. Чақалоқлар кўйлакчаси – распашонкани лойиҳалаш (51-расм, а)

Чизмани лойиҳалаш вақтида қуйидаги жадвалдан фойдаланиш керак.

Распашонканинг тахминий ўлчовлари (см).

Чизмани лойиҳалаш учун қуйидаги ўлчовлар олинад:

1. Распашонканинг узунлиги – 26 см – КУ.
2. Распашонканинг кенглиги – 28 см – КК.

Боланинг ёши	Распашонка узунлиги	Распашонка кенглиги
1-2 ойлик	24	26
2-6 ойлик	26	28
6 ойликдан 1 ёшгача	28	30

Кўйлак чизмаси

1. Тўғри бурчак чизишиб, бурчагига Бн нукта қўйилади.
2. $БнБн_1 = КК:2 = 28:2 = 14$ см (кўйлак кенглиги).
3. $БнЭ = КУ = 26$ см (кўйлакнинг этак чизигини белгилаш).
4. Бн, Бн₁, Э, Э₁ нуқталардан ўтказиб тўғри тўртбурчак чизилади.
5. $БнБн_2 = 4$ см (бўйин ўмизи кенглиги, барча размерлар учун доимий қиймат).
6. $БнБн_3 = 1$ см (орқа бўйин ўмизи чуқурлиги, барча размерлар учун доимий қиймат).
7. Бн₃, Бн₂ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади ва орқа бўйин ўмизи эгрилиги ҳосил бўлади.
8. $БнБн_4 = 5$ см (олд бўйин ўмизи чуқурлиги, барча размерлар учун доимий қиймат).
9. Бн₄, Бн₂ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади ва олд бўйин ўмизи эгрилиги ҳосил бўлади.
10. $Бн_1Бн_5 = 8-10$ см (енг узунлиги).
11. $Бн_5К = 10-12$ см (енг кенглиги).
12. К нуқтадан ўнг томонга горизонтал чизик ўтказилади ва Бн₁Э₁ чизик билан кесишган нуқтага К₁ нукта қўйилади.
13. $КК_2 = 1$ см (ёрдамчи нукта, юқорига қўйилади).
14. $К_1К_3 = 2$ см (ёрдамчи нукта, ўнгга қўйилади).
15. $К_1К_4 = 3$ см (ёрдамчи нукта, пастга қўйилади).
16. $Э_1Э_2 = 2$ см (ён этак қисмининг кенгайиши, доимий қиймат).
17. К₂, К₃ ва К₄, Э₂ нуқталар чизгич ёрдамида туташтирилади.
18. К₃, К₄ нуқталар эса равон эгри чизиклар билан туташтирилади.

7.1.2. Болалар қалпоқчасини лойиҳалаш (51-расм, б)

Чизмани лойиҳалаш учун қуйидаги ўлчовлар керак бўлади:

1. $ҚУ = 20$ см, қалпоқча узунлиги (пешананинг ўртасидан бўйин умуртқасигача бўлган оралиқ ўлчанади).
2. $БшЯА = 18$ см, бошнинг пешана устидан ўлчанадиган ярим айланаси.

Қалпоқчани орқа қисмини лойиҳалаш

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчагига А нукта қўйилади.
2. $AB = AG = БшЯА:2+3 = 12$ см (қалпоқча томонлари, 3 см ҳамма размерлар учун бир хил).
3. А, В, Г, С нукталардан квадрат ҳосил қилиб чизилади.
4. Квадратнинг ҳамма томонлари иккига бўлиниб, 1, 2, 3, 4 нукталар билан белгиланади, яъни $AB:2 = 12:2 = 6$ см.
5. Бурчак А ва В нукталардан биссектрисса чиқазиб, унга 2 см қўйилади ва мос равишда 5, 6 нукталар билан белгиланади.
6. $Г7 = 2$ см (ўнг томонга), $С8 = 2$ см (чап томонга) ёрдамчи нукталар белгиланади, яъни энса қисмининг кенглиги ҳосил қилинади.
7. 7, 4, 5, 1, 6, 2, 8 нукталар равои айлана эгри чизик билан туташтирилади.
8. $33' = 0,5$ см (энса қисмининг кўтарилиши, доимий қиймат).
9. 7, 3', 8 нукталар равои эгри чизик билан туташтирилади.

Қалпоқчанинг ён қисми

10. Тўғри бурчак чизилиб, унинг бурчаги А нукта билан белгиланади.
11. $AB = 18$ см (қалпоқча тепа қисмининг ўлчанган узунлиги).
12. $AG = БшЯА:2 = 9$ см (қалпоқча кенглиги).
13. АВГД тўғри тўртбурчак чизиб олинади.
14. $AA_1 = AB:2 = 18:2 = 9$ см (ёрдамчи нукта).
15. А бурчакдан биссектрисса чиқазилиб унга 1 см қўйилади ва 1 нукта билан белгиланади.
16. $Г2 = 1$ см (ёрдамчи нукта).
17. Д, 2, 1, A_1 нукталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

7.2. Мактабгача ёшдаги қиз болалар кўйлагини лойиҳалаш

Кўйлакни лойихалаш учун гавдадан олинган қуйидаги ўлчовлар керак бўлади.

$$\text{БнЯА} = 14 \text{ см}$$

$$\text{КЯА} = 30 \text{ см}$$

$$\text{ЕлК} = 8,5 \text{ см}$$

$$\text{ОрК} = 12,5$$

$$\text{ОлК} = 11 \text{ см}$$

$$\text{КМ} = 6,5 \text{ см}$$

$$\text{КУ} = 45 \text{ см}$$

$$\text{ЕУ} = 38 \text{ см}$$

$$\text{ЕлА} = 18 \text{ см}$$

$$\text{ЕўЧ} = 14,5 \text{ см}$$

$$\text{ЕлҚ} = 20 \text{ см}$$

$$\text{ОрбУ} = 28 \text{ см}$$

$$\text{ОлбУ} = 27 \text{ см}$$

Қўшимчалар:

ҚК = 6 см, бу қўшимча қуйидагича тақсимланади:

$$\text{ҚОрК} = 1,5 \text{ см}$$

$$\text{ҚОлК} = 1 \text{ см}$$

$$\text{ҚЕн.ўмизи} = 3,5 \text{ см}$$

$$\text{ҚЕўЧ} = 1,5-2 \text{ см}$$

$$\text{ҚЕл} = 5-6 \text{ см.}$$

7.2.1. Кўйлакнинг тўр қисми (52-расм)

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчагига Бн нуқта қўйилади.
2. $\text{БнБл} = \text{ОрбУ} = 28 \text{ см}$ (бел чизигини аниқлаш).
3. $\text{БнК} = \text{ЕўЧ} + \text{ҚЕўЧ} = 14,5 + (1,5 - 2) = 16,5$ (кўкрак чизигини белгилаш).
4. $\text{БнЭ} = \text{КУ} = 45 \text{ см}$ (этак чизигини белгилаш).
5. Бн, К, Бл, Э нуқталардан ўнг томонга горизонтал чизик ўтказилади.
6. $\text{КК}_1 = \text{КЯА} + \text{ҚК} = 30 + 6 = 36 \text{ см}$ (кўйлак кенглиги).
7. К_1 нуқтадан пастга вертикал чизик ўтказилади ва бел, этак чизиклари билан кесишган нуқталар Бл_1 , Э_1 билан белгиланади.
8. $\text{Бл}_1\text{Бн}_1 = \text{ОлбУ} = 27 \text{ см}$ (олд бўлакда бўйин чизигининг ўрни).
9. Бн_1 нуқтадан чап томонга горизонтал чизик чизилади.
10. $\text{КК}_2 = \text{ОрК} + \text{ҚОрК} = 12,5 + 1,5 = 14 \text{ см}$ (орқа кенглигини белгиловчи чизик)
11. $\text{К}_2\text{К}_3 = \text{ЕлА} : 3 + \text{ҚЕн.ўмизи} = 18 : 3 + 3,5 = 9 \text{ см}$ (енг ўмизи кенглиги).
12. $\text{К}_2, \text{К}_3$ нуқталардан бўйин чизиги билан кесишгунча давом эттирилади ва кесишган нуқталарни мос равишда а, а₁ билан белгиланади.

13. $K_3K_1 = \text{ОлК} + \text{ҚОлК} = 11 + 1,5 = 12,5$ см (олд кенглигини белгиловчи чизик).
14. $K_2K_4 = K_2K_3 : 2 = 9 : 2 = 4,5$ см (ён чизик).
15. K_4 нуктадан пастга вертикал чизик ўтказилади ва бел, этак чизиклари билан кесишган нукталарни мос равишда Бл_2 , Э_2 билан белгиланади.

7.2.2. Кўйлакнинг орт бўлаги (52-расм).

16. $\text{БнБн}_2 = \text{БнЯА} : 3 + 1 = 14 : 3 + 1 = 5,5$ см (бўйин ўмизи кенглиги).
17. $\text{БнБн}_3 = \text{БнБн}_2 : 3 = 5,5 : 3 = 2$ см (бўйин ўмизи чуқурлиги).
18. Бн_2 , Бн_3 нукта равон эгри чизик билан туташтирилади.
19. $\text{БлЕ} = \text{ЕлК} = 28$ см (елка чизигини аниқлаш нуктаси).
20. Е ва Бн_2 нукталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
21. $\text{Бн}_2\text{Е}_1 = \text{ЕлК} + 1,5 = 8,5 + 1,5 = 10$ см (елка кенглиги).
22. $\text{Бн}_2\text{в} = 3$ см (виточкага бўлган оралик).
23. в нуктадан ўрта чизикқа 4-6 см параллел чизик ўтказилади ва в_1 нукта билан белгиланади.
 $\text{вв}_1 = 4-6$ см (виточка узунлиги).
24. $\text{вв}_2 = 1,5$ см (виточка чуқурлиги).
25. $\text{вв}_1 = \text{в}_1\text{в}_2 = 4-6$ см (виточка томонлари).
26. в_2 , Е_1 нукталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
27. $\text{К}_2\text{б} = \text{К}_2\text{Е} : 2$ (ёрдамчи нукталар, чизмадан олинади).
28. $\text{К}_2\text{О} = 2,5$ см ($\text{бК}_2\text{К}_4$ тўғри бурчак биссектриссаси).
29. Е_1 , б , О , К_4 нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
30. $\text{Бл}_2\text{Бл}_3 = 1$ см (бел чизигининг кенгайиши).
31. К_4 , Бл_3 нукталар чизғич ёрдамида туташтирилиб, этак қисмигача давом эттирилади ва Э_3 нукта қўйилади.
32. $\text{К}_4\text{Э}_{31} = \text{К}_4\text{Э}_2$ (ён томон узунлиги, чизмадан олинади).
33. Э , Э_2 , Э_{31} нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади.

7.2.3. Кўйлакнинг олд бўлаги (52-расм)

34. $\text{Бн}_1\text{Бн}_4 = 1$ см (Бн_1 нуктадан чап томонда белгиланади).
35. Бн_4 , К_1 нукталар чизғич ёрдамида туташтирилади ва этагидан 1 см пастга тушгунча давом эттирилади, Э_4 нукта қўйилади.
36. $\text{Бн}_4\text{Бн}_5 = \text{Бн}_4\text{Бн}_6 = \text{БнБн}_2 = 5,5$ см (бўйин ўмизи кенглиги ва чуқурлиги).

37. B_5, B_6 нуқталар туташтирилиб, ўртасидан чап томонга перпендикуляр ўтказилиб, унда 1,5 см қўйилади.
38. $B_5, 1,5$ см, B_6 нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
39. $a_1E_2 = 2-4$ см (елка чизигини аниқлаш нуқтаси).
40. E_2, B_5 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
41. $B_5E_3 = \text{ЕлК} = 8,5$ см (елка кенглиги).
42. $K_3b_1 = K_3a_1:4$ (ёрдамчи нуқта).
43. b_1, E_3 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилиб, ўртасидан юқорига ўтказилган перпендикулярда 0,5-1 см қўйилади.
44. $K_3O_1 = 2$ см (b_1, K_3, K_4 бурчак биссектриссаси).
45. $E_3, 0,5-1$ см, b_1, O_1, K_4 нуқталар равон эгри билан туташтирилади.
46. $Bl_2Bl_4 = 1$ см (чап томонга бел чизиги кенгаяди).
47. K_4, Bl_4 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилиб, этак чизигигача давом эттирилади ва кесишиш нуқтаси $\mathcal{E}_5$ билан белгиланади.
48. $K_4\mathcal{E}_{51} = K_4\mathcal{E}_2$ (ён томон узунлиги чизмадан олинади).
49. $\mathcal{E}_{51}, \mathcal{E}_2, \mathcal{E}_4$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.

7.2.4. Ўтказма енг чизмаси (53-расм)

$$EY = 38 \text{ см}$$

$$\text{ЕлА} = 18 \text{ см}$$

$$TY = 19,5 \text{ см}$$

$$QE\text{А} = 5-6 \text{ см.}$$

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчакни А нуқта билан белгиланади.
2. $A\mathcal{E} = EY = 38$ см (енг узунлиги).
3. 52-расмдаги олд ва орт бўлак елка нуқталари, яъни E_1 ва E_3 ўзаро туташтирилади, иккига бўлиниб, Х нуқта билан белгиланади, уни ён чизикдаги K_4 билан туташтирилади.
4. $AO = K_4X - (1,5-2) = 12,5 - (1,5-2) = 10,5$ см (енг боши баландлиги).
5. $AT = TY = 19,5$ см (тирсаккача бўлган узунлик).
6. А, О, Т, Э нуқталардан горизонтал чизиклар ўтказилади.
7. $AA_1 = \text{ЕлА} + QE\text{А} = 18 + (5-6) = 24$ см.
8. A_1 нуқтадан пастга вертикал чизик ўтказилади ва енг боши баландлиги билан кесишган нуқта O_1 , тирсак чизиги билан кесишган нуқта T_1 этаги билан кесишган нуқталар $\mathcal{E}_1$ билан белгиланади.
9. $Aa = AA_1:2 = 24:2 = 12$ см (енг ўртаси).

10. $Aa_1 = A_1a_2 = Aa:2 = 12:2 = 6$ см (ёрдамчи нуқталар).
11. a_1 , a , a_2 нуқталардан пастга этак қисми билан кесишгунча вертикал чизиклар ўтказилади ва $\mathcal{E}_2$, $\mathcal{E}_3$, $\mathcal{E}_4$ нуқталар билан белгиланади.
12. O , O_1 нуқталар a нуқта билан туташтирилади, O_2 , O_3 нуқталар ҳосил бўлади.
13. O_2O_1 чизикнинг ўртасидан перпендикуляр пастга туширилиб, унда 1,5 см қўйилади.
14. aO_2 чизикнинг ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказилиб, унда 1,5 см қўйилади.
15. aO_3 чизикнинг ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказилиб, унда 1,5 см қўйилади.
16. OO_3 чизик уч бўлакка бўлиниб, пастки биринчи қисмида пастга перпендикуляр ўтказилиб, унда 0,5 см қўйилади.
17. O_3 нуқтадан юқорига 1 см қиймат қўйилади.
18. O , 0,5 см, 11, 1 см, 1,5 см, a , 1,5 см, O_2 , 1,5 см, O нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади, яъни энг боши эгри чизиғи ҳосил бўлади.
19. $\mathcal{E}_4\mathcal{E}_5 = 1$ см (олд этак қисмининг кўтарилиши).
20. $\mathcal{E}_2\mathcal{E}_6 = 1$ см (орқа этак қисмининг тушиши).
21. $\mathcal{E}$, $\mathcal{E}_6$, $\mathcal{E}_3$, $\mathcal{E}_5$, $\mathcal{E}_1$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.

7.3. Мактабгача ёшдаги қиз болалар кўйлагини моделлаштириш (54-расм)

Кўйлак этак қисмига кенгайган, энги фонарик, бўйин ўмизи бўйлаб ётадиган ёқа ва тақилмаси кўйлакнинг орқа бўлагига жойлашган. Кўйлакда айлана шаклда кокеткалар бор бўлиб, кўйлакни пахта толали газламалардан тикиш керак.

Модел чизиклари қуйидагича киритилади. Кўйлак олд ва орт асоси қоғозга тушириб олинади. Олд ва орт бўлак ўрта чизикларидан кокетканинг узунлиги белгилаб олинади. Унинг узунлигини кўп ҳолларда елка узунлигига тенглаштирилади. Елка нуқталаридан пастга энг ўмизи бўйлаб 3-4 см қўйилади ва кокетканинг пастки қирқими равон эгри чизик билан туташтирилади. Олд ва орт бўлакдаги кокетканинг пастки чизиклари 4 бўлакка бўлинади. Бу нуқталар орқали кўйлакнинг этак чизиғи билан кесишгунча чизиклар

ўтказилади. Бу кесиш чизиғи ҳисобланади. Кокетка қисми қирқиб олинади. Шу чизиқлар орқали этак қисми кокетка чизиғига 0,1-0,3 см етмасдан қирқилади ва ҳар бир бўлак ораси 4-6 см га кенгайтирилади.

Енгни ва ёқаларни ҳосил қилиш аввалги мавзуларда кўриб чиқилган.

Моделлаштириш натижасида қуйидаги деталлар ҳосил бўлди:

- 1 – орт этак қисми;
- 2 – олд этак қисми;
- 3 – кўйлакнинг енг;
- 4 – орт бўлак кокеткаси;
- 5 – олд бўлак кокеткаси;
- 6 – кўйлак ёқаси.

8. Кийимда безак элементларини моделлаштириш

Безаклар кийимни безаш учун ишлатилади. Безакларнинг турли туман хиллари мавжуд. Безак сифатида кўпроқ фурнитуралардан (тугмалар, пистон, замок, илгак ва ҳоказолар), ҳамда безак газламалардан (тасма, тўр, лента ва ҳоказо) фойдаланилади. Безакнинг чиройли турларидан бири кашта, аппликация ҳисобланади. Безакларни кўпроқ асосий ёки безак газламалардан фойдаланиб ишланади. Буларга: бурмалар, рюш, воланлар, адиплар, майда тахламалар, чўнтаклар, елкабандлар киради.

Газлама рангида ёки контраст рангда берилган безак баҳя қатор ҳам кийимни безатади.

Рюш

Рюш лентасимон газлама беағи бўлиб, унинг ўртасидан йиғилади. Рюш 45° бурчак остида бичилади. Рюш газлама рангида ёки бошқа рангларда бўлиши мумкин.

Рюш сифатида ленталар ва тўрлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Рюшнинг узунлиги рюш тикиладиган жой узунлигидан 1,5-2 баравар узун бўлади. Рюшнинг кенглиги 3,5-4 см бўлади. Рюшнинг иккала қирқимиға ишлов берилади (55-расм, а).

Бурмалар

Бурмалар лентасимон газлама беағи бўлиб унинг бир четидан йиғилади. Бурманинг бир томони буюмға тикилса, иккинчи томонига ишлов берилади. Бурмалар кенглиги 15 мм дан – 30 см гача

бўлади. Бурманинг узунлиги тикиладиган жой узунлигидан 1,5-2 баравар узун бўлади (55-расм, б).

Воланлар

Воланлар бурмаларга ўхшаб кетади, лекин улар битта чизик бўйлаб бичилмайди, балки айлана бўйлаб бичилади. Воланнинг бир томони бўйлаб буюмга тикилса, иккинчи томонига ишлов берилади.

Воланни бичиш кетма-кетлиги қуйидагича:

1. Волан тикиладиган жойнинг узунлиги ўлчанади.
2. Айлана радиуси топилади.

$$R = \frac{\text{тикиладиган жой узунлиги}}{6(\text{доимий киймат})}$$

3. Топилган радиусда айлана чизилади.
4. Радиусни волан кенглигига ошириб, иккинчи марта айлана чизилади.
5. Волан қирқилади (55-расм, в).

Воланни спирал шаклда ҳам бичиш мумкин. У қуйидаги тартибда бажарилади:

1. 2-3 см тенг бўлган радиусда айлана чизилади.
2. Айланага волан кенглигидаги перпендикуляр ўтказилади (масалан 5 см).
3. Перпендикуляр учини айлана билан туташтирилади.
4. Айлана атрофида волан кенглигида гир айлантириб керакли узунликгача қўйиб чиқилади.
5. Волан қирқилади (55-расм, г).

9. Мактабгача ёшдаги ўғил болалар қўйлагини лойиҳалаш (56-расм)

Ўғил болалар қўйлагини лойиҳалаш учун қуйидаги асосий ўлчовлар ва қўшимчалар керак бўлади.

БНЯА = 14, 5 см	ЕЎЧ = 15,3 см
КЯА = 32 см	ЕК = 10 см
ОрбУ = 31 см	ОлбУ = 29 см

$$\begin{array}{ll} \text{ЕлА} = 19 \text{ см} & \text{КУ} = 45 \text{ см} \\ \text{ОрК} = 13,5 \text{ см} & \text{ЕУ} = 39 \text{ см} \\ \text{ОлК} = 11,7 \text{ см} & \text{ТУ} = 22 \text{ см} \end{array}$$

Қўшимчалар:

$$\begin{array}{ll} \text{ҚК} = 6-8 \text{ см} & \text{бундан } \text{ҚОрК} = 1,5 \text{ см} \\ & \text{ҚОлК} = 1 \text{ см} \\ & \text{ҚЕЎ} = 3,5 \text{ см} \end{array}$$

$$\text{ҚЕлА} = 6-8 \text{ см}$$

$$\text{ҚЕЎЧ} = 1,5-2 \text{ см.}$$

9.1. Қўйлакнинг тўр қисми

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчакка Бн нуқта қўйилади.
2. $\text{БнБл} = \text{ОрбУ} = 31 \text{ см}$ (орт бўлакдаги бел чизиғи).
3. $\text{БнК} = \text{ЕЎЧ} + \text{ҚЕЎЧ} = 15,3 + (1,5 - 2) = 17,3 \text{ см}$.
4. $\text{БнЭ} = \text{КУ} = 45 \text{ см}$ (қўйлак узунлиги).
5. Бн, К, Бл, Э нуқталардан горизонтал чизиклар ўтказилади.
6. $\text{КК}_1 = \text{КЯА} + \text{ҚК} = 32 + (5 - 6) = 38 \text{ см}$.
7. К_1 нуқтадан пастга этак қисми билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади ва мос равишда Бл, Э₁ нуқталар билан белгиланади.
8. $\text{Бл}_1, \text{Бн}_1 = \text{ОлбУ} = 29 \text{ см}$ (олд бўлакдаги бел чизиғи).
9. Бн_1 нуқтадан чап томонга горизонтал чизик ўтказилади.
10. $\text{КК}_2 = \text{ОрК} + \text{ҚОрК} = 13,5 + 1,5 = 15 \text{ см}$ (орқа кенгликни аниқловчи чизик ҳолати).
11. К_2 нуқтадан бўйин чизиғи билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади ва кесишиш нуқтаси а билан белгиланади.
12. $\text{К}_2\text{К}_3 = \text{Е}_1\text{А} : 3 + \text{ҚЕлА} = 19 : 3 + 3,5 = 9,8 \text{ см}$ (енг ўмизи кенглиги).
13. $\text{К}_1\text{К}_3 = \text{ОрК} + \text{ҚОлК} = 11,7 + 1 = 12,7 \text{ см}$ (олд бўлак кенглигини аниқловчи чизик).
14. К_3 нуқтадан бўйин чизиғи билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади ва кесишиш нуқтаси а₁ билан белгиланади.
15. $\text{К}_2\text{К}_4 = \text{К}_2\text{К}_3 : 2 = 9,8 : 2 = 4,9 \text{ см}$ (ён чизик).
16. К_4 нуқтадан пастга этак билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади ва Бл₂, Э₂ нуқта билан белгиланади.

9.2. Орт бўлак чизмаси

17. $\text{БнБн}_2 = \text{БнЯА} : 3 + 1 = 14,5 : 3 + 1 = 5,8 \text{ см}$ (бўйин ўмизи кенглиги).

18. $БНБН_3 = БНБН_2:3 = 5,8:3 = 19$ см (бўйин ўмизи чуқурлиги).
19. $БН_3$, $БН_2$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
20. $БлЕ = ОрбУ = 31$ см (елка чизигини аниқловчи нуқта).
21. $БН_2$ ва $Е$ нуқталар туташтирилиб, ўнг томонга давом эттирилади.
22. $БН_2Е_1 = ЕлК+1,5 = 10+1,5 = 11,5$ см (елка узунлиги).
23. $БН_2В = 3$ см (виточкагача бўлган оралик).
24. $в$ нуқтадан пастга ўрта чизикқа параллел қилиб вертикал чизик ўтказилади.
25. $вв_1 = 6$ см (виточка узунлиги).
26. $вв_2 = 1,5$ см (виточка кенглиги).
27. $в_1в_2 = 6$ см (виточка иккинчи томон узунлиги).
28. $в_2$ нуқтани $Е_1$ нуқта билан туташтирилади.
29. $К_2б = К_2Е:2$ (чизмадан олинадиган ёрдамчи нуқта).
30. $К_2О = 2$ см ($бК_2К_4$ бурчак биссектриссаси).
31. $Е_1$, $б$, $О$, $К_4$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади..
32. $Э_2Э_5 = 1$ см (этак қисмининг кенгайиши).
33. $К_4$, $Э_3$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

9.3. Олд бўлак чизмаси

34. $БН_1БН_4 = 1$ см (ёрдамчи нуқта, ўрта чизик ҳолатини ўзгартириш).
35. $БН_4$ ва $К_1$ нуқталар туташтирилиб, этак қисми билан кесишгунча давом эттирилади.
36. $БН_4БН_5 = БНБН_2 = 5,8$ см (бўйин ўмизи кенглиги).
37. $БН_4БН_6 = БНБН_2 = 5,8$ см (бўйин ўмизи чуқурлиги).
38. $БН_5$, $БН_6$ нуқталар туташтирилиб, ўртасидан пастга ўтказилган перпендикулярда $1,5$ см қўйилади.
39. $БН_5$, $1,5$ см, $БН_6$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
40. $а_1Е_2 = 1,5-2$ см (елка чизиги ўтадиган нуқта).
41. $Е_2$ нуқта билан $БН_5$ нуқта туташтирилади ва чап томонга давом эттирилади.
42. $БН_5Е_3 = ЕлК = 10$ см (елка кенглиги).
43. $К_3б_1 = К_3а_1:4$ (ёрдамчи нуқта).
44. $К_3О_1 = 1,5$ см ($б_1К_3К_4$ бурчак биссектриссаси).
45. $Е_3$, $б_1$, $О_1$, $К_4$ нуқталар равон эгри чизик билан туташтирилади).
46. $Э_2Э_4 = 1$ см (этак қисмининг кенгайиши).
47. $К_4$, $Э_4$ нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

9.4. Ўтказма енг чизмаси (57-расм, а)

1. Тўғри бурчак чизиб, бурчагига А нукта қўйилади.
2. $АЭ = ЕУ = 39$ см (енг узунлиги).
3. Асос чизмасидаги $Е_1$, $Е_3$ нукталар туташтирилади, ўртасини топиб Х билан белгиланади ва $К_4$ нукта билан бирлаштирилади.
4. $АО = К_4Х - 3,5 = 12,5 - 3,5 = 9$ см (енг боши баландлиги, 3,5 см – ҳамма размерлар учун).
5. А, О, Э нукталардан горизонтал чизиклар ўтказилади.
6. $АА_1 = ЕлА + ҚелА = 19 + (6 - 8) = 26$ см (енг кенглиги).
7. $А_1$ нуктадан пастга вертикал чизик ўтказилиб, енг боши баландлиги чизиги ва этак чизиги билан кесишган нукталар $О_1$, $Э_1$ билан белгиланади.
8. $Аа = АА_1 : 2 = 26 : 2 = 13$ см (енг ўртаси).
9. а нуктадан пастга вертикал чизик ўтказилади ва $Э_2$ нукта аниқланади.
10. $О_1$ ва О нукталар а нукта билан бирлаштирилади.
11. $аО_1$ чизик ўртасини $О_2$ нукта билан белгиланади.
12. $О_1О_2$ чизик ўртасидан пастга перпендикуляр ўтказилиб, унда 1 см қўйилади.
13. $О_2а$ чизик ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказилиб, унда 1 см қўйилади.
14. Оа чизик ўртасидан юқорига перпендикуляр ўтказилиб, унда 1,5 см қўйилади.
15. О, 1,5 см, а, 1 см, $О_2$, 1 см, $О_1$ нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
16. $ЭЭ_2$ чизик ўртасидан перпендикулярда пастга, $Э_2Э_1$ чизик ўртасидан перпендикулярда юқорига 1 смдан қўйилади.
17. Э, 1 см, $Э_2$, 1 см, $Э_1$ нукталар равон эгри чизик билан бирлаштирилади.
18. $ЭЭ_3 = ЭЭ_2 : 2$ (тақилма ўрни).
19. $Э_3Э_4 = 6 - 8$ см (тақилма узунлиги).

9.5. Болалар кўйлагига учрайдиган ёқалар (57-расм, б)

9.5.1. Яхлит қайтармали тик ёқа

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчакка А нукта қўйилади.
2. $АА_1 = БНЯА + (0,5 - 1) = 14,5 + (0,5 - 1) = 15$ см (ёқа узунлиги).

3. $Aa = 1-2$ см (ўтказма нуқтаси).
4. a нуқта A_1 нуқта билан бирлаштирилади ва 3 бўлакка бўлинади, ҳамда I, II нуқталар билан белгиланади.
5. I нуқтадан юқорига 0,3 см қўйилади.
6. A_1 ва II нуқталар орасига 2 га бўлиниб, пастга 0,2 см қўйилади.
7. a , 0,3 см, II, 0,2 см, A_1 нуқталар равон эгри чизик билан бирлаштирилади (ўтказма чизиғи).
8. A_1 нуқтадан юқорига вертикал чизик ўтказилади.
9. $aa_1 = 7-8$ см (ёқа кенглиги).
10. a_1 нуқтадан горизонтал чизик ўтказилиб, A_1 нуқтадан ўтказилган вертикал билан кесишган нуқта B билан белгиланади.
11. $BB_1 = 3-5$ см (ёқанинг учи).
12. $A_1A_2 = 2-2,5$ см (ўтим ҳақи).
13. $A_2A_3 = 0,5-1$ см (ёрдамчи нуқта).
14. $A_1A_4 = 2-2,5$ см (ёқанинг тик қисми).
15. a_2A_4 чизик ўтказма, яъни aA_1 чизиғига параллел қилиб ўтказилади.
16. A_4 нуқта B_1 нуқта чизғич билан бирлаштирилади.
17. A_4 нуқта A_3 нуқта билан равон эгри чизик билан бирлаштирилади.

9.5.2. Очик бортли қайтарма ёқа (57-расм, в)

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчакка A нуқта қўйилади.
2. $AA_1 = BнЯА+1 = 14,5+1 = 15,5$ см (ёқа узунлиги).
3. A_1 нуқтадан юқорига вертикал чизик ўтказилади.
4. $A_1A_2 = 1$ см (ёрдамчи нуқта).
5. $AA_3 = AA_1:2$ (ёқанинг ўртаси).
6. A_1 , A_2 , A_3 нуқталар равон эгри чизик ёрдамида туташтирилади.
7. $AB = A_1B_1 = 7-8$ см (ёқа кенглиги).
8. $B_1B_2 = 3-5$ см (ёқа учи).
9. B_2 нуқта A_2 нуқта билан бирлаштирилади.
10. $BB_3 = 1$ см (ёқа кенглигини тўғрилаш).
11. B_3 нуқта B_1 нуқта билан бирлаштирилади.

10. Эркаклар кўйлагини лойиҳалаш

Кўйлакни лойиҳалаш учун гавдадан керакли ўлчовлар олинади.

$BHЯA = 20,5 \text{ см}$ $ЕлК = 15,5 \text{ см}$
 $КЯA = 50,0 \text{ см}$ $ОрбУ = 45,5 \text{ см}$
 $ОрК = 20,4 \text{ см}$ $ЕлҚ = 48,5 \text{ см}$
 $ОлК = 19,2 \text{ см}$ $КУ = 75,0 \text{ см}$
 $ЕлА = 32,2 \text{ см}$ $ЕУ = 62 \text{ см}$
 $ЕЎЧ = 21,4 \text{ см}$ $БА = 18,4 \text{ см}$
 $ЕлҚ (\text{олд бўлак}) = 45,4 \text{ см}$

Қуйидаги қўшимчалар керак бўлади:

$ҚК = 7,5 \text{ см}$
 $ҚЕЎЧ = 3,5-4,5 \text{ см}$
 $ҚБн = 1,5 \text{ см}$
 $ҚелА = 8-9 \text{ см}$

$ҚК = 7,5 \text{ см}$ - кўкрак учун қўшимча қуйидагича тақсимланади:

- орқа бўлак учун – $30\% = 2,25 \text{ см}$
- олд бўлак учун - $30\% = 2,25 \text{ см}$
- енг ўмизи учун - $40\% = 3 \text{ см}$.

Сўнгра қуйидаги 5-жадвал тўлдирилади:

5-жадвал

Бўлаklar	Белгила ниши	Ўлчамни бўлаklar бўйича бўлиниши	Кўкрак қўшимчасини бўлиниши	Бўлаklarда ги кенглик
Орқа бўлак	$КК_2$	20,4	2,25	22,65
Енг ўмизи	$К_2К_3$	10,4	3	13,40
Олд бўлак	$К_3К_1$	19,2	2,25	21,45
Жами		50,0	7,5	57,5

10.1. Кўйлакнинг тўр қисми (58-расм)

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчакни Бн билан белгилаймиз.
2. $БнЭ = КУ = 75 \text{ см}$ (кўйлак узунлиги).
3. $БнК = ЕЎЧ + ҚЕЎЧ = 21,4 + 3,5 = 24,9 \text{ см}$ (кўкрак чизиғи оралиғи).
4. $БнБл = ОрбУ = 45,5 \text{ см}$ (бел чизиғи оралиғи).
5. $БлБк = ОрбУ : 2 = 45,5 : 2 = 22,7 \text{ см}$ (бўкса чизиғи оралиғи).
6. $КК_1 = КЯА + ҚК = 50 + 7,5 = 57,5 \text{ см}$ (кўйлак кенглиги).

7. K_1 нуктадан юқорига ва пастга вертикал чизик ўтказилади – олд бўлак ўрта чизиғи.
8. Бн, К, Бл, Бк, Э нукталардан ўнг томонга горизонтал чизик ўтказилади ва олд бўлак ўрта чизиғи билан кесишган нукталарни мос равишда $Бн_1$, $К_1$, $Бл_1$, $Бк_1$, $Э_1$ билан белгиланади.
9. $KK_2 = ОрК + ҚорК = 20,4 + 2,25 = 22,65$ см (орқа кенглик).
10. $К_2К_3 = ЕЎК + ҚЕУК = 10,4 + 3 = 13,4$ см (енг ўмизи кенглиги).
11. $К_3К_1 = ОлК + ҚолК = 19,2 + 2,25 = 21,45$ см (олд кенглик).
12. $К_2К_3$ нуктадан юқорига бўйин чизиғи билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади.
13. $К_2К_4 = К_2К_3 : 2 = 13,4 : 2 = 6,7$ см (ён чизик).
14. $К_4$ нуктадан пастга этак қисми билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади ва бел, бўкса, этак қисми билан кесишган нукталарни мос равишда $Бл_2$, $Бк_2$, $Э_2$ билан белгиланади.

10.2. Орқа бўлакни лойихалаш (58-расм)

15. $БнБн_2 = БнЯА : 3 + ҚБн = 20,5 : 3 + 1,5 = 8,2$ см (бўйин ўмизи кенглиги).
16. $Бн_2$ нуктадан юқорига вертикал чизик ўтказилади ва унда бўйин ўмизи баландлиги қиймати қўйилади.
 $Бн_2Бн_3 = БнБн_2 : 2 = 8,2 : 2 = 4,1$ см.
17. Бн, $Бн_3$ нукталар равон эгри чизик билан туташтирилади.
18. Елка нуктани топиш учун иккита ёйнинг кесишиш нуктаси аниқланади.
19. $R_1 = БлЕ = ЕлҚ + 2,5 = 48,5 + 2,5 = 51,4$ см (елка нуктаси, бу ерда 2,5 см виточка миқдори).
20. $R_2 = ЕлК + 0,9 = 15,5 + 0,9 = 16,4$ см (елка нуктаси).
21. $Бн_3$ ва Е нукталар чизғич ёрдамида туташтирилади.
22. $К_4К_5 = К_2К_4 = 6,7$ см (марказ нуктаси)
23. $К_5$ нуктадан орқа кенглик чизиғига перпендикуляр туширамиз ва б нукта билан белгилаймиз.
24. $К_5$ нуктадан циркул ёрдамида б, $К_4$ нукталар туташтирилади.
25. б, Е нукталар эса равон эгри чизик билан туташтирилади.
26. $БнТ = 5,5$ см (кокетка узунлиги моделга қараб олинади).
27. Т нуктадан енг ўмизи эгрилиги чизиғи билан кесишгунча горизонтал чизик ўтказилади ва $Т_1$ билан белгиланади.
28. $Т_1Т_2 = 2,5$ см (виточка чуқурлиги).

29. T_2 , T нуқталар рагон эгри чизик билан туташтирилади.

10.3. Олд бўлакни лойиҳалаш (58-расм)

30. $B_{H1}B_{H4} = 1,5-2,5$ см (бўйин ўмизи нуқтасини аниқлаш).

31. B_{H4} нуқтадан чап томонга горизонтал чизик ўтказилади ва унда бўйин ўмизи кенглиги белгиланади.

$B_{H4}B_{H5} = B_{H4}B_{H2}-1,7 = 8,2-1,7 = 6,5$ см (бўйин ўмизи кенглиги).

32. $B_{H4}B_{H6} = B_{H4}B_{H5}+0,5 = 6,5+0,5 = 7,0$ см (бўйин ўмизи чуқурлиги).

33. B_{H5} , B_{H6} нуқталар туташтирилиб, ўртасидан пастга ўтказилган перпендикулярда 1,5 см қўйилади.

34. B_{H5} , 1,5 см, B_{H6} нуқталар рагон эгри чизик билан туташтирилади.

35. Елка нуқтасини топиш учун икки ёйни кесишиш нуқтаси топилади.

36. $R_3 = \text{ЕлҚолд бўлак} = 45,4$ см (елка нуқтаси).

37. $R_4 = \text{ЕлК}+0,9 = 15,5+0,9 = 16,4$ см (елка нуқтаси).

38. B_{H5} , E_1 нуқталар чизғич ёрдамида туташтирилади.

39. K_5 нуқтадан олд кенглиги чизигига перпендикуляр туширилиб b_1 билан белгиланади.

40. K_5 нуқтадан циркул ёрдамида b_1 , K_4 нуқтадан туташтирилади.

41. b_1, E_1 нуқта эса рагон эгри чизик билан туташтирилади.

42. $\mathcal{E}_1\mathcal{E}_3 = 2-2,5$ см (ўтим ҳақи).

43. $\mathcal{E}_3\mathcal{E}_4 = 4-4,5$ см (борт адипи).

44. $\mathcal{E}_3$, $\mathcal{E}_4$ нуқталаридан юқорига бўйин ўйиндиси чизигининг давоми билан кесишгунча вертикал чизиклар ўтказилади.

45. $\mathcal{E}_4\mathcal{E}_5 = 1-1,5$ см (этак қисмининг тушиши).

46. $\mathcal{E}_5$, $\mathcal{E}_2$ нуқталар рагон эгри билан туташтирилади.

10.4. Ўтказма енг чизмаси (59-расм, а)

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчак A нуқта билан белгиланади.

2. $A\mathcal{E} = EY - (5-6) = 62-(5-6) = 57$ см (енг узунлиги, бу ерда 5-6 манжет кенглиги).

3. $AO = 0,15 KYA + QE\mathcal{Y}C + 1,5 = 0,15 \times 50 + 3,5 + 1,5 = 12,5$ см (енг боши баландлиги).

4. A , O , $\mathcal{E}$ нуқталардан горизонтал чизиклар ўтказилади.

5. $AA_1 = \text{Ел}A + \text{ҚЕл}A = 32,2 + 9 = 41,2$ см (енг кенглиги).

6. A_1 нуктадан пастга вертикал туширилади ва энг боши баландлиги чизиғи билан кесишган нукта O_1 , этак қисми билан кесишган нукта $\mathcal{E}_1$ билан белгиланади.
7. $Aa = AA_1:2 = 41,2:2 = 20,6$ см (енг ўртаси).
8. a нуктадан пастга, вертикал чизик ўтказилади ва этак чизиғи билан кесишган нукта $\mathcal{E}_2$ билан белгиланади.
9. O, O_1 нукталар a билан чизғич ёрдамида туташтирилади.
10. Oa ва aO_1 чизиклар 4 бўлакка бўлинади ва улар I, II, III билан белгиланади.
11. Енгнинг орқа қисмидаги бу бўлакларда мос равишда 0,5 см, 2,0 см, 2,2 см юқорига перпендикулярда қўйилади.
12. Орқа бўлак энг боши эгрилиги O , 0,5 см, 2,0 см, 2,2 см, a нукталар орқали равон эгри чизик билан бирлаштирилади.
13. Енгнинг олд бўлагиди ҳар бир бўлакда мос равишда 1,0 см пастга, 0,6 см, 1,8 см юқорига перпендикулярда қўйилади.
14. Олд бўлак энг боши эгрилиги a , 1,8 см, 0,6 см, 1 см, O нукталар орқали равон эгри чизик билан бирлаштирилади.
15. $\mathcal{E}_2\mathcal{E}_3 = \mathcal{E}_2\mathcal{E}_4 = (BA+KB+2):2 = (18,4+10+2):2 = 15,2$ см (этак қисми кенглиги).
16. $\mathcal{E}_3$ нукта O нукта билан, $\mathcal{E}_4$ нукта O_1 нукта билан чизғич ёрдамида туташтирилади.
17. $\mathcal{E}_3\mathcal{E}_5 = 4$ см (тақилма ўрни).
18. $\mathcal{E}_5\mathcal{E}_6 = 10$ см (тақилма узунлиги).
19. $\mathcal{E}_5\mathcal{E}_7 = 4$ см (тахлама ўрни).
20. $\mathcal{E}_7\mathcal{E}_8 = 2$ см (тахлама миқдори).

10.5. Манжет чизмаси (59-расм, б)

Бунинг учун томонлари қуйидагиларга тенг бўлган тўғри тўртбурчак чизилади.

1. $AB = 0,25 KJA + 14 = 0,25 \times 50 + 14 = 26,5$ см (манжет узунлиги).
2. $AA_1 = BB_1 = 5-6$ см (манжет кенглиги).
3. Агар манжет 2 қаватли бўлса: $AA_1 = BB_1 = 10-12$ см.

10.6. Тик ёқа чизмаси (59-расм, в)

1. Тўғри бурчак чизилиб, бурчак A нукта билан белгиланади.
2. $AA_1 = 2,5-3,5$ см (ёқа тиклиги).

3. $AA_2 = B_nYA + (2-2,5) + 0,5 = 23$ см (ёқа узунлиги, бу ерда 2-2,5 ўтим хақи, 0,5 см эркин туриши учун).
4. $AO = AA_2 : 2 = 23 : 2 = 11,5$ см (ярим ёқанинг ўртаси).
5. О нуқтадан юқорига перпендикуляр чиқариб, кесишган нуқтасини O_1 билан белгиланади.
6. $A_2A_3 = 2-2,5$ см (ёрдамчи нуқталар).
7. A_3 нуқтадан горизонтал чизик давом эттирилади.
 $A_3A_4 = 1,8-2$ см (бўйин чуқурчаси нуқтаси).
8. A_4 нуқта О нуқта билан чизғич ёрдамида туташтирилади.
9. A_4O чизикқа A_4 нуқтадан перпендикуляр чиқарилади.
10. $A_4A_5 = 2:5-3,5$ см (ёқа тиклиги).
11. A_5 нуқта O_1 нуқта билан чизғич ёрдамида туташтирилади.
12. A_5O_1 ва A_4O чизиклар ўртасидан пастга туширилган перпендикулярда 0,5 см қўйилади.
13. Ёқанинг юқори қисми A_1 , O_1 , 0,5 см, A_4 нуқталар орқали рагон эгри чизик билан туташтирилади.
14. Ёқанинг буюмга ўтказиладиган қисми А, О, A_4 нуқталар рагон эгри чизик билан туташтирилади.

11. Ёрдамчи деталларни чизиш, андоза тайёрлаш, уни кўпайтириш ва жойлаш

11.1. Андозалар конструкциясини тузиш ва уларни кўпайтириш

Кийим деталлари андоза бўйича бичилади. Андоза тайёрлашдан олдин кийим деталларининг чизмасида виточкалар, ён чизиклар, енг, шим ва бошқа деталлар чизикларининг барча ўтмас бурчаклари уларнинг учига мумкин қадар яқинроқдан думалокланади. Сўнгра кийим орқаси ва олди деталларининг, енгнинг устки ва остки ярмининг, шимнинг олд ярми билан орқа ярми жуфтлаштирилиб бирига уланадиган зихларининг ўзаро мос келиши текширилади; бунда конструкция чизикларидан арзимаган даражадагина четга чиқишга йўл қўйилади. Шу тарзда аниқланган чизмаларда чокларга

ҳамда кийим этагини, енг учи ва шим почасини, юбка этаklarини букиш учун қабул қилинган технологик ва техник шартларга мувофиқ чок ҳақи белгиланади.

Андозалар тайёрлаш усулига қараб, асосий андоза, иккиламчи (ҳосила) андоза ва ёрдамчи андоза деган турларга ажратилади, бажарадиган вазифасига қараб эса, эталон-андоза (оригиналлар), иш андозаси ва ёрдамчи андоза каби хилларга ажратилади.

Э т а л о н - а н д о з а л а р иш андозаларини текшириш учун контрол восита сифатида хизмат қилади. Улар экспериментал цехларда сақланади ва оригинал-чизмалар ёки ўлчовлар табели бўйича камида кварталда бир марта текшириб кўрилади.

И ш а н д о з а л а р и д а н бевосита технологик жараёнларда (кийим бичиш, бичиқларни текшириш ва ҳоказолар вақтида) фойдаланилади. Бу андозалар ойига камида бир марта эталон андозалар бўйича текширилади. Кесилган жойлардаги четга чиқишлар норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Одатда иш андозалари 3-5 комплект қилиб тайёрланади.

Ё р д а м ч и а н д о з а л а р кийимнинг қайириб букиш чизиклари, кесиб ташланадиган жойлари, чўнтаклар, измалар, тугмалар ва ҳоказолар ўрнини қўшимча равишда белгилаш учун хизмат қилади.

А с о с и й а н д о з а л а р кийим конструкциясининг чизмаси бўйича тайёрланади; бу андозаларда чок ҳақи, кийим этаklarини қайириб букиш, ортиқча жойларни кесиб ташлаш ҳақлари албатта ҳисобга олинган бўлади. Кийимнинг орқаси, олди, енглари, ён чизикларига, юбканинг, шимнинг олд ва орқа ярмига қўшиб бериладиган чок ҳақи «Тикилган кийимлар, қавиқлар, бахялар ва чоклар» давлат стандартига мувофиқ белгиланади.

Аҳолининг шахсий буюртмасига мувофиқ кийим тикишда асосий лойиҳа андозалардан фойдаланилади. Асосий лойиҳа андозасини тайёрлаган вақтда чок ҳақи берилмайди. Кийимни бичганда тегишли жойларда чок ҳақи ташлаб кетилади, бу эса кийим балансини яхшилаш мақсадида унга бирмунча ўзгартириш киритишга ва композицион ечимларга имкон туғдиради.

Кийим деталларининг четларини туғри ва аниқ улаш мумкин бўлиши учун, андозаларни тайёрлаган вақтда кертиклар қилинади.

Асосий андозалар ишлаб чиқилгандан кейин деталларининг жуфтлаштириладиган контурлари текшириб кўрилади.

И к к и л а м ч и (ҳосила) андозалар асосий андозалар бўйича тайёрланади. Иккиламчи андозаларга қуйидагилар киради: асосий материалдан тикиладиган деталларнинг (адип, ёқа) андозалари; астарбоп материалдан тикиладиган деталларнинг (кийимнинг олди ва орқаси, енгнинг устки ва остки қисмлари, жилетка астари, юбка астари, шим олд ярмининг астари андозалари; оралик материалдан тайёрланадиган деталлар (кийимнинг кўкрак қисмига, елкага ва ёқа оралиғига қўйиладиган флезилин ёки дублирин)нинг андозалари.

Ё р д а м ч и а н д о з а л а р кийим деталларининг асосий ва иккиламчи андозаларидан фойдаланиб тайёрланади.

Ёрдамчи андозаларда чўнтақлар, виточкалар, бурмалар, измалар, тугмалар ва ҳоказолар ўрни кўрсатилади.

Асосий, иккиламчи ва ёрдамчи эталон-андозаларнинг ҳамда иш андозаларининг барча комплектларида кесиладиган жойлардаги чизиклар бўйича (андозанинг четидан 1 мм қочириб) 8-10 см оралатиб тамға босилади ёки чизик чизилади; тамға ва чизиклар андозанинг эскириш даражасини текшириб туриш учун керак.

Андозанинг бирида, одатда кийим олдининг деталида, барча деталлар ва андозаларнинг вазифаси бўйича рўйхати тузилади. Тармоқ стандартига мувофиқ рухсат этиладиган деталлар андозаларига (остки ёқа, подбортлар, енглар астари ва ҳоказоларга) йўл қўйиладиган улоқлар чизилади.

Иш андозаларида кесиш аниқлигидан йўл қўйиладиган четга чиқишларни кўрсатиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Кийимнинг ниҳоят даражада аниқ бичилиши талаб қилинадиган жойларида (ёқа ўмизи, елка зихлари, енг ўмизи, енг боши) йўл қўйиладиган четга чиқишлар $\pm 0,1$ см га тенг; устки деталларнинг бошқа жойларидаги йўл қўйиладиган четга чиқишлар $\pm 0,25$ см, астар ва оралик материалдан тайёрланадиган деталларда $\pm 0,4$ см ни ташкил этади.

11.2. Андозаларни техник кўпайтириш

Андозаларни техник кўпайтиришдан мақсад мазкур модель учун лойиҳаланадиган кийимнинг барча размерлари ҳамда ростлари учун андозалар ҳосил қилишдир.

Андозаларни техник кўпайтириш иши билан модель тузувчи ташкилотлар, тикувчилик корхоналарининг лабораториялари ҳамда конструкторлик бюrolари шуғулланади.

Андозаларни кўпайтиришнинг қўлда бажариладиган бир неча усуллари бор; шунингдек, уларни ЭХМлардан фойдаланиб автоматлаштирилган режимда кўпайтириш ҳам мумкин.

Андозаларни кўпайтиришнинг н у р у с у л и шундан иборатки (60-расм, а), марказ (фокус) сифатида қабул қилинган нуқтадан нур (чизик)лар чиқарилади; бу нурлар фокусни конструктив нуқталарга туташтиради; нурлар (чизиклар)нинг узунлиги ҳисоблаш жадвалларидан олинган орттириш қийматлари узунлигича давом эттирилади.

Бу усул содда бўлиши билан бирга, у камчиликка ҳам эга; бу камчилик фокус танлашга тааллуқлидир: конструктив нуқталар сони қанча кўп бўлса, уларни аниқлаш шунча қийинлашади. Бу усулдан асосан бош кийимлари ҳамда корсетли кийимлар айрим деталларининг андозаларини кўпайтиришда фойдаланилади.

Г у р у х л а ш у с у л и деталлар (асосий детал ва четки катта ёки кичик детал ёки иккита четки детал) андозаларининг икки комплектини горизонтал ва вертикал асосий чизиклар бўйича жуфтлашдан иборат (60-расм, б). Бир ном билан юритиладиган конструктив нуқталар тўғри чизиклар ёрдамида туташтирилади ва оралиқ ростлар сонидан бир рақами (яъни бирлик) чегириб ташлангандан кейин (n-1) қолган сонга бўлинади.

Бу энг аниқ усул бўлиб, ҳар қандай шаклдаги деталлар андозаларини кўпайтиришда қўлланилади. Мазкур усулнинг асосий камчилиги шуки, бунда меҳнат ва материал кўп сарф бўлади. Шунга кўра ундан нур усули ва пропорционал-ҳисоблаш усули учун орттириш ҳисоблаш жадвалларини тузиш вақтидагина фойдаланилади.

П р о п о р ц и о н а л - ҳ и с о б л а ш у с у л и гавданинг ўлчов белгилари ўзгаришига қараб, ҳар бир конструктив нуқтани вертикал ва горизонтал йўналишларда (бўйига ва энига) силжитишга асосланган (60-расм, в).

Ҳар бир нуқтанинг силжитилиши 4-жадвалда плюс (+) ва минус (-) белгилари билан кўрсатилган.

60-расм. Андозаларни кўпайтиришнинг техник усуллари

Андозаларни техник кўпайтириш жараёни сермеҳнат иш бўлиб, кўп вақт сарфлашни ҳамда диққатликни талаб қилади. Бунда вақтни тежаш учун андозани кўпайтириш ишини осонлаштирадиган турли

мосламалар қўлланилади; уларнинг энг содда тури орттириш нуқталари оралиғи игналар воситасида кўрсатиб қўйилган ва угломерли мосламалар йиғиндисидан иборат.

5-жадвал

Конструктив нуқталарни силжитиш белгилари системаси

Белгилар	Горизонтал йўналишда		Вертикал йўналишда	
	Размер ёки рост катталаштир илганда	Размер ёки рост кичрайтирил ганда	Размер ёки рост катталаштир илганда	Размер ёки рост кичрайтирил ганда
+ (плюс)	Ўннга	Чапга	Юқорига	Пастга
- (минус)	Чапга	Ўннга	Пастга	Юқорига

Андозаларни кўпайтиришда «градемастер», «мульти градер» вариатори каби жуда содда асбоблардан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда андозалар машина усулида, яъни ЭХМлар, графопостроителлар ҳамда қирқувчи асбоблар ёрдамида кўпайтирилади.

11.3. Андозаларни газлама устига қўйиш ва бичиш

Андозаларни газлама устига қўйиш ҳамда кийимни бичиш техник талабларга мувофиқ бажарилиши лозим.

Тукли газламалар, шунингдек, ҳар хил тусдаги газламалардан кийим бичиш вақтида асосий газламадан тикиладиган деталларнинг барча андозалари (адип ва остки ёқалар бундан мустасно) бир томонга қаратилиши керак. Кийим духоба, бахмал, нимбахмал, чийдухобадан бичилаётганда андозани газлама туки пастдан юқорига қараб турадиган қилиб жойлаш керак. Шунда тайёр кийимнинг материали ялтираб турмайди. Гуллари ҳар томонга қаратилган газламаларда андозаларни газлама гуллари пастдан юқорига ёки, аксинча, юқоридан пастга қараб турадиган қилиб жойлаш тавсия этилади.

Байка, фланель, мовут (драп, сукно) каби тукли материаллар, пахта ипи, меланж ипдан тўқилган материаллардан, замша ва чийдухобадан кийим бичишда андозаларни туклар пастдан юқорига қараб турадиган қилиб жойлаш керак, шунда кийимнинг материали ортиқча

пахмоқланмайди. Умуман, андозанинг жойланиши материал тукининг узун-қисқалиги ва майин-дағаллигига боғлиқ. Хуллас, узун тукли материалда туклар юқоридан пастга, қисқа тукли материалларда пастдан юқорига йўналган бўлади.

Туклари кўзга аранг чалинадиган материалдан тикиладиган кийимни бичганда ҳамма деталларда материал тукларининг бир йўналишда жойлашган бўлишига эътибор бериш керак. Агар газлама устига иккита кийимнинг андозаларини бир йўла жойлаштиришга тўғри келса, у ҳолда бир кийимнинг жами деталларида газлама туклари бир томонга, иккинчи комплектда эса бошқа томонга қаратилиши лозим.

Сидирға ранг, йўл-йўл ёки катак (туксиз) газламадан кийим бичишда (агар катаклар, гуллар симметрик жойлашган бўлса) деталларнинг андозаларини қарама-қарши йўналишда жойлашга йўл қўйилади. Гуллари носимметрик, шунингдек, маълум йўналишда жойлашган газламада бир кийимнинг ҳамма деталлари андозаси бир томонга қаратиб қўйилади.

Хол-хол гулли (холлар йирик бўлса) ёки йўл-йўл газламадан кийим бичишда ва тикишда кийим орқаси ва олдининг ўрта чизиғи гулнинг қоқ ўртасига тўғри келтирилиши лозим.

Йўл-йўл ва катак газлама устига андозаларни жойлаётганда айрим деталларнинг четларидаги, чунончи: кийимнинг олдида – бортлар четидаги, кийим орқасида – ўрта чизикдаги, борт адипларида – ёқа қайтармаларининг ташқи зихларидаги, чўнтаклар, чўнтак қопқоқлари, ёқа, олд ва орқа кокеткалардаги (складка ёки витачкагача) йўлларнинг ёхуд катакларнинг бир-бирига мос ҳолда тўғри келтирилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Кийимнинг мазкур деталларини бичаётганда газламанинг гулларини бир-бирига тўғри келтириш учун ундаги такрорланадиган гулнинг катталигида ёки тўла катталигида чок ҳақи ташлаб кетилади. Кийимнинг орқаси (чокли бўлган холларда) ва борт адипларини бичаётганда чок ҳақи ташлаб кетилмайди, балки бу деталлар газламанинг четига яқинроқ жойлаштирилади. Газламанинг такрорланадиган гуллари йирик бўлганда ҳам шундай талаблар қўйилади.

Андозаларни газлама устига жойлашнинг бир неча варианты мавжуд. Лекин асосий қоида қуйидагидан иборат. Йирик деталларнинг андозаларини жойлашда уларнинг тўғри чизикли (ёки

шунга яқин) четлари жойлаш рамкасининг четига тақаб қўйилади, эгри чизиқли четлари эса майдончанинг ўртасига тўғри келтирилади. Йирик андозалар орасига майдароқлари жойланади, бунда ёндош андозалар четлари бир-бирига тегиб туриши лозим.

Йирик ва ўртача катталиқдаги андозаларнинг четларини шундай жуфтлаштириш керакки, уларнинг ўйиқларидан ҳосил бўлган очик жойларга майда андозалар сиғадиган бўлсин.

Материалнинг қиймати тайёр кийим таннархисининг 80-90% ни ташкил этади; шунга кўра кийим бичишда материални тежаб-тергашнинг катта аҳамияти бор.

Материал устига андозаларни жойлашдаги тежамкорлик қийим чиқишига қараб белгиланади. Шу нарса маълумки, кийимнинг асосий деталлари бирин-кетин бўйига жойлаштирилса ёки қия зихлари бўйича жуфтлаштирилса, андозалар оралиғидан жуда оз қийим чиқади.

12. Кийимларни моделлаштириш ва бадий безаш асослари

12.1. Моделлаштиришнинг мақсад ва босқичлари

Кийим инсоннинг ижтимоий ҳаётида энг зарурий эҳтиёжи ҳисобланади. Кийимни моделлаштириш тикувчилик саноатининг энг муҳим ва мураккаб босқичидир. Модел вазифаси кенг омманинг кийим-кечакка бўлган ва унинг ташқи кўринишига эга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир. Моделлаштириш кенг ассортиментда мақсадга мувофиқ қулай замонавий кийимлар яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйилади.

Моделлаштиришнинг мақсади – ўз санъати, қудрати билан жамиятни эстетик тарбиялаш, маданиятни юқори поғоналарга кўтаришдир. Шунингдек, ўз замонасининг турмуш тарзи, фан ва техника ютуқлари, миллий урф-одатлари, иқлими, шароитини акс эттиришдир.

Янги моделларни ижод этиш билан модалар уйи, ишлаб чиқариш корхоналари, якка буюртма корхоналари ва якка тартибда ишлайдиган рассом модельерлар, мухандис лойиҳачилар шуғулланадилар.

Моделлаштириш икки хил йўналишда олиб борилади:

1. Ижодий – истиқбол учун модел.
2. Ишлаб чиқиш корхоналари учун модел.

Ижодий модел. Рассом модельерлар истиқбол учун бир қанча моделлар тўпламини мавсумий кийиниш ўрнига қараб, эскизларни тайёрлайди, бу эскизлар тўплами аввал модалар уйи кенгашида кўриб танланади ва тасдиқланади. Модалар уйи кенгашининг аъзолари:

- а) модалар уйи бош муҳандиси;
- б) бош лойиҳачи муҳандиси;
- в) бош муҳандис технологи;
- г) хом ашё билан таъминловчи корхона вакили;
- е) савдо ходимларидан вакил қатнашади.

Тасдиқланган эскизлар бўйича модельер, лойиҳачи, технолог иштирокида намуна моделлар стандарт гавдалар учун тайёрланади. Тайёрланган моделлар модалар уйи кенгашининг янги ҳал қилувчи кенгашида таъминлаб тасдиқланади ва уларни модалар уйининг кичик серияли ишлаб чиқаришига берилади.

Модалар уйи ишлаб чиқариши кийимни меҳнат тақсимотига асосланган бўлиб, 100 дан 300 гача аҳоли талабини ўрганиш учун кийим тайёрланади ва бу янги моделдаги кийимлар модалар уйи қошидаги «янгилик» номли дўконда савдога қўйиб, аҳоли талаби ўрганилади. Ҳар бир модел учун савдо ходими истеъмолчиларнинг таклиф мулоҳазаларини ёзиб боради.

Бундан ташқари, тасдиқланган моделлар намуналари модалар уйи қошидаги театрлари намоёйиши залида намоёйиш қилинади ва мода журналлари орқали фотосуръатлари тарғиб қилинади. Шунингдек, савдо марказларида, телевизорда моделларнинг мавсуми намоёйиш этиб тарғиб қилинади.

Ишлаб чиқариш учун модел шу ишлаб чиқариш корхонаси буюртмаси асосида эскизлар тўплами чизиб тайёрланади. Бунда шу корхонанинг ҳоҳиши, хом ашёси жиҳозлари ва шарт-шароитлари ҳисобга олинади. Бу эскиз ва моделларни тасдиқлаш вақтида шу корхонанинг маъсул вакили қатнашади. Сўнг кичик серияда ишлаб чиқариш корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиб, ўзига тегишли савдо дўконида аҳоли талаби ўрганилади.

Икки хил йўналишда олиб бориладиган ишлар 3 хил босқичда бажарилади:

1. Бадиий моделлаш.

2. Лойиҳалаш босқичи.

3. Техник моделлаш.

Ҳар қандай буюмни тикишга, яъни уни бичишга, унга технологик ишлов беришга киришишдан олдин биринчидан, унинг бадий лойиҳасини, содда қилиб айтилганда, эскизини яратиш керак – бу босқичга бадий моделлаш дейилади. Иккинчидан, асосий конструкцияни, яъни асосини ҳисоблаш ва чизиш керак, буни конструкциялаш дейилади. Учинчидан, ҳисоблашлар ва макет ясаш йўли билан таҳламаларни, бурмалар, кокеткалар, чўнтаклар, қирқмаларни ва ҳоказоларни ишлаб чиқиш керак – бунга техник моделлаш дейилади.

Бу ишларнинг биринчи қисмини одатда модельер рассомлар бажарадилар. Улар моделнинг рангли эскизини газламанинг хусусияти, гавда тури, фаслга, кишининг ёшига, кийимнинг безакларига эътибор бериб чизадилар. Шунингдек, керакли маълумотлар эскиз тагига ёзиб қўйилади.

Сўнгги иккитасини эса лойиҳачилар бажарадилар (уларни кўпинча лойиҳачи-рассомлар дейишади). Улар бир-бирларининг ишини яхши билишлари ва тушунишлари керак, чунки модельерлар, конструкторлар ва технологларнинг меҳнати ўзаро боғлиқ ва умумий ишнинг пировард натижаси учун бирдек муҳим.

Ательеда бичиқчининг ўзи модельер-рассом билан конструкторнинг ишини бажараверади, у технологик жараённинг ҳаммасини ҳам билади, лекин технологик жараённи кўкловчи, қўл ишларини бажарувчи, моторчи, дазмолчи деган махсус усталар бажарадилар. Уй шароитида рассом ҳам конструктор ҳам, технолог ҳам бир одамнинг ўзи бўлади. Шунинг учун ишнинг барча босқичларига – модел танлаш ва яратишга, ҳисоблашга, бичишга ва ишлов беришга – тўла маълумот билан қараш керак.

12.2. Услуб ва мода

Кийимнинг тарихий ривожланишига, унинг ўзгаришига услуб ва мода сабаб бўлади.

Услуб – бу жамият моддий ва маънавий маданиятидаги муҳим ва характерли белгилар образли системаси ижодий принципларнинг

тарихан таркиб топган бир қадар барқарор муштараклигидир.

Услуб – бу даврнинг бадиий тили, унинг бадиий тавсифидир. Услуб катта тарихий даврга боғлиқ бўлиб, у санъат соҳасидаги бадиий диднинг бирлигини кўрсатади: яъни архитектура, ҳайкалтарошлик, рассомлик, музика, адабиёт ва декоратив амалий санъат орасидаги бирликни кўрсатади.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос бадиий услуби бўлади. У жамият ҳаётидаги муҳим омилларни акс эттиради. Ҳар қайси тарихий давр ўзи учун характерли шаклларни танлаган, инсон маълум даражада костюмда ўз ифодасини топган муайян эстетик идеалини ўзига бўйсундирар эди.

Ҳар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси (қад-қомати) ётади. Муайян ижтимоий-иқтисодий формация тикувчилик рассомларининг қанчалик меъёр, эстетик идеал билан ёндошганлиги моддий муҳит предметлари услубининг, кўп турлиликдаги бирлигининг характери билан белгилаб беради.

Қадимий юнон костюмининг услуби (эрамизгача бўлган VII-IV асрлар) газлама билан инсон шакли ва табиий мутаносиблигининг гармоник бирга қўшилганлиги бўлиб, бу елкадан пастга томон бемалол осилиб турадиган кийимдаги беҳисоб хилма-хил тахламаларда, драпировкаларда ўз ифодасини топган эди (61-расм, а). Кийим тўғри тўртбурчак газламадан иборат бўлиб, уни елка устидан боғлаб ёки елкага ташлаб қўйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемалоллигини кўрсатадиган ва унга ҳалақит бермайдиган нафис тахламалар туширилиб драпировка қилиб қўйилган.

Романтика услуби Оввропада X-XII асрларга тўғри келади. Инсон моддий ва маънавий маданиятининг ҳамма соҳаларида черков хукмронлик қилган, Оввропа мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топди (61-расм, б). Одамзот гавдасининг гўзаллигидан завқланиш номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланар, шунинг учун гавдани қўполдан-қўпол, оғир кийимларга ўраб ташлар эдилар.

Готика услуби XI-XIII асрларга тўғри келиб, кийимда чўзиқ шаклларга интилиш кўзга ташланиб турарди. Тор, юқори қисми қатор-қатор мураккаб тахламалардан иборат (61-расм, в), орқа этаги жуда узун кўйлак, жуда баланд конуссимон бош кийим ва ниҳоятда

чўзиқ пойабзал билан бирга кўшилиб қад-қомат кўринишини ўзгартириб юборган. Аёл кишининг идеал образига, яъни она, мадонна образига мурожаат қилиш ана шу вазиятнинг инъикоси эди. Костюмнинг ён томондан кўринишида ҳомиладор аёл гавдасига тақлид қилинган эди. Костюмнинг мураккаб бичим чизиклари гавданинг эгри чизик пластикасига мувофиқ келарди. Костюмда бир томондан назокатни, оналикни таъкидлашга интилиш акс этган бўлса, иккинчи томондан черков кўрсатмаларига биноан гавдани яширишга, уни тахламаларга кўмиб ташлашга интилиш акс этган эди. Бу даврда эркак ва аёллар кийимлари ўртасида фарқ бўла бошлади, шунингдек тор лиф, ўтказма энг, куёш юбкалар пайдо бўлди.

Уйғониш даври услубида (XIV-XVI асрлар) эстетик дунёқарашларни қайта баҳолаш юз беради: янги гуманистик идеология шаклланади. Бу даврда савдо-сотиқ кенг ривожланади. Овропага катта бойликлар барча мамлакатлардан оқиб кела бошлайди. Одам гавдасининг гўзаллигидан баҳраманд бўлишга эътибор қаратилади. Бу даврда парча, бархат, атлас газламалардан кийимлар тикиш бошланади (62-рasm, а).

Уйғониш давридаги вазмин гармоник шаклларнинг акси тариқасида абсолютизм, дворянлар маданияти ва дунёни бўлиб олиш мақсадидаги урушлар таъсирида таркиб топган Барокко услубидаги (XVI-XVIII аср) санъат келиб чиқади. Гавданинг пластикаси ўзгаради, чунки подшо саройларида оёқ учида юриш лозим бўлиб, бу пошнали пойабзал пайдо бўлишига олиб келади. Гавдани муносиб қилиб кўрсатиш учун костюмнинг елкаси, қорин қисми тагига ҳар хил тагликлар кўядилар. Аёллар кийими қимматбаҳо газламалардан (парча, атлас, духобадан) кўп қаватли қилиб тикилиб, нақш жимжималари, бантлар ва тўқилган тўрлар билан безатилади (62-рasm, б). Эркаклар модасида бант бойланган, тўр тикилган, қимматбаҳо тошлар тақилган ҳарбий костюм (мушкетёрлар костюми) ҳукмронлик қилади. Парик модага киради.

XVIII асрда Барокко услуби ўрнига нозик, нафис Рококо услуби юзага келади (63-рasm, а). Бу услуб ўзидан олдинги услубнинг бевосита давоми бўлиб, ундан шаклларининг назокатлилиги, мураккаблиги билан ва ғаройиб жимжимадорлиги билан фарқ қилади. Бу услуб учун мавжуд воқеликдан кечиб, орзу-умидлар,

севги-мухаббат оламига интилиш характерлидир. Бу услуб таъсирида манфаатдорилик вазифасига алоқадор бўлмаган костюм қарор топади. Бундай костюмда гавданинг бел қисми, кўкрак, бўкса кўзга ташланиб туради. Костюм енгил, нозик бўлиб, бошдан-оёқ гул тикилган, тюлдан, «газсимон» газламадан, тўқима тўрдан «кўпчитиб» кўйгандек тикиб безатилади. Костюмда ва архитектурада хашаматлилик яққол кўзга ташланади. Аёллар кийимида жуда кенг юбкаларга каркасларда шакл бериб турилса, XVIII асрнинг охириги XIX аср бошларида Амбир услубида бу каркаслар ечиб ташланади. XIX асрдаги европача костюм тарихи 1789 йилдаги француз буржуа революциясининг бўронли воқеаларидан бошланди.

Янги даврда капитализмнинг, фан ва техниканинг гуркираб тараққий этиши, янги-янги материаллар, тикув машинаси пайдо бўлиши характерли эди. Бу чексиз изланишлар асри, бир-биридан кескин фарқ қиладиган икки йўналиш: ҳунармандларнинг тер тўкиб қилган меҳнати яратган эски анъанавий санъат билан янги санъатнинг тўқнашув асри эди.

Конструкциянинг вазифаси, мантиқи билан кийим материали ўртасида мустаҳкам алоқа ҳам йўқ. Костюмда қатор-қатор шакллар, бичимлар, каркаслардан (классицизм давридаги корсет ва кринолиндан) ҳалос бўлиш, айрим материалларни, безакларни ва костюмни манзарали тикишни афзал кўриш (63-расм, б) кўзга ташланади. Кийимдаги эркинлик ва соддалик бу услубнинг асосий элементи ҳисобланади. Аёллар кийимида енг ва бўйин қисмларини ечиш урф бўлган бўлса, эркаслар костюми ишчанликка, амалий фаолиятга мосланиб узил-кесил ва батамом аёллар модасига биринчилиكنи бериб қўяди.

XX аср шакл ва материаллар танлашда қатъиян хизматбопликни, соддаликни, бемалолликни ўз принципи деб эълон қилади. Бу аср – фан-техника тараққиёти асри, саноат ишлаб чиқаришнинг гуркираб ўсиш асри, аёл кишининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашуви асри, космос асридир.

Костюм корсет, кринолин, турнюр ва шунга ўхшаш сунъий нарсалардан батамом ҳалос қилади, аёл гавдасини озод этади, башанглик ҳақидаги эскича тасаввур ўзгаради. Костюмнинг асосий интилиши одам ҳаракатларига максимал даражада мос бўлишидан одамни эзмаслик, уни ўзига бўйсундирмасликдан, балки унинг ҳаётий манфаатлари изидан боришдан, яққаликни рўёбга чиқаришдан

иборат бўлади (63-расм, в).

XX аср костюмларининг ривожланиши натижасида кийимда бир неча услубларни ташкил топтирди: классик, спорт ва фантазия.

К л а с с и к услубдаги кийимлар сиполиги, формасининг ихчамлиги, деталлари жуда камлиги, кийим мутаносибликлари киши гавдасининг табиий мутаносибликларига мослиги билан ажралиб туради. Бундай кийимнинг асосий қисмлари гавданинг тегишли қисмлари устига аниқ тўғри келади. Классик услубда тикилган кийимда безаклар деярли учрамайди.

С п о р т услубида тикилган кийим шаклининг эркинлиги, енг бичимининг ҳар хиллиги, устидан қопланган чўнтаклари, чўнтак қопқоқлари, белбандлар, кокеткалар, бахялар, тўқа, илгак, пистон, тугма каби фурнитуралар мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ф а н т а з и я услубида тикилган кийим деталлар шаклининг ҳар хиллиги ва савлатлилиги билан фарқ қилади. Унинг қисмлари ғайри оддий, конструктив чизиқлари эътиборни жалб қилмайди, кўпинча халқ мотивларидан фойдаланилган бўлади.

Кийимнинг услубини биринчи навбатда унинг бичими белгилайди. Бичим, биринчидан, елка чизиғи билан енгнинг шакли ўртасидаги нисбат билан ва, иккинчидан, кийимнинг белгача узунлиги, юбканинг шакли ҳамда узунлиги билан ифодаланади.

Ҳамма буюмларнинг услуб жиҳатдан ягоналигини сақлаш жуда муҳим. Бир кийимнинг ўзида ҳар хил услубнинг аралаш-қуралаш бўлиб кетиши кўзга яққол ташланади, бунда пухта ўйлаб яратилган композициялар ҳам бузилади.

Мода турмушнинг ташқи кўринишида, кўпроқ кийимда намоён бўладиган бирон диднинг муайян ижтимоий муҳитда озроқ вақт хукмрон бўлиб туришидир (В.Даль).

Мода пайдо бўлган даврдан бошлаб қарор топмоқда, кўпаймоқда, такомиллашмоқда ва ўзгармоқда. Париж, Лондон ва Римдаги машҳур кийим моделлар уйларида ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлган моделлар яратувчи фирмаларда истиқболдаги янги моделлар намоёиш қилинмоқда. Энг истиқболли моделлар машҳур мода журналларида эълон қилинади.

Мода журналлари биринчи бўлиб XVII асрда Франциянинг Лион шаҳрида босиб чиқарилган бўлиб, унда янги кийимлар, уларни кийиш йўллари ҳақида маълумотлар берилган. Шунинг учун ҳам Францияни модалар ватани деб аташади. Мода журналлари

кишининг ва кийимнинг янги эстетик қиёфаси ва кўринишини ташвиқот қиладиган, истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондирадиган ва кучайтирадиган восита ҳисобланади. Ҳозирги кундаги конструкторлар ўзларининг кундалик ишларида дуч келинадиган кўп сонли мода журналлари, каталоглар, мода альбомларидан ишнинг кўзини билиб фойдалана олишлари лозим.

Мода билан услуб ўртасидаги фарқ замирида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятнинг ўтмишига ва теварак-атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади.

«Умуман модага ҳайратланиб ва хайрихоҳлик билан қарайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳам бўлиб, улар ўзининг етук бўлмаган ёки очикдан-очик консерватив дидларини бошқаларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Модельерларнинг ҳар бир янги таклифига ашаддий қаршилик кўрсатадилар. Улар замонавий кийинган киши кетидан ҳайриқиб кулги кўтарадилар. Бироқ ҳали ҳеч ким вақтни тўхтата олган эмас!». (В.Зайцев. Такая изменчивая мода).

Алмашиб туриш моданинг энг муҳим хусусияти. Мода вақтинчалик ва ўтиб кетадиган тушунча-ку, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган эстетик топилмалар ҳам бўлади.

Мода – бу замонавий дегани. Мода инсоннинг янгиланиб туришдек табиий интилишига мос бўлади. Мода турмуш маданияти ва эстетикасини олға томон етаклаб боради. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маъқул ечимларни танлаб олади. «Мода – бу янгиланиш! Бу табиат риоя қиладиган принцип! Дарахт эски баргини, одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Нарсалар ҳаддан ташқари ўрганиш бўлиб кетса, одам улардан тез чарчайдиган бўлиб қолади. Мода зерикарли бир хилликдан халос қилади. Одамлар бири-бирига ёқишни хоҳлайди: чиройли кийинсам, яхши кийинсам, дейди – бу табиий эҳтиёж» (Пьер Карден).

Янги модали кийимларни рассом – модельерлар яратадилар ва тарғибот қиладилар. Бундай кийимларни баҳоловчиси эса аҳоли ҳисобланади. Модали кийимлар секин-аста кириб келади, кўпаяди ва сўнади, яъни цикл юзага келади. Бундай цикллар 6-10 йилгача чўзилиши мумкин. 3, 6 йиллик циклларга кўзга кўпроқ ташланиб, унда костюмнинг ташқи кўриниши ўзгаради, яъни газламанинг ранги

ва сирти, кийимдаги чизиклари, безаклари ўз кўринишини ўзгартиради.

Мода жамият билан биргаликда ўсади ва тараққий топади, у - замона фарзанди-ю, лекин ўзининг қатъиятли характери бор. У ўсиб, семириб боради-да, ниҳоят, чегарасига етганда бузилиб кетади. Шунинг учун ҳам модали кийим 3 босқичда яшайди:

1-босқич. Моданинг кириб келиши.

2-босқич. Моданинг ривожланиши.

3-босқич. Моданинг сўниши.

Моданинг келиб чиқишида ёшлар модаси авангард бўлиб ҳисобланади. Ёшлар мода ижодкорлари бўлади. Катталар модаси бир мунча консерватив бўлиб, ёшлар модасидан тасдиқланган, исботланган элементларни қабул қилиб олади ва бир оз оддий, босиқ, вазмин тарзда ўзида қўллайди. Болалар модаси эса ёшлар модасидан анча шўх, қувноқ, кўзга ташланган элементларни олиб, оддийлаштириб, янада жўшқин ранглардан фойдаланиб, қувноқ қилиб ўзида акс эттиради.

Ижтимоий-иқтисодий формация, иқлим, теварак атрофдаги табиат халқ анъаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий-сиёсий воқеалар, фан, техника, спортга оммавий қизиқиши, янги материаллар пайдо бўлиши, космик давр каби турли туман омиллар модани шаклланишига таъсир кўрсатади.

13. Ҳозирги кийим ассортиментининг умумий тавсифи

Ҳозирги кийимнинг асосий хусусияти қулайлик ва функционалликка интилиш бўлиб, бу лойиҳани соддалаштиришда, кийимнинг ҳар қандай гавдага мосланишини осон, ёпишмай, бемалол турувчи шаклида ифода топади. Ҳозирги кийимнинг хусусиятлари қуйидагилар:

- а) кийим ансамблининг ёрқин образлилиги;
- б) нимага мўлжалланганига қараб қўшимчалар танланиши;
- в) якка кийим турларидаги материалларнинг ихтиёрий композицияси;
- г) кўп вазифалилик, мавсумига қарамаслик, турланувчанлик, кийимнинг ишбоплилигини ва универсаллигини билдириш.

13.1. Уй кийими

Қулай, яхшилаб ўйлаб тикилган уй костюми одамга ва хонадонга ярашибгина қолмай, балки киши кайфияти яхши бўлишига, уни иш юритишига кўмак бўлади, атрофдагиларни мамнун этади ҳам.

Уй кийими умуман хонадоннинг ички кўринишига мувофиқ келадиган, одам атрофидаги нарсаларга мос тушган, монанд бўлиши керак. Уй кийими – бу интерьер умумий ансамблининг бир қисми.

Уй кийими ҳам мода таъсирида бўлади ва кийимнинг айнан шу вақтга характерли бўлган бичими, узунлиги, декори, ассортименти уй кийимида ҳам акс этади.

Аниқ шаклларни, материаллар, декоратив безаклар, услуб ечимларини танлашда одам шахсияти намоён бўлиши учун уй кийими катта имкониятлар беради. Лекин уй кийимининг умумий тузилиши уйда одамларнинг батартиб, кўркам ва бардам кўринишига ёрдам берадиган бўлиши керак.

Уй кийими нимага мўлжалланганлигига, йил фаслига ва сутка вақтига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ухлаш кийими, эрталабки ва кечки ювиниш-тараниш кийими.
2. Уйда ишлаш кийими.
3. Меҳмон кутиш кийими.

Ухлаш кийими – тунги қўйлақлар, пижама поэтик образ вазифасини ўтайди. Ҳарир, очиқ ранг, юмшоқ газламалар, тўрлар, кашталар, қўйма бурмалар аёл киши қиёфасига нозиклик, тиниқлик бахш этади. Бичими содда, чоклари минимал даражада кам, одатда бўйи узун, шакллари аниқ бу кийимлар гавдани умумлаштириб, уни анча енгиллаштириб, ихчам қилиб кўрсатади. Кийим ассортименти, бўйининг узунлиги одамнинг ёшига, гавда тузилиши хусусиятлари, турмуш тарзи ва шароитига қараб танланади.

Ухлаш кийими ўсимлик ёки геометрик характердаги сийрак, майда гуллари бор очиқ майин тусли бўлиши керак, бу унинг массаси кам бўлиши талабига тўғри келади. Безаклар - кашта, қўйма бурмалар, икки томонлама қўйма бурмалар, тўрлар, мағизлар, бейкалар, тасмалар, бантлар, тикма тўрлар, печак тасмалар ва бошқалар асосан кийим рангида бўлиб, буларнинг ҳаммаси уйқу кийимини чиройли ва қулай қилади.

Тақилма минимал миқдорда тугмалар ёки боғичлар чатиб, ечими қулай қилиб ҳал этилади. Ёқалар кичик ўлчамли бўлади.

Эрталабки ва кечки ювиниш-тараниш кийими – бу тунги кийим устидан кийиладиган халат. Бу кийим тунги кўйлак ёки пижама билан комплектда ҳал этилади, шунинг учун уларнинг ҳажми, узунлиги, енгларининг бичиғи, ёқа ўмизининг ўйиғи ва ёқасининг характери, безаклари, ранги бир-бирига мосланган бўлиши керак. Тақилмаси бир бортли ёки икки бортли, минимал миқдорда тугма чатилган ёки белбоғли бўлади. Халатлар турли шаклдаги ёқали ёки ёқасиз, чўнтаклари чокда ёки қоплама бўлиши мумкин. Бу кийим тунги кийим материалидан ёки шунга монанд газламадан тикилиши мумкин.

Уйда ишлаш кийими асосан шим, юбка, блузка, сарафан, пешбанд кабилардан иборат комплектда ҳал қилинади. У расмий ва ишчанлик хусусиятларисиз, шакли, кўшимчалари ва зийнатлари ҳисобига ўнғайлик, бемалоллик туйғуси ҳосил қиладиган бўлиши керак. Уйда ишлаш кийими комплектлари ниҳоятда бемалол ҳаракат қилишга ҳалақит бермайдиган бўлиши керак. Бунинг учун трикотаж майкалар, свитерлар билан шим кийилади ёки гавдага ёпишиб турмаслиги учун кўйими кўпайтирилган блузкалар кийилади.

Пешбанд уй кийимининг тимсоли ҳисобланади. У муҳофаза вазифасини ҳам, эстетик вазифани ҳам ўтайди, безак бўлиб хизмат қилади, озодалиқ ва саранжом-саришталик симболи ҳисобланади, тартибга келтириб олиш учун эса жуда кам вақт талаб қилади.

Пешбанднинг композицион ечими унинг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ: у уй йиғиштириш учун ёпиқ, овқат пишириш учун кичик, лекин албатта кўкракни ёпиб турадиган, меҳмон кутиш учун белда турадиган кичик, башанг, бир оз ўйнақироқ бўлиши керак.

Пешбандининг шакли ва ўлчамлари жуда ҳар хил: белбоғи бир парча газламадан, бўйинга осиладиган тасмали кўкракда турадиган газламадан, ажратиб олинадиган юбкадан, халатга ўхшаш ёпиқ пешбанддан ва шу кабилардан иборат бўлади.

Пешбанд бўйин боғичли, елка, кўкрак, бел боғичли бўлиши мумкин. Боғичнинг тури пешбанднинг шакли ва нимага мўлжалланганига, шунингдек уй иши кийимининг шаклига боғлиқ.

Шакл, ранг, материал ва декоратив безакнинг монандлиги ҳисобига уй кийими билан пешбанднинг комплект бўлишига эришилади. Пешбанд воситасида гавданинг кўнгилдагидек идрок этилишига эришса бўлади. Масалан, елка боғларини бўйинга яқин

боғлаб, елкаларни торайтириб кўрсатса бўлади, бурмалар бўксани кенгроқ, тахламалар эса торроқ қилиб кўрсатади, кўкракпечнинг кенги кўкраклар ҳажмини катталаштирса, энсиз, чўзиғи кичиклаштиради.

Меҳмон кутиш кийими гавданинг афзалликларини кўзга кўрсатадиган фон бўлиб хизмат қилиши керак. Шакли сипо, материали майин, осойишта ранг гаммалари ярашадиган қилиб танланган костюм шундай хизмат қилади, чунки торгина жойдаги квартира интерьерасида у ҳар томонлама кўриниб туради. Шунинг учун шакл, деталлар, шаклларнинг мутаносиблиги ва чизиқларнинг мослиги, безак ва зийнатларнинг нозик дид билан танланганлиги айниқса аҳамиятли бўлади.

Оилавий тантаналар костюми исталган ассортиментда бўлиши мумкин. У, масалан, фақат кўйлақдан, блузка билан юбкадан ёки блузка билан шимдан иборат бўлиши мумкин.

13.2. Кундалик кийим

Одамнинг ташқи кўриниши, унинг саноат корхонасидаги, қишлоқ хўжалигидаги, муассасалардаги, савдо, транспорт, маиший хизмат соҳасидаги, ўқув юртларидаги ва бошқа ерлардаги кийими қандайлиги катта аҳамиятга эга. Кундалик кийим – бу ҳам иш, ҳам хизмат костюми. Бир қанча касбдаги кишилар иш хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш шароити сабабли махсус кийим кияди (металлурглар, ўт ўчирувчилар, балиқчилар ва бошқалар) ёхуд бошқалардан фарқ қилиш воситаси сифатида форма кийим кияди (ҳарбийлар ва маҳкамалар формаси). Айни вақтда махсус кийим талаб қилмайдиган кўп касблардаги кишилар оддий кундалик костюм кийиб юрадилар.

Ҳозирги турмуш тарзи амалий иш кийимига унинг қулайлигини, рационаллигини, ишбоплигини кўрсатадиган қатор талаблар қўяди. Бу қуйидагилардан иборат:

- ҳажми ўртачалиги, бичими оддийлиги;
- мутаносибликларнинг аниқ, қатъийлиги;
- рангларининг босиқлиги, ёрқинмаслиги;
- декоратив воситаларнинг минимум даражалиги;
- моданинг акс этгани меъёрдан ошмаганлиги.

Турли касблардаги хизмат шароити талабларида кийим ассортименти, унинг умумий шаклини, деталларини, ранг

ечимларини декоратив акцентлар жойи ва характерини белгилаб берадиган умумий хусусиятлар ҳам, специфик хусусиятлар ҳам бўлади. Кийимнинг тури, шакли, бичими, мутаносибликлари, бўлинишлари, чўнтакларининг қандай жойланиши, уларнинг тури, тақилманинг тури касб белгилаб берадиган эргономик талабларга мувофиқ танланади.

Шунинг билан бирга кундалик костюм ечими касблар фарқига биноангина эмас, балки одамларнинг бир-бирига муносабатларини ҳам ҳисобга олиб ҳал этилиши керак. Бу турли касб-ҳунар кишилари ўртасидаги, масалан, ўқитувчи билан ўқувчи, инженер билан ишчи, офицантка билан хўранда, сотувчи билан харидор ва бошқалар ўртасидаги муносабат бўлиши мумкин. Бу муносабатлар костюмнинг ишбоп (масалан, инженерда), башанг (телевидение дикторида), оммадан ажратиб турадиган (сотувчида), расмий (директорда) ва ҳоказолар бўлишига таъсир кўрсатади.

Одам фаолиятининг кун мобайнидаги хилма-хиллиги кўпинча костюмга қўшимча талаблар қўяди. Шунинг учун у кўп функцияли ва кўп вариантли, яъни конкрет шароитга осон мослаб олинадиган бўлиши керак. Бунга костюмни комплект қилиб тузиш йўли билан эришилади.

Кундалик костюмнинг ранг ечими унинг нимага мўлжалланганига ва уни қандай ишлатилиши характерига қараб танланади. Одатда, бундай ечим мўътадил, босиқ, ўхшаш ва ўхшаш-контраст рангларни бирга қўшиб ҳал қилинади, контрастлар асосан бир ранг тусларининг оқишликлари ёки иккита яқин ранглар ўртасида бўлади.

Материални кийим нимага мўлжалланганига, эстетика талабларига (пластик хусусиятлар, ранг, расмга) қарабгина эмас, балки меҳнатнинг хусусияти белгилаб берадиган гигиеник талабларга ҳам қараб танланади.

Декоратив безаклар, композицион марказ қаерда бўлиши кийимнинг функционал вазифасига боғлаб ҳал этилади.

Қўшимчалар характерининг қандайлиги шу қўшимчалар нимага мўлжалланганига қараб белгиланиб, у ҳам ишбоп костюмнинг умумий характерига бўйсундирилган бўлади.

13.3. Башанг кийим

Модадаги янги йўналиш одатда башанг кийимда синовдан ўтказиб маъқулланади. Башанг кийим одамга ярашадиган, унинг энг яхши хусусиятларини кўзга кўринтирадиган бўлиши керак.

Башанг кийим нимага мўлжалланганига қараб қуйдагича бўлинади: хонадон тантаналарида кийиладиган, театр ва концерт залларига борганда кийиладиган, танца кечаларида кийиладиган, расмий тантаналарда кийиладиган, байрамда кийиладиган, мактабни битирувчилар балларида кийиладиган, тўйда кийиладиган ва ҳоказо.

Арзигулик тантаналарнинг ҳаммаси одатда катта-катта хоналар, залларда ўтказилади, шунинг учун ҳамма нарса яқиндан ҳам, узоқдан ҳам кўринадиган бўлиши керак. Башанг костюм ечимини хал қилишда бу албатта ҳисобга олинади: танцада кийиладиган кўйлақларга ифодали зийнатлар (гуллар, бантлар), театрга кийиб борадиган костюмга заргарлик безаклари, тантанали вазиятлар учун оқиш контрастлар танланади.

Башанг кўйлақ одам учун кийимнинг бошқа турларидан кўра кўпроқ зийнат бўлиб, одамнинг ташқи қиёфаси хусусиятларига, унинг табиатига жуда монанд бўлиши керак.

Башанг кийимни моделлашнинг ўзига хос хусусияти шаклдаги хизмат турига, касб–хунарга, спорт билан шуғулланишга ва бошқа одам фаолияти турига оид ҳамма қисмларни чиқариб ташлашдан ёки сезилмайдиган қилиб қўйишдан иборат. Ҳатто қулайлик ва ишбоплик ҳам яширин бўлиши керак. Шаклнинг барча қисмлари ўз конструктив моҳиятини яшириб, бу моҳият декоратив кўринишда ифода топиши керак. Деталлар ишбоп характерда бўлмаслиги керак. Кийимнинг функционал хусусиятларини сезилмайдиган қилишга кўпинча пелериналар, шарфлар, драпировкалар, турли хил безаклар ёрдам беради. Башанг кийимларда чўнтак бўлмагани тузук, ёқалар, тақилмалар декоратив характерда бўлиши керак.

Башанг кийим шакли ечимининг икки тури бор:

1. Осойишта, «биқик», нейтрал шакллар. Бунда костюм одамнинг кўринишини такрорлайди ва унинг ўзига хос рамка, фон бўлиб хизмат қилади, унинг ташқи қиёфасини таъкидлаб туради ёхуд материалнинг нафислигини, бой кўриниши ва бошқа хусусиятларини (духоба, табиий мўйна ва бошқаларни) ёки қўшимчалар ва зийнатларни бўттириб кўрсатади. Бу тур костюмларнинг ечими одатда классик услуб йўлида бўлади. Улар одам актив ҳаракатлар қилмайдиган расмий тантаналарда, театрга борганда ва ҳоказоларда

кийишга мўлжалланган бўлади. Бундай тур башанг кўйлакларни олиб кўйиладиган деталлар (пелериналар, палантиналар), қўшимчалар (белбоғлар, шарфлар) ва турли зийнатлар ёрдамида ҳар хил қилиб, уларнинг ишлатилиш диапазонини кенгайтирса бўлади.

2. Актив ҳилпираб турадиган, «биқиқ» шакллар безакларининг декоративлиги ҳисобига ва бутун ўзининг тузилиши (ўрама юбкалар, ҳилпирама деталлари) ёрдамида одам билан ҳамкорликда бўлади. Улар одам актив ҳаракатлар қиладиган танца кечаларида, янги йил балларида, мактаб битирувчилари кечаларида кийилади.

Башанг костюм нимага мўлжалланганига қараб унинг материали читдан то духобагача, зийнатлари ёғочдан то бриллиантгача, декоратив беағи оддий мережкада то зардўзи, буюмларгача бўлиши мумкин.

Башанг кийим моделларини ишлаб чиқишда кўпинча материаллар бирга қўшиб ишлатилиб, бунда монандликка эришиш учун албатта биронта етакчи аломат бўлиши керак. Материал ранги бир хил бўлиб, фактуралар контрасти (атлас ва духоба) принципида, фактура бир хил бўлиб, ранглар контрасти принциплари ва айна вақитда фактура билан ранг нисбатлари контрасти принципида бирга қўшилиши мумкин.

Башанг костюм ечимининг бадий-образли ҳал этилиши унинг барча қисмлари ўзаро боғлиқ бўлишини ва одам шахсияти (гавдаси, ёши, табиати) билан, шунингдек кийиб юриладиган муҳити билан албатта алоқадор бўлиши талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.К.Хасанбаева. «Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш». Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.
2. А.П.Рогова. «Эркактар ва болалар устки кийимини конструкциялаш асослари». Тошкент. Ўқитувчи. 1988 йил.
3. А.П.Шершнева. «Основы конструирования женской и детской одежды». Москва. Легпромбытиздат. 1982 г.
4. Г.В.Скачкова, Л.В.Мартопляс. Школа кройки и шитья на дому. Минск. "ХЭЛТОН" 2000 г.
5. Е.В.Киреева. «История костюма». Москва. "Просвещение". 1976 г.
6. Е.Б.Коблякова. «Основы конструирования одежды». Москва. "Легкая индустрия". 1980 г.
7. Т.А.Абдуллаев, С.А.Хасанова. «Одежда узбеков (XIX начало XX в.)». Издательство "Фан". Узбекской ССР. Ташкент. 1978 г.
8. Л.П.Чижикова. «Кружок конструирования и моделирования одежды». Москва "Просвещение". 1990 год.
9. Г.Г.Мозговая, Г.Б.Картушина. «Швейное дело». 7-8 класс. Москва. "Просвещение". 1990 год.
10. «Уй-рўзгор энциклопедияси». Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. Тошкент. 1982 йил.
11. Т.В.Козлова, Л.Б.Рытвинская, З.М.Тимашева. «Моделирование и художественное оформление женской и детской одежды». Москва. Легпромбытиздат. 1990 год.
12. Н.В.Ерзенкова. «Блузки». Минск. "Полымя". 1994 год.
13. Г.Н.Александрова. «100 моделей женских юбок». Минск. "Полымя". 1992 год.
14. Т.Н.Екшурская, Е.Н.Юдина, И.А.Белова. «Модное платье». Санкт-Петербург. Лениздат. 1992 год.
15. Т.И.Ерёменка. «Сехрли игна». Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.
16. П.П.Кокеткина. «Справочник по конструированию одежды». Москва. "Легкая и пищевая промышленность". 1982 г.

МУНДАРИЖА

Кириш.	3	
"Тикув буюмларини лойихалаш ва моделлаш"		фанининг
мақсад ва вазифалари.	5	
1. Кийим ҳақида маълумот.	6	
1.1. Костюмдаги айрим терминларга тушунча.	6	
1.2. Кийим тарихидан маълумот.	8	
1.3. Кийимга қўйиладиган талаблар.	14	
1.4. Кийимларнинг синфланиши.	16	
2. Одам гавдаси ҳақида маълумот.	17	
2.1. Одам гавдаси тузилиши ва турлари.	17	
2.2. Болалар гавдасининг тузилиши.	22	
2.3. Гавданинг антропометрик нуқталари ва чизиқлари.	22	
2.4. Гавдани модул бўйича чизиш.	25	
3. Кийимни лойихалаш асослари.	26	
3. 1. Кийимни лойихалашда ишлатиладиган ўлчов турлари	26	ва
уларни гавдадан олиш йўллари.	26	
3.2. Кийимларни лойихалаш усуллари.	30	
3.3. Кийимни лойихалашда ишлатиладиган қўшимчалар.	32	
4. Аёлларнинг кийимларини лойихалаш асослари.	36	
4.1. Аёллар кийимларини тавсифи.	36	
4.2. Аёллар тунги кўйлагини лойихалаш.	37	
4.3. Аёллар овропача кўйлагини лойихалаш.	39	
4.4. Ўтказма энгни лойихалаш.	44	
4.5. Аёллар блузкаси.	46	
4.6. Яхлит энгли кўйлакларни лойихалаш асослари.	47	
4.7. Реглан энгли кийимларни лойихалаш.	51	
4.8. Ёқаларни лойихалаш.	55	
4.9. Яхлит ёқалар чизмаси.	59	
4.10. Юбкаларни лойихалаш асослари.	61	
4.11. Тўғри бичимли юбка чизмаси.	62	
4.12. Юбка-шимни лойихалаш.	64	

4.13. Бўлакли юбкаларни лойихалаш.	65
4.14. Клёшли юбкаларни лойихалаш.	67
4.15. Шим асосини лойихалаш.	68
5. Техник моделлаш жараёни ҳақида маълумот.	73
5.1. Аёллар кўйлагини техник моделлаш.	74
5.2. Енгларни техник моделлаш.	76
5.3. Юбкаларни техник моделлаш.	78
6. Ўзбек миллий кийимлар тавсифи.	81
6.1. Миллий кийимлар тарихидан маълумот.	81
6.2. Аёллар ўзбекча кўйлагини техник моделлаш.	84
6.3. Аёллар нимчасини техник моделлаш.	87
6.4. Ўзбекча миллий лозимни лойихалаш.	89
7. Болалар кийими.	90
7.1. Чақалоқ болалар кийими.	92
7.2. Мактабгача ёшдаги қиз болалар кўйлагини лойихалаш. . . .	95
7.3. Мактабгача ёшдаги қиз болалар кўйлагини моделлаштириш.	99
8. Кийимда безак элементларини моделлаштириш	101
9. Мактабгача ёшдаги ўғил болалар кўйлагини лойихалаш. . . .	103
10. Эркаклар кўйлагини лойихалаш.	107
11. Ёрдамчи деталларни чизиш, андоза тайёрлаш уни кўпайтириш ва жойлаш.	113
11.1. Андозалар конструкциясини тузиш ва уларни кўпайтириш.	113
11.2. Андозаларни техник кўпайтириш.	115
11.3. Андозаларни газлама устига кўйиш ва бичиш.	117
12. Кийимларни моделлаштириш ва бадий безаш асослари. . . .	119
12.1. Моделлаштиришнинг мақсад ва босқичлари.	119
12.2. Услуб ва мода.	121
12.3. Кийим композицияси асослари.	129
13. Хозирги кийим ассортиментининг умумий тавсифи.	142
13.1. Уй кийими.	143
13.2. Кундалик кийим.	145
13.3. Башанг кийим.	147
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	149

